

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

Гулистон давлат университети

**“Ўзбекистон тарихи”
кафедраси**

ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ

ФАНИДАН ЎҚУВ - УСЛУБИЙ МАЖМУА

Гулистон – 2018

А. СОДИҚОВ "ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ" ФАНИДАН ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА. ГУЛИСТОН-2018. 93-БЕТ

Ушбу ўқув-услубий мажмуа амалдаги дастур асосида тайёрланиб, унда фан бўйича муаммоли маърузалар тўплами, семинар машғулотлар ишланмалари, мустақил иш топшириқлари, тавсия этилган адабиётлар рўйхати жамланган. Муаммоли маъруза матнида замонавий педтехнология тизимига суянган ҳолда дарс мақсади ва идентив ўқув мақсадлари, мавзу бўйича кўриб чиқилиши зарур бўлган муаммолар, назорат саволлари келтирилган. Маърузалар тўпламида Ватанимиз тарихининг ўрта асрлардаги тарихи унинг шонли ва изтиробли кунлари ҳақидаги воқеалар муфассал ёритиб берилган. Ҳар бир мавзу охирида фанда ечимини кутаётган илмий муаммолар келтирилган. Семинар машғулотлари ишланмасида кўриб чиқилиши лозим бўлган масалалар, мустақил топшириқларда талаба мустақил равишда ўрганиши лозим бўлган вазифалар белгилаб берилган.

*A.SADIKOV EDUCATIONAL – METHODOICAL COLLECTION ON “HISTORI
UZBEKISTAN”. GULISTON-2010. PG*

This educational-methodical collection is prepared for the students of pedagogical specialized and special part time department of Gulistan State University.

It consists of working program, schedule, course of lectures, seminars, the themes of Individual work and tasks on Individual work. It is also included the list of literatures.

The intermediate questions are given at the end of the collection. This educational-methodical collection is intended for teachers and students of special part time department.

А.САДИКОВ. УЧЕБНО-МЕТОДИЧЕСКИЙ КОМПЛЕКС ПО “ИСТОРИИ УЗБЕКИСТАНА”. ГУЛИСТАН – 2018. 95 СТ

Учебно-методический комплекс по “Истории Узбекистана” состоит из рабочей программа, рейтинговая разработка, критерии оценки, курс лекций, семинарские занятия, задание по самостоятельной работе, контрольные вопросы, основной и дополнительный список используемой литературы.

Данный учебно-методический комплекс предназначен для преподавателей и студентов.

Рецензенты: **д.и.н. проф. Муртазаева Р.Х.,**
кан. ист наук. доц. Б. Туйчибоев
Ответственный редактор: кан. ист. наук. доц. У. Эрбутаева

Ушбу ўқув-услубий мажмуа Вазирлик қошидаги Мувофиқлаштирувчи кенгаш йиғилиши қарори билан (№ 1 баённома, 10 октябрь 2018 йил) нашр этишга тавсия қилинган.

КИРИШ

Ўзбекистон мустақилликка эришгач Ватанамиз тарихини ўрганишга алоҳида аҳамият берилди, Ватан тарихини ҳеч қандай бўёқларсиз, амалда ҳаётда қандай бўлса, шундай ҳолисона ўрганиш имкониятига эга бўлди. Зеро тарихни билмасдан туриб миллатнинг ўзлигини англаши мумкин эмас. Ватан тарихини яратиш ва уни ёш авлодга ўқитиш ва ўргатиш бўйича бирдан-бир тўғри назарий, балки амалий, ҳаётий аҳамиятга ҳам эгадир. Ватан тарихи олдида қуйидаги долзарб масалалар туради:

Биринчидан, Ўзбекистон тарихи ёш авлод онгида ғоявий –сиёсий, назарий –илмий дунёқарашни шакллантириши лозим, воқеа ва ҳодисаларга тарихий нуқтаи-назардан ёндошадиган ҳар томонлама етук баркамол инсонни тарбиялаши керак;

Иккинчидан, Ўзбекистон тарихи ёшлар онгида миллий виждоннинг уйғониб шаклланишига кўмаклашади. Ёшлар аждодларимизнинг тараққиёт йўлининг тарихий тажрибасини ўргангандагина, уларда истиқлол тафаккури, ҳозирги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий турмушни ўтмиш билан қиёслаш ва келажакка назар солиш малакаси шаклланади, миллий уйғониш юз беради;

Учинчидан, Ўзбекистон тарихи ёш авлодни улуғ халқимизнинг олижаноб миллий кадриятлари ва ахлоқий фазилаатлари: ҳалоллик ва поклик, одиллик ва адолатлилик, инсонпарварлик ва ростгўйлик, меҳнатсеварлик ва камтарлик, имонлик ва эътиқодлик руҳида тарбияламоғи керак.

Ўзбекистон тарихини ўқиш ва ўқитиш жараёнида ёшларда тарихий билимлар, илмий-назарий тушунчалар ва тасаввурлар шаклланиши лозим. Тарихни ёритиш, ўқитиш ва ўргатиш жараёнида чуқур илмийлик, холислик, тарихий ҳақиқатнинг устиворлиги асосий ва бош йўналиш бўлиши лозим.

Ўзбекистон тарихининг ҳар бир сатри, миллий кадриятларга ҳурмат руҳи билан суғорилган бўлиши ва миллий истиқлол тафаккури ва мафқурасининг камол топишига хизмат қилиши даркор. Шу маънода ёшлар онги ва қалбига миллий истиқлол ғояларини синдириш, уларни комил инсон қилиб тарбиялашда Ўзбекистон тарихи фанининг ўрни бениҳоя катта. Ушбу ЎУМ ўқув режаси асосида тузилган бўлиб талабаларга мавзулар бўйича саволлар, саволлар баёни, назорат саволлари, семинар машғулотлари ва мустақил ишлар бўйича услубий кўрсатмалар ва адабиётлардан фойдаланиш бўйича тавсиялар берилган.

Фаннинг мақсад ва вазифалари

Она тарихни ўқитиш ва ўрганиш ҳозирда авж олиб ривожланаётган ислохотчилик ва янгиланиш ҳаракати даврида ижтимоий заруриятгина эмас, балки ҳаётий эҳтиёжга айланган. Бу эҳтиёж миллий маънавий-мафқуравий уйғониш, маданий ва иқтисодий юксалишларга бўлган эҳтиёжларнинг бош мезони ҳисобланади. Тарихга бўлган миллат эҳтиёжнинг қондирилиши тараққиёт ва миллий уйғонишнинг асосидир.

Ҳаққоний ёзилган Ватан тарихини ўрганиш ва ўқитиш шунинг учун ҳам керакки, у сохта тарихий тушунча ва тарихий хотирасизликка барҳам беради, миллий ғоя ва мафқура такомиллашувини тезлаштиради. Ватан тарихини ўқитиш ва ўрганиш яна шунинг учун ҳам зарурки, халқимиз ундан руҳий кувват олиб, душманга бош эгмаслик, қайта мустамлака қопқонига тушмаслик, бошқаларга бўйсинмаслик, бегона ғоя ва мафқура ҳамда зуғумлар таъсирига берилмаслик маънавиятига эга бўлади. Тарихни

мукаммал билиш, унинг мазмун ва моҳияти, фалсафасини теран англаш миллат учун юксак фазилат.

Фаннинг вазифалари: Ўзбекистон тарихи фани олдида турган асосий вазифа куйидагилардан иборатдир: **биринчидан**, ёшларга ва бўлажак мутахассис кадрларга чуқур миллий ва умуминсоний тарихий, ғоявий-сиёсий, илмий-назарий дунёқарашни сингдириш. **Иккинчидан**, ёшларда миллий тафаккур, ғурур ва ўзликни, миллий виждон ва умуминсоний баркомолликни тарбиялаш. **Учинчидан**, ёшларда оташин ватанпарварлик ва ҳарбий жасоратни, миллат ва Ватанга садоқатликни тарбиялаш. **Тўртинчидан**, ёшларга миллий ва тарихий кадриятларни эъзозлаш, асраб-авайлаш руҳини сингдириш, уларда юксак ахлоқий фазилатлар (ҳалоллик, поклик, одиллик, ростгўйлик, меҳнатсеварлик, камтаринлик, имон ва эътиқодлик)ни тарбиялаш.

Бешинчидан, ёшларни Ватан ва халқ, миллат, ота-она, фарзанд, табиат ва жамият олдидаги муқаддас бурчларни чуқур ҳис этиш ва уларга садоқатлик руҳида тарбиялаш.

Фаннинг мазмуни

Ўзбекистон тарихи фани фан сифатида ижтимоий-сиёсий, умуминсоний фан бўлиб, инсон ва миллат, ўз ўтмишини билиши, ўзлигини ўзи англаши ҳамда келажагини белгилашида асосий дастуриламал ҳисобланади. Шу билан бирга, у ижтимоий-сиёсий ҳаёт соҳасидаги ягона фан ҳам эмас. Жамият, инсоният ва табиатнинг ўтмишини ўрганувчи бошқа соҳа фанлари ҳам бор. Масалан, маданият, маориф, иқтисодиёт ва бошқа фанлар шулар жумласидандир. Аммо бошқа фанларнинг ҳаммаси ҳам, табиат, жамият ҳам аввало, катта тарихда акс этади. Соҳа тарих фанлари ҳам тарих фанининг ўрганиш объекти ва предмети ҳисобланади.

Фаннинг бошқа фанлар билан алоқадорлиги. Тарих фани бошқа, айниқса, ижтимоий-гуманитар фанлари билан мустаҳкам ва узвий алоқа бирлигида ривожланади. Шунинг учун ҳам, тарихчилар фалсафани, адабиёт ва тилни, диншуносликни ва бошқа фанларни билмай туриб, ҳаққоний тарихни тўла ёритиб беролмайдилар.

Шуни ҳам айтиш лозимки, тарих билан бошқа ижтимоий- гуманитар фанларнинг ўрганиш объекти битта яъни жамиятдир. Предмети эса иносон ва табиат. Шунинг учун ҳам бошқа фанлар тарих фани тараққиётига, тарихий ҳақиқатларнинг рўёбга чиқишига бевосита ёрдам беради. Шунингдек, тарих фани ҳам бошқа соҳа фанлари ривожига катта таъсир этади. Аммо, шуни ҳам таъкидлаш жоизки, тарих бошқа фанларни, шунингдек ижтимоий-гуманитар фанларнинг ҳам тарихидир. Чунки бошқа фанларнинг ҳаммаси ҳам, тарих маҳсулидир.

МАЪРУЗАЛАР МАВЗУСИ.

| № | Мавзу | Маъруза (соат) |
|---|--|-------------------|
| 1 | Араб халифалиги даврида Моворауннаҳр ва Хуросон | 2 |
| 2 | Моворауннаҳр ва Хуросонда марказлашган давлатларнинг ташкил топиши | 2 |
| 3 | Қорахонийлар , Салжуқийлар ва Хоразмшоҳлар давлати | 2 |
| 4 | IX-XII асрларда Мовороуннаҳр ва Хуросондаги маданий ҳаёт. Уйғониш (Ренесанс) даври ривожи | 2 |
| 5 | Марказий Осиёнинг мўғуллар томонидан босиб олинishi. Моворауннаҳр Чиғатой улуси таркибида. | 2 |
| 6 | Амир Темур ва темурийлар давлати | 2 |
| 7 | Амир Темур ва темурийлар даврида ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаёт | 2 |
| | Жами | 14 |

СЕМИНАР МАШҒУЛОТЛАР МАВЗУСИ:

| № | Мавзу | Семинар (соат) |
|----|---|-------------------|
| 1 | Араб халифалиги даврида Моворауннаҳр ва Хуросон | 2 |
| 2 | Моворауннаҳр ва Хуросонда марказлашган давлатларнинг ташкил топиши | 2 |
| 3 | Сомонийлар давлати | 2 |
| 4 | Қорахонийлар давлати | 2 |
| 5 | Ғазнавийлар ва Салжуқийлар давлатлари | 2 |
| 6 | Хоразмшоҳлар давлати | 2 |
| 7 | IX-XII асрларда Мовороуннаҳр ва Хуросонда маданий ҳаёт | 4 |
| 8 | Ўрта Осиёнинг мўғуллар томонидан босиб олинishi | 2 |
| 9 | Амир Темур ва темурийлар давлати | 2 |
| 10 | Амир Темур ва темурийлар даврида ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаёт | 2 |
| | Жами | 22 |

Мустақил иш топшириқлари мавзулари.

1. Ислом динининг пайдо бўлиши ва унинг Ўрта Осиёга ёйилиши.
2. Ўрта Осиёнинг буюк муҳаддис алломалари
3. Сомонийлар, Ғазнавий, Қорахонийлар, Салжуқийлар, Хоразмшоҳлар
4. Темур ва Темурийлар даври

ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ
фанидан рейтинг ишланма ва баҳолаш мезони:

| Назорат турлари | Назорат сони | Ажратилган балл | Жами |
|-----------------------------|--------------|-----------------|------------|
| I (Жорий назорат) | 4 | 40 | 40 |
| 1.1. Семинар | 9 | 2 | 18 |
| 1.2. Умумий сўров | 1 | 2 | 2 |
| 1.3. Тест | 2 | 4 | 8 |
| 1.4. ТМИ | 3 | 4 | 12 |
| II (Оралик назорат) | 4 | 30 | 30 |
| 2.1. Назорат иши | 2 | 4 | 8 |
| 2.2. Реферат | 1 | 8 | 8 |
| 2.3. Конспект | 1 | 6 | 6 |
| 2.4. ТМИ | 2 | 4 | 8 |
| III (Якуний назорат) | 1 | 30 | 30 |
| 3.1. Ёзма иш | 1 | 30 | 30 |
| Жами: | 9 | 100 | 100 |

ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ
фанидан БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ

1. Жорий баҳолаш бўйича:

1.1. Семинар машғулотлардаги топшириқларни тўла бажарган талабага 2 балл, тўла бажармаган бўлса 1-1,5 балл берилади.

1.2. Умумий сўровда курс бўйича берилган саволларнинг жавоби тўлиқлигига қараб 2 балгача баҳоланади.

1.3. Тест синови 2 марта ўтказилади, талабалар ўз вариантыдаги 8 та саволга жавоб берадилар, ҳар бир тўғри жавоб учун 0,5 балл оладилар.

1.4. Талабалар мустақил ишида бажарган ишининг мазмунига қараб, ҳар бир мустақил ишга 4 баллгача балл берилади.

2. Оралик баҳолаш бўйича:

2.1. Назорат иши икки марта ўтказилади, ҳар бирида вариантлар асосида 2 тадан савол берилади. Ҳар бир савол 1 балгача баҳоланади.

2.2. Реферат юзасидан тавсия этилган мавзулар бўйича ёзилади. Рефератда тавсия этилган мавзу тўлиқ очилган, тўғри хулоса чиқарилган ва амалий таклифлари бўлса 8-7 балл, мавзу моҳияти очилган, хулосаси бор бўлса 6-5 балл, мавзу моҳияти ёритилган лекин камчилиги бўлса 4-3 балл, реферат жуда қисқа ва мазмуни саёз бўлса 2-1 балл берилади.

2.3. Конспект берилган мавзулар бўйича ёзилади. Конспектда талабаларнинг ўзларига берилган мавзулар бўйича маълумотларни ёритиб, тўлиқ изоҳлаб ва таҳлил эта олса 6 балл, фақат маълумотларни олиб тавсия этса 5-4 балл, олинган маълумотлар мазмуни

тўлик бўлмасдан тавсия этса 3 балл берилади. Конспект фақат кўчирилган бўлса 2-1 балл қўйилади.

3. Якуний баҳолаш бўйича:

3.1. Якуний баҳолашда ёзма иш синови ўтказилади, бунда талабалар 3 та саволга жавоб берадилар, ҳар бир тўғри жавоб учун 10 балдан берилади.

ФАННИ ЎҚИТИШ УЧУН ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШНИНГ КОНЦЕПТУАЛ АСОСЛАРИ

“Ўзбекистон тарихи” ўқув курси бўйича юқори илмий-педагогик даражада ташкил этилиши, муаммоли машғулотлар ўтказиш, дарсларни савол-жавоб тарзида ташкил қилиш, илғор педагогик технологиялардан ва мультимедиа қўлланмалардан фойдаланиш, талабчанлик, талабалар билан яқка тартибда ишлаш, эркин мулоқотга киришишга жалб қилиш ва бошқа тадбирлар таълим устуворлигини таъминлайди.

Фаннинг мақсади. Талаба-ёшларда билим, кўникма ва малакалар тизимини таркиб топтириш ва шакллантириш.

Фанни ўқитишнинг вазифалари. Мақсадни амалга ошириш учун қуйидаги вазифаларни бажариш лозим бўлади: талабаларга тарих ҳақида, унинг манбалари ва асослари, тарихий ривожланиши, тарихий даврларнинг босқичларини кўрсатиб бериш, шунингдек, тарихимизнинг ўрта асрлар даврини ўрганишдан иборатдир. Булардан ташқари мазкур фанни ўрганиш давомида талабалар тарихнинг Тарих фани ижтимоий тараққиёт ва ўтмишга оид ҳар хил воқеа-ҳодисаларнинг изчил ривожланиши, уларнинг қачон, қаерда, қандай ҳолатда юз берганлиги, инсониятнинг пайдо бўлиши ва унинг тадрижий-эволюцион ривожланиш жараёни ва бошқаларни ўрганади.

Шахсга йўналтирилган таълим. Ўз моҳиятига кўра таълим жараёнининг барча иштирокчиларини тўлақонли ривожланишларини кўзда тутди. Бу эса таълимни лойиҳалаштирилаётганда, албатта, маълум бир таълим олувчининг шахсини эмас, аввало, келгусидаги мутахассислик фаолияти билан боғлиқ ўқиш мақсадларидан келиб чиққан ҳолда ёндашишга эътибор қаратишни амалга оширади. Ҳар бир талабанинг шахс сифатида касбий такомиллашувини таъминлайди. Таълимнинг марказига билим олувчи қўйилади.

Тизимли ёндашув. Таълим технологияси тизимнинг барча белгиларини ўзида мужассам этмоғи лозим: жараённинг мантикийлиги, унинг барча бўғинларини ўзаро боғланганлиги, яхлитлиги билим олиш ва касб эгаллашнинг мукамал бўлишига ҳисса қўшади.

Фаолиятга йўналтирилган ёндашув. Шахснинг жараёнли сифатларини шакллантиришга, таълим олувчининг фаолиятини жадаллаштириш ва интенсивлаштириш, ўқув жараёнида барча қобилият ва имкониятларни, ташаббускорликни очишга йўналтирилган таълимни ифодалайди. Эгалланган билимларнинг кўникма ва малакага айланиши, амалиётда татбиқ этилишига шароит яратади.

Ҳамкорликдаги таълимни ташкил этиш. Демократлилик, тенглик, таълим берувчи ва таълим олувчи ўртасидаги субъектив муносабатларда ҳамкорликни, мақсад ва фаолият мазмунини шакллантиришда эришилган натижаларни баҳолашда биргаликда

ишлашни жорий этишга эътиборни қаратиш зарурлигини билдиради. Таълим жараёнида “субъект-субъект” муносабатлари таркиб топади.

Муаммоли таълим. Таълим мазмунини муаммоли тарзда тақдим қилиш орқали таълим олувчи фаолиятини активлаштириш усулларида бири. Бунда илмий билимни объектив қарама-қаршилиги ва уни ҳал этиш усуллари, диалектик мушоҳадани шакллантириш ва ривожлантиришни, амалий фаолиятга уларни ижодий тарзда қўллашни таъминлайди. Муаммоли савол, вазифа, топшириқ ва вазиятлар яратиш ва уларга ечим топиш жараёнида онгли, ижодий, мустақил фикрлашга ўргатилади.

Ахборотни тақдим қилишнинг замонавий воситалари ва усуллари қўллаш - ҳозирги ахборот коммуникация технология воситалари кучли ривожланган шароитда улардан тўғри ва самарали фойдаланиш, ахборотларни танлаш, саралаш, сақлаш, қайта ифодалаш кўникмалари ҳосил қилинади. Бу жараёнда компьютер саводхонлиги алоҳида аҳамият касб этади.

Ўқитиш методлари ва техникаси. Маъруза (кириш, мавзуга оид, визуаллаш), муаммовий усул, кейс-стади, пинборд, парадокслар, лойиҳа ва амалий ишлаш усуллари.

Ўқитиш воситалари: ўқитишнинг анъанавий воситалари (дарслик, маъруза матни, кўргазмали қуроллар, харита ва бошқалар) билан бир қаторда – ахборот-комуникация технология воситалари кенг кўламда татбиқ этилади.

Комуникация усуллари: тингловчилар билан оператив икки ёклама (тескари) алоқага асосланган бевосита ўзаро муносабатларнинг йўлга қўйилиши.

Тескари алоқа усуллари ва воситалари: кузатиш, блиц-сўров, жорий, оралиқ ва якунловчи назорат натижаларини таҳлили асосида ўқитиш диагностикаси амалга оширилади.

Бошқариш усуллари ва тартиби: ўқув машғулоти босқичларини белгилаб берувчи технологик харита кўринишидаги ўқув машғулотларини режалаштириш, қўйилган мақсадга эришишда ўқитувчи ва тингловчининг биргаликдаги ҳаракати тартибли йўлга қўйилади.

Мониторинг ва баҳолаш: бутун курс давомида ҳам ўқитиш натижалари рейтинг тизими асосида назорат ва таҳлил қилиб борилади. Курс охирида ёзма иш ёрдамида таълим олувчиларнинг билимлари баҳоланади.

ЛЕКЦИЯЛАР КУРСИ:

1-МАВЗУ: Араб халифалиги даврида Моворауннаҳр ва Хуросон
Фанни ўқитиш технологияси: “ Араб халифалиги даврида Моворауннаҳр ва Хуросон ” мавзусидаги маъруза машғулотининг технологик харитаси

| Т/р | Босқичлар ва бажариладиган иш мазмуни | Амалга оширувчи шахс, вақт |
|-----|--|----------------------------|
| 1 | <p>Тайёрлов босқичи:</p> <p>1.1 Дарс мақсади: Талабаларга Араб халифалигининг вужудга келиши, арабларнинг Ўрта Осиёга истилочилик юришлари, уларга қарши аҳолининг қўзғолонлари ҳақида маълумот бериш.</p> <p>1.2. Идентив мақсадлар:</p> <p>1.2.1. Араб халифалигининг ташкил топишини айтиб беради.</p> | Ўқитувчи |

| | | |
|---|---|----------------------------------|
| | <p>1.2.2. Араб босқинининг сабаб ва оқибатларини таҳлил қилади.</p> <p>1.2.3. Қутайбанинг истилочилик сиёсатининг моҳиятини тушунтиради.</p> <p>1.2.4. Арабларга қарши халқ ҳаракатларининг аҳамиятини билади.</p> <p>1.3. Асосий тушунча ва иборалар: Мовароуннаҳр, Қутайба, Гурак, Деваштич, Муқанна, хирож, закот,жизья, Пойканд, Бухоро, Беруний, Рофи ибн Лайс,Марв, Табарий, Ислом, Қуръони Карим, ҳадис,</p> <p>1.4. Дарс шакли: гуруҳ ва микрогуруҳларда.</p> <p>1.5. Фойдаланиладиган метод ва усуллар: суҳбат, маъруза-ҳикоя, баҳс, видеоусул.</p> <p>1.6. Керакли жиҳоз ва воситалар: Кўргазмали қуроллар, харита, тарқатма материаллар.</p> | |
| 2 | <p>Ўқув машғулоти ташкил қилиш босқичи:</p> <p>2.1. Мавзу эълон қилинади.</p> <p>2.2. Маъруза бошланади, асосий қисмлари баён қилинади.</p> | Ўқитувчи, 15 минут |
| 3 | <p>Гуруҳда ишлаш босқичи:</p> <p>3.1. Талабаларга муаммоли савол беради.</p> <p>3.2. Талабалар фикри эшитилади, бошқа талабалар баҳсга чақирилади.</p> <p>3.3. Умумий хулосалар чиқарилади ва тўғрилиги текширилади.</p> <p>3.4. Умумий хулосага келинади.</p> | Ўқитувчи- талаба, 40 минут |
| 4 | <p>Мустаҳкамлаш ва баҳолаш босқичи:</p> <p>4.1. Берилган маълумотни талабалар томонидан ўзлаштирилганини аниқлаш учун қуйидаги саволлар берилади:</p> <ul style="list-style-type: none"> - Араблар босқинининг оқибатларини айтиб беринг? - Қутайба ва сўғдлар ўртасидаги шартнома шартларини айтинг? -Деваштич ва Гурак исёнининг характерли хусусияти нима? -Муқанна кўзғолони ҳақида фикр билдиринг? -Ислом динининг Мовароуннаҳрга ёйилиши ҳақида айтиб беринг? <p>4.2. Энг фаол талабалар (баҳолаш мезони асосида) баҳоланади.</p> | Ўқитувчи, 15 минут |
| 5 | <p>Ўқув машғулотини яқунлаш босқичи:</p> <p>5.1. Талабалар билими таҳлил қилинади.</p> <p>5.2. Мустақил иш топшириқлари берилади.</p> <p>5.3. Ўқитувчи ўз фаолиятини таҳлил қилади ва тегишли ўзгартиришлар киритади.</p> | Ўқитувчи, 10 минут |

Асосий саволлар:

1. Ўрта Осиёнинг араблар томонидан босиб олинishi.
2. Халифалик зулмига қарши халқ кўзғолонлари.

Таянч тушунча ва иборалар: Мовароуннаҳр, Қутайба, Гурак, Деваштич, Муқанна, хирож, закот,жизья, Пойканд, Бухоро, Беруний, Рофи ибн Лайс,Марв, Табарий, Ислом, Қуръони Карим, ҳадис,

1-асосий савол. Ўрта Осиёнинг араблар томонидан босиб олинishi.

Дарсининг мақсади:

Араб халифалигининг ташкил топиши, Мовароуннаҳрни араблар томонидан босиб олинishi. Араблар ҳужумининг босқичлари, Қутайбанинг Бухоро, Хоразм,

Самарқанд, Шош ва Фарғонани истило қилиши ҳақида талабаларга тушинтириш. Талабаларда юртга муҳаббат, тарихга, аجدодлар руҳига хурмат ҳиссини тарбиялаш.

ИДЕНТИВ ЎҚУВ МАҚСАДЛАРИ:

1. Араб ҳалифалигининг ташкил топишини айтиб беради.
2. Араб ҳалфалиги ҳудудини кўрсатади.
3. Араб босқинининг сабаб ва оқибатларини таҳлил қилади.
4. Қутайбанинг истилочилик сиёсатининг моҳиятини тушунтиради.

1-асосий саволнинг баёни:

Жаҳон тарихида улкан из қолдирган давлатлардан бири-бу Араб халифалигидир. Араб халифалиги даври Ўрта Осиё, Эрон, Афғонистон, Яқин ва Ўрта Шарқ, шимолий Ҳиндистон, Пиреней ярим ороли ва шимолий Африка халқларининг ижтимоий, иқтисодий, маданий тараққиётида ўзига хос юксалиш даврини белгилаб берди. Араб истилочилари хусусида шубҳасиз энг асосий маълумотларни араб, мусулмон муаллифлари бериб ўтганлар. Шу хусусда, жумладан, ал-Балазурийнинг “Футуҳ ал булдон” (Мамлакатларнинг фатҳ этилиши), ат-Табарийнинг “Тарихи расули ва мулук” (Пайғамбарлар ва подшолар тарихи) асарлари алоҳида аҳамият касб этади..

Араблар Амударёдан (Жайхун) шимолда жойлашган ерларга “Мовароуннаҳр”, яъни, “дарёнинг нариги томонидаги ерлар” деб ном беришади. Ҳозирги Афғонистоннинг шимоли, Эроннинг шимоли-шарқий қисми ҳамда Жанубий Туркменистондан то Амударёгача бўлган ҳудудлар эса Хуросон деб юритилган. Аввал бошда Хуросоннинг марказий шаҳри Марв, кейинчалик Ҳирот шаҳри бўлган.

Арабларнинг Мовароуннаҳрга қарши ҳарбий юришлари ўз мақсад ва режалари билан 2 даврга бўлинади. Биринчи даврда халифалик истило этишни эмас, балки ҳарбий жихатдан тайёргарлик кўриш, маҳаллий ҳукмдорлар куч-қудратини синаб кўриш, мавжуд географик, ҳарбий, иқтисодий, сиёсий жойлашувини ўрганиш, кичик юришлар орқали катта ўлжалар орттириш режасини амалга оширади.

Наршахийнинг ёзишича, 673 йилнинг кузида халифа Муовиянинг фармони билан Хуросон ноиб Убайдуллоҳ ибн Зиёд Амударёдан кечиб ўтиб Бухоро вилоятига босиб киради, Пойканд ва Ромитонни эгаллаб, Бухоро шаҳрини қамал қилади. Ёрдамга келган туркийлар бухороликлар билан бир қатор туриб арабларга қарши жангда қатнашадилар. Бу жангда араблар ғолиб келадилар. Ўша йили арабларнинг ар-Рабий бошчилигидаги ҳарбий отряди Амул, Земм ва Хўжанд атрофларигача бўлган ерларга ҳужум қилиб, катта ўлжа билан орқага қайтишган эди. 676 йили Хуросоннинг янги ноиб Саид ибн Усмоннинг Бухоро ва Самарқандга юришида Муҳаммад пайғамбарнинг жияни Қусам ибн Аббос ибн

Абдул-Муталлиб иштирок этади. Самарқанд ёнидаги жанглардан бирида ҳалок бўлиб, сўнг кейинчалик Шоҳи Зинда (тирик шоҳ) номини олган қабристонга дафн этилади.

Саид ибн Усмонга қарши Бухоро маликаси Хўтакхотун Суғд, Кеш, Насафдан ёрдамга келган 120000 кишилиқ ҳарбий қўшин билан пешвоз чиқади. Лекин суғдликлар жанг майдонини ташлаб чиқиб кетганларидан сўнг малика каттагина бож (300000 дирхам) тўлайди.

706 йил Қутайба катта қўшин билан Мовароуннаҳрга кириб келди. Табарийнинг маълумотларига кўра Қутайба энг обод ва бой шаҳарлардан бири Пойканд томон ҳаракат қилди. Унинг қўшини таркибида араблар хизматида ўтган Балх ва Чағониён ҳокимларининг ҳам қўшинлари бор эди. Пойканднинг кўпчилик аҳолиси савдогарлар эди. Шаҳарда қолдирилган ҳарбий қўшинга турк саркардаси бош эди. Суғд ва бошқа вилоятлардан келган кучлар билан пойкандликлар арабларга қаттиқ туриб қаршилиқ кўрсатдилар. Араблар суғдлар томонидан ўраб олиниб Қутайбанинг барча йўллари кесиб қўйилди.

Лекин ички иттифоқнинг йўқлиги, ўзаро низолар натижасида Пойканд ҳимоячиларининг кучи заифлаша борди. Қутайба қалъага биринчи сафда борган ва шаҳид бўлган кишиларнинг оилаларига катта мукофот ваъда қилди. Кетма-кет 15 кун давом этган жанглардан сўнг араблар қалъа деворини тешишга муваффақ бўлдилар. Шаҳардаги оғир жанглардан сўнг Пойканд араблар қўлига ўтди.

Пойканд фожеасидан сўнг Қутайба бошлиқ кучли рақибга зарба бериб уни мағлуб этиш мақсадида Суғд подшоси Тархун, Бухоро ҳукмдори Хунукхудод, Шопурком ҳокими Варданхудод бошлиқ катта қўшин йиғилди. Уларга турклар ёрдамга келиб, жами қўшиннинг миқдори 40000 киши атрофида эди.

Араблар иттифоқчиларни заифлаштириб, кетма-кет улар ерларини эгаллай бошлайдилар. 708-709 йиллар мобайнида Қутайба Бухоро ва унинг атрофига бир неча бор ҳужум қилиб, Бухорхудод Туғшод қўшинларини тор-мор этади ва унга амир этиб ўз яқинларидан бирини тайинлайди. Амир Бухорхудод устидан назорат қилиб туриш, Бухорода қолдирилган ҳарбий қисмга аскарбошилиқ қилиш, аҳолидан солиқ ундириши ва уни ўз вақтида халифаликка етказиб бериш вазифасини адо этар эди.

Хоразмда бошланган ички зиддиятлар Қутайба фикрини ўзгартирди. 710-712 йилларда Хоразмшоҳ Қутайба билан тинчлик сулҳини тузиб, унга 10000 қорамол миқдорида бож тўлайди. Хоразм шу билан ўз мустақиллигини йўқотиб араблар ҳокимиятини тан олади. Қутайба эса ўз қўшини ҳамда Хоразмшоҳ ва Бухорхудод қўшинлари билан биргаликда Самарқандга йўл олади.

Шу пайтда норозилиқ ва кўзғолон натижасида шаҳар подшоси Тархун тахтдан ағдарилган эди. Суғд подшоси ва Самарқанд афшини сифатида Тархуннинг укаси Ғурак (710-737) тахтга ўтиради. Тархун эса ҳибсда ўзини-ўзи ҳалок этади.

Ғурак Қутайбага қарши чиқади. Каттақўрғон яқинидаги Арбинжон мавзесида шиддатли жанг бўлиб ўтади. Аммо Ғуракнинг кучлари озлик қилиб Самарқандга чекинишга мажбур бўлади. Араблар томонидан Хоразм ва Бухоро ҳокимлари қўшинининг қатнашуви, суғдийларнинг яккаланиб қолишлари ва атрофдан ёрдам ололмасликларига сабаб бўлади. Ундан ташқари Самарқанд зодагонлари ичида бирлик ҳам йўқолади. Тархуннинг ўлимдан сўнг унинг тарафдорлари кўпроқ арабларга ён боса бошлашади. Панжикент ҳокими Деваштич шу гуруҳга раҳбарлик қила бошлайди. Қутайба эса “Тархун ўлими учун қасд оламан” деб эълон қилади.

Қутайба шундан сўнг Самарқандга ҳужумни кучайтиради. Шаҳар раъданроз (тош отғич)лардан ўққа тутилади. Бу жангларда айниқса бухороликлар, хоразмликлар катта жонбозлик кўрсата бошлайдилар. Бир ой давомида шаҳар мудофаачилари Самарқандни қаҳрамонона мудофаа қилдилар. Араблар охир оқибатда шаҳар деворларини бузиб шаҳристонга бостириб кирдилар. Самарқанд арабларга таслим бўлди. Ғурак ва Қутайба ўртасида сулҳ тузилди.

Қутайба бу ўлкаларни тезда ўзига бўйсундириш ҳаракатига тушади. Табарийнинг маълумотларига кўра, Қутайба 713 йил Бухоро, Кеш, Насаф ва Хоразм аҳолисидан 20000 аскар тўплаб беришни талаб қилди. Ўз қўшини билан уни қўшиб, қўшинни 2 га бўлиб ажратади. Кеш, Насаф, Хоразмдан келган қўшин Чоч вилоятига, ўзи эса асосий куч билан Уструшона орқали Фарғона водийсига йўл олади. Биринчи қўшин Чоч қўшинини тор-мор этиб, Чоч вилоятини эгаллайди. Қутайба эса Уструшонда ҳал қилувчи жанг олиб бориб Хўжанд ва Косонни забт этади.

714 йил Қутайба Туркий ҳоконликдан ҳарбий ёрдам келиш йўлини тўсиш мақсадида Чоч воҳасига қайта бостириб киради. Ўша йили асосий йўлдаги Исфижоб (Сайрам)ни ишғол этади. 715 йил бошида эса Фарғона подшоси қочиб кетишга мажбур бўлади. Қутайба ўша йили Қашқаргача бўлган ерларни истило этади. Ҳамма вилоятларга араблардан бўлган амирларни ноиб этиб тайинлайди. Ўша йили араб халифаси Волид вафот этади. Халифалик тахтига Сулаймон ибн Абдулмалик ўтиради. Қутайба Сулаймонга нисбатан ғанимлик муносабатида бўлиб, уни қўллагмас эди. Қутайба уни тахтга чиқишидан норози бўлиб исён кўтаради. Натижада бу исён муваффақиятсиз тугаб Қутайбанинг ўзи Фарғонада ўлдирилади (715 й).

Шундай қилиб, 10 йил давомида олиб борилган доимий курашлар натижасида Мовароуннаҳр халифалик ихтиёрига кирса-да, аммо унинг мағрур аҳолиси ўзини буткул тобе этилган деб ҳисобламайди. Шунинг учун ҳам Қутайба ҳар йили қишлаш учун Марвга жўнаб кетар, баҳорда эса янги кучлар билан Мовароуннаҳрга ҳужум қилар эди. Шунинг учун ҳам араблар Мовароуннаҳрни эгаллашда муваффақият қозондилар. Бунинг асосий сабаблари қуйидагича эди. Аввало мамлакатда ҳукм сураётган сиёсий тарқоқлик ва кичик ҳукмдорларнинг ўзаро курашлари арабларга жуда қўл келган эди.

Айниқса араблар кўчманчи жанговар туркийлар билан ўтроқ деҳқончилик вилоятлари аҳолиси ўртасида баъзан юзага келган келишмовчиликлардан фойдаланиб, уларни бирини иккинчисига қарши қўйдилар ва иттифоқчиларни ажратиб юборишга муваффақ бўлдилар. Шу билан бирга, халифалик Мовароуннаҳрдан ҳарбий қурол-аслаҳалар жиҳатидан унчалик устун бўлмаса ҳам, бироқ қўшин сафларини тўлдириб туриш имконига эга эдилар.

Араблар қўшинига мунтазам равишда янги ҳарбий кучлар ички вилоятлардан сафарбар қилиб турилар эди. Ундан ташқари кескин қаршилик курашини олиб борган халқ, маҳаллий ҳукмдорларнинг хоинона ҳаракатлари, араблар билан махфий тил бириктиришлари туфайли муваффақиятсизликка учради.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ:

1. 673 йилда Мовароуннаҳрга юриш қилган араб лашкабошиси

- А. Убайдулла ибн Зиёд
- В. Саид ибн Усмон
- С. Қутайба
- Д. Саид Хороший

2. Қутайба Бухорони нечанчи йил да босиб олди.

- А. 704 йилда
- В. 707 йилда
- С. 708 йилда
- Д. 709 йилда

3. Арабларга қарши курашган Сўғд ҳокими

- А. Диваштеч
- В. Тархун
- С. Гурак
- Д. Корсул

4. Араблар босқинининг оқибатларини айтиб беринг?

5. Қутайба ва сўғдлар ўртасидаги шартнома шартларини айтинг?

2-асосий савол: Халифалик зулмига қарши халқ кўзғолонлари

Дарсинг мақсади:

Халифалик зулмига қарши халқ кўзғолонларининг даврлари. Диваштич ва Гурак исёни. Бу кўзғолонларнинг характери ва моҳиятини тушунтириш. Талабаларда юртга муҳаббат, тарихга, аждодлар руҳига ҳурмат ҳиссини тарбиялаш.

ИДЕНТИВ ЎҚУВ МАҚСАДЛАРИ:

1. Диваштич ва Гурак исёнини айтиб беради.
2. Арабларга қарши халқ ҳаракатларининг аҳамиятини билади.

3. Муқанна қўзғолонини моҳиятини тушунтиради.

2-асосий саволнинг баёни:

Араблар Ўрта Осиёни босиб олгач бу ҳудуддаги ҳамма шаҳарлар ва аҳоли жойларида ўз қўшинларини жойлаштирдилар. Бу ҳарбий кучлар ўз вақтида маҳаллий аҳоли устидан назорат қилиб турарди. Араб халифалигининг ҳукмронлиги аҳоли учун оғир юк бўлиб қолди.

Истилочилар аввал бошда Мовароуннахрнинг ҳунармандчилик ва савдо шаҳарлари, обод вилоятларига бостириб кириб, уларни таладилар ва катта ўлжаларга эга бўлдилар. Ўлкаларни босиб олиш чоғида деҳқончилик воҳалари оёқ ости қилиниб, шаҳар ва қишлоқлар вайрон этилди. Сув иншоотлари бузиб ташланди. Кўпгина жойларда қурғоқчилик юз бера бошлади. Шаҳарлардан катта миқдорда қимматбаҳо ўлжалар, Бухоро, Пойканд ва Суғд ҳукмдорларидан эса катта миқдорда товон олинди.

Марв, Пойканд, Бухоро, Самарқандда уйларнинг қоқ ярми араблар ихтиёрига топширилди. Баъзи истилочи зодагонлар деҳқончилик воҳаларидаги энг унумдор ер майдонлар ва сув иншоотларини эгаллаб ола бошладилар. Араб оилалари қишлоқ ва шаҳарларга келиб ўрнаша бошладилар. Ариқ қазиш, кўприк куриш, биноларни таъмирлаш ва бошқа жамоа ишларида аҳолидан бепул фойдаланар эдилар. Шу билан бирга маҳаллий аҳоли араб зодагонлари ва қўшинини от-улов, кийим-кечак, озиқ-овқат, куллар ва бошқа нарсалар билан таъминлаб туриши керак эди.

Иқтисодий ҳаётни ўз қўлларидан чиқармаслик мақсадида араблар бу ерда сосонийлар тартибидаги солиқ тизимини жорий қилдилар. Бу тизимга ер солиғи-**хирож** (ҳосилнинг ўндан бир ёки ўндан икки қисми миқдорида) чорва, ҳунармандчилик, савдо-сотикдан **закот** (қирқдан бир миқдорда) ҳамда исломни қабул қилмаган шахслардан олинадиган **жизья** солиғи ҳам қўшилди.

Араблар ўз ҳукмронлиги сиёсий негизини мустаҳкамлаш ва унинг барқарорлигини таъминлашда ислом динини кенг ёйишга ва тарғиб қилишга катта эътибор бердилар. Ўрта Осиё аҳолиси ичида эътиқод қилаётган зардуштийлик, монийлик, буддизм, насроний ва бошқа динлар сохта деб эълон қилинди. Айниқса зардуштийликка қарши кескин кураш олиб борилди. Босиб олинган ерларда бу диннинг барча ибодатхоналари йўқ қилинди. Унинг ўрнига масжидлар барпо қилина бошланди. Зардуштий адабиётлар, хусусан диний китоблар, сўғд тилидаги номалар, халқ адабиёти йўқ қилиниб юборилди.

“Қутайба ибн Муслим Хоразм хаттотларини қатл эттирди ва дин пешволарини қириб ташлаб, уларнинг китоб ва қўлёмаларини ёқиб юборгандан кейин,-деб ёзган эди Беруний,-хоразмликлар саводсиз бўлиб қолдилар, уларнинг фақат ёдда сақлаб қолган хотираларигина қолди, аммо вақт ўтиши билан бу унутилиб, фақат ўзлари учун мос бўлган хотираларигина сақланиб қолди”.

Сўғд тилидаги дунёвий адабиётлар йўқ қилиб ташланди. Ислом динини қабул қилган, мусулмон бўлган маҳаллий аҳоли вакиллари дастлабки йилларда хирож ва жизья солиқларидан озод этилиб, уларга анчагина имтиёзлар берилди. Намоз ўқиш учун масжидларга борган шахсларга 2 дирҳамдан пул ҳам берилар эди. Жизья солиғини ўз вақтида тўламаган кишилар тутиб олиниб бўйинларига “қарздор” деб тахтачалар осиб қўйилган.

Моваруннаҳрда ҳижрийнинг 100 йилида (719 йил) араб ҳокимияти тугайди деган гап-сўзлар тарқала бошлайди. Араблар олиб бораётган босқинчилик сиёсатига қарши биринчи бўлиб, 720 йилда Суғд аҳолиси бош кўтаради. Қўзғолонга Самарқанд ихшиди Ғурак ва Панжикент ҳокими Деваштичлар бошчилик қиладилар.

Суғдларга ёрдам бериш учун Туркий ҳокон шахзода Кўрсул бошчилигидаги туркий лашкарини Самарқандга юборади. Суғддаги қўзғолон умумхалқ қўзғолонига айланиб кетди. Қўзғолончилар арабларга зарба бера бошладилар. Фақат айрим шаҳар ва қалъалар ичида қуршовда қолган араб ҳарбий қисмларигина катта бож ва эътиборли вакилларни қўзғолончилар ихтиёрига гаровга бериш билан жон сақладилар. Хуросон ноиби Саид ибн Абдулазиз бу қўзғолонни бостиришга муваффақ бўлолмади.

721-йил Халифа Язид ибн Абдумаликнинг тавсияси билан Хуросон ноиби этиб Саид ибн Амир ал-Хароший тайинланади. У Ироқдаги халқ қўзғолонини бостиришда ўз шафқатсизлиги билан ном чиқарган эди. Саид ал-Хароший қўзғолончилар билан олиб борган музокаралар натижасида Ғурак бошлиқ зодагонларнинг бир қисми араблар томонига ўтиб кетади. Қўзғолончилардан бир қисми эса курашни давом эттиришни лозим кўрадилар. Араблар 400 та бой савдогарлардан бошқа ҳамма Суғд қўзғолончиларини қириб ташладилар. Қўзғолончиларга ёрдам берган Хўжанд аҳли ҳам жазоланди.

Мовароуннаҳр аҳолисини тинчлантириш ва араб ҳокимиятини мустаҳкамлаш мақсадида Хуросон ноиби Ашрас ибн Абдуллоҳ (727-730 й.) ислом динини қабул қилганлардан хирож ва жизья солиғи олишни бекор қилади. У ислом динини кенг тарғиб қила бошлайди. Чегарадаги ерларда янги истехком қурилиб, чегаралар мустаҳкамлана борди. Лекин ғазнага кам даромад тушаётганлиги, зодагонларнинг шикоят туйғули хирожни қайта тиклайди. Ўз сиёсатини тарғиб қилиш мақсадида иккита таниқли араб руҳонийси Ас-Саид Солиқ ва Робия ибн Умранни Самарқанд ва Бухорога жўнатади. Хирож солиғи зодагонлардан ҳам, камбағаллардан ҳам зўрлаб ундирила бошланади.

Ўзаро курашлар, 733-734 йиллардаги Зарафшон воҳасидаги қурғоқчилик, мустамлака зулмининг кучайиши-буларнинг ҳаммаси Мовароуннаҳрдаги норозиликнинг янада авж олишига олиб келди. Норозилик араб ҳарбийлари ва қисман зодагонлар ичида ҳам кучая борди. Шу пайтга келиб хорижийлар ҳаракати ва мафкураси янада кенг тарқала бошланди. Хорижийлар юқорида қайд қилинганидек, шиалар гуруҳидан VII аср охирида ажралиб чиққан бўлиб, бу

сўзнинг луғавий маъноси кўзғолончилар дегани эди. Аввал бошда бу ҳаракат оддий араб ва бошқа мусулмон халқларнинг манфаатларини ҳимоя қилар эди. Кейинчалик бу гуруҳдан ибодийлар, азракийлар ва бошқа жамоалар ажралиб чиққан. Хорижийлар таълимотига кўра мусулмонлар-зиммийлар (бошқа диндагилар) устидан ҳукмрон бўлишлари керак эди.

Албатта, ҳукмдорлар ўртасида ўзаро низолар, хиёнаткорона ҳаракатлар, қурол-яроғнинг етишмаслиги, яхши уюшмаганлик ва бошқалар ўзининг таъсирини кўрсатди. Шундай бўлса ҳам кўзғолончилар изсиз қолмай халифалик сиёсий ҳаракатида ўзининг аксини топди.

VIII асрнинг 70-80-йилларида Мовароуннаҳрда жуда улкан халқ кўзғолони кўтарилади. Кўзғолончилар оқ рангдаги кийим кийганлиги учун тарихда у “оқ кийимлилар” кўзғолони деб ҳам шуҳрат қозонади. Бу кўзғолоннинг раҳбари Муқанна (боши ва юзига ёпинғич ташлаб юргани учун унга шундай лақаб берилган) эди.

“Муқанна Марв атрофи аҳолисидан,-дейилади “Бухоро тарихи” номли Наршахий асарида, Кози деб аталган қишлоқдан бўлиб, асл номи Ҳошим ибн Ҳаким эди. У илгари кудунгар (кигиз босувчи) лик қилар эди, кейин илм ўрганишга машхур бўлади ва ҳар хил илмларни: кўзбўямачилик, сеҳр ва тилсим илмларини ўрганади. Кўзбўямачиликни яхши билиб олиб пайғамбарлик даъвосини ҳам қилади. Муқанна кўзбўямачиликни ўрганган ва ғоятда зийрак бўлиб, қадимги олимлар илмларига оид кўп китобларни ўқиган ва жодугарликдан устоз бўлган эди. Унинг отасини номи Ҳаким, у Абу Жаъфар давридаги Хуросон амири лашкарбошиларидан бўлиб, асли Балхдан эди”.

Кўзғолон 776 йили бошланади. Муқанна ўзининг 36 та муриди билан Амударёдан ўтиб, Кеш вилоятига йўл олади. Бухорхудод Туғшод уни қўллаб-қувватлай бошлайди. Муқанна Кеш яқинидаги Сом (Санам) қалъасини ўзига қароргоҳ қилиб олади. Бутун Қашқадарё воҳаси кўзғолончилар қўлига ўтади. Муқанна таълимоти умумий мулкый тенглик ва арабларни Ўрта Осиёдан ҳайдаб чиқариш ғояларини тарғиб этар эди.

Муқанна таълимоти Суғд, Илоқ (Охангарон), Шошда ҳам ёйила бошлади. Кўзғолонда турли ижтимоий гуруҳлар вакиллари қатнашиб, уларни бир фикр-истилочиларини мамлакатдан ҳайдаб чиқариш, мустақил давлат барпо қилиш ғояси бирлаштириб турар эди.

Кўзғолонга зарба бериш учун халифа Абу Жаъфар 776 йилда Жаброил ибн Яҳё бошлиқ катта ҳарбий кучни Мовароуннаҳрга юборади. Бироқ Жаброил кўзғолончилардан енгилди. У катта талофатлар бериб базўр Самарқандга етиб келади. 10.000 аскар билан Жаброилга ёрдамга юборилган Уқба ибн Салим Кеш ва Самарқанд оралиғида, Ғарига бошлиқ 14.000 кишилиқ кўшин Термиз яқинида кўзғолончилар томонидан тор-мор келтирилади. Натижада Чағониён кўзғолончилар қўлига ўтади.

Қўзғолон маркази Наршаҳда, Бухоро атрофида жойлашади. Шу йили Наршаҳ яқинида Бухоро ҳокими Хусайн ибн Мувоз ва Самарқанд ноибии Жаброилнинг бирлашган қўшини ўртасида тўрт ой жанг бўлади. “Оқ кийимчилар” бу жангда қўллари аввал устун келади, кейинчалик сон жиҳатдан кўп бўлган араблар Наршаҳ қалъаси девор остидан узунлиги 50 газли чуқур қазиб, уни қулатиб қалъага кирадилар. Наршаҳ қалъаси араблар томонидан эгалланади. Кеш ва Самарқанд эндиликда қўзғолоннинг асосий марказларига айланиб қолади.

Курашнинг охириги босқичи Кеш воҳаси (Қашқадарё)да жуда авж олади. Муқанна қароргоҳи бўлган Сом (Санам) қалъасини қамал қилиш Харошийга топширилади. Узоқ вақт қамалдан сўнг муқанначилар таслим бўладилар (VIII аср 80-йиллари бошларида).

Ўз даврининг энг қудратли давлати бўлган халифаликни ларзага солган Муқанна бошчилигидаги қўзғолон шу тариқа тугайди. Бу қўзғолоннинг энгилишига бир неча сабаблар бор эди. Аввало, қўзғолончилар уюшқоқлик билан ҳаракат қила олмадилар. Маҳаллий зодагонлар алоҳида гуруҳни ташкил этиб, кейинчалик умумий хиёнат йўлига кириб араблар томонига ўтиб кетдилар. Муқаннанинг ўзи Сом (Санам) қалъасида бўлиб бевосита қўзғолонга раҳбарлик қила олмади. Унинг ўзи умумий тенглик ғоясини кўтариб чиқиб, ўзи кичик давлат бошлиғига айлана борди.

Ўзаро урушлар натижасида аҳоли жуда чарчади, экинзорлар пайҳон қилинди, иқтисодий таназзул бошлана борди. Муқаннадан сўнг унинг сафдошлари ҳаракати ҳам бўлиб ўтди. Бу қўзғолон халифалик кучини заифлаштиради ва бошқа ўлкаларда ҳам озодлик ҳаракатларини чиқишига туртки бўлади.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ:

1. Қўзғолонларнинг сабабларини айтиб беринг?
2. Қўзғолонларнинг даврларини айтиб беринг?
3. Муқанна қўзғолонининг маркази бўлган қалъани айтинг?
 - A. Сом
 - B. Кеш
 - C. Нақшаб
 - D. Нишопур
4. Бухоро деворининг узунлиги неча чақирим бўлган.
 - A. 250
 - B. 300
 - C. 350
 - D. 120
5. Муқанна сўзининг маъноси нима
 - A. Ниқобдор
 - B. Соқчи
 - C. Қоровул

Д. Жангчи

Мавзу бўйича мустақил иш топшириқлар:

1. Таборийнинг асаридан маълумотларни таҳлил қилиш.
2. Сўғд архиви маълумотларини ўрганиш

Мавзу бўйича асосий хулосалар:

1. Араб босқинининг объектив ва субъектив сабаблари очиб берилди.
2. Араб истилосининг сабаб ва оқибатлари ёритиб берилди.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон халқлари тарихи. 2 жилд. Т.:Фан, 1992. 248б.
2. Аҳмедов Б. Тарихдан сабоқлар – Т.:Ўқитувчи, 1996
3. Каримов Ш., Шамсутдинов Р. Ватан тарихи. – Т.:Ўқитувчи,1997
4. Сагдуллаев А. ва бошқ. Ўзбекистон тарихи: давлат ва жамият тараққиёти.- Т.:Академия, 2000
5. Ўзбекистон тарихи –Тошкент.: Янги аср авлоди, 2003й.
6. Ўзбекистон тарихи-Тошкент.: Молия. 2006й.

2-МАВЗУ МОВАРОУННАҲР ВА ХУРОСОНДА МАРКАЗЛАШГАН ДАВЛАТЛАРНИНГ ТАШКИЛ ТОПИШИ

Фанни ўқитиш технологияси: “Мовароуннаҳр ва Хуросонда марказлашган давлатларнинг ташкил топиши ” мавзусидаги маъруза машғулотининг технологик харитаси

| Т/р | Босқичлар ва бажариладиган иш мазмуни | Амалга оширувчи шахс, вақт |
|-----|---|----------------------------|
| 1 | <p>Тайёрлов босқичи:</p> <p>1.1 Дарс мақсади:. Тоҳирийлар давлатининг ташкил топиши, Талха ва Абул Аббос ҳукумронлиги, мамлакатнинг ижтимоий, иқтисодий масалалари ҳақида талабаларга билим бериш, уларда ватанпарварлик, миллий ғурур ҳиссини тарбиялаш.</p> <p>1.2. Идентив мақсадлар:</p> <p>1.2.1. Тоҳирийлар давлатининг ташкил топиш шарт-шароитларини билади.</p> <p>1.2.2. Мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий масалаларини тушунтиради.</p> <p>1.2.3. Саффорийлар давлатини шаклланишини билади.</p> <p>1.2.4. Марказлашган давлатлар пайдо бўлиш шароитини таҳлил қилади.</p> <p>1.3. Асосий тушунча ва иборалар: Тоҳир ибн Хусайн, Талха, Абул Аббос Абдулло, Тоҳирийлар давлати, Саффорийлар давлати, Ёқуб ибн Лайс.</p> <p>1.4. Дарс шакли: гуруҳ ва микрогуруҳларда.</p> <p>1.5. Фойдаланиладиган метод ва усуллар: суҳбат, маъруза-ҳикоя, баҳс, видеоусул.</p> <p>1.6. Керакли жиҳоз ва воситалар: Кўргазмали қуроллар, харита, тарқатма материаллар.</p> | Ўқитувчи |

| | | |
|---|---|----------------------------------|
| 2 | Ўқув машғулоти ташкил қилиш босқичи: 2.1. Мавзу эълон қилинади. 2.2. Маъруза бошланади, асосий қисмлари баён қилинади. | Ўқитувчи, 15 минут |
| 3 | Гуруҳда ишлаш босқичи: 3.1. Талабаларга муаммоли савол беради. 3.2. Талабалар фикри эшитилади, бошқа талабалар баҳсга чақирилади. 3.3. Умумий хулосалар чиқарилади ва тўғрилиги текширилади. 3.4. Умумий хулосага келинади. | Ўқитувчи- талаба, 40 минут |
| 4 | Мустаҳкамлаш ва баҳолаш босқичи: 4.1. Берилган маълумоти талабалар томонидан ўзлаштирилганини аниқлаш учун қуйидаги саволлар берилади: - Марказлашган мустақил давлатлар пайдо бўлишининг асосий омилларини санаб беринг? -Саффор сўзининг маъносини айтиб беринг? -Саффорийлар давлатининг асосчиси ким? -Тоҳир ибн Хусайн вафоти ҳақида нима биласиз? 4.2. Энг фаол талабалар (баҳолаш мезони асосида) баҳоланади. | Ўқитувчи, 15 минут |
| 5 | Ўқув машғулоти яқунлаш босқичи: 5.1. Талабалар билими таҳлил қилинади. 5.2. Мустақил иш топшириқлари берилади. 5.3. Ўқитувчи ўз фаолиятини таҳлил қилади ва тегишли ўзгартиришлар киритади. | Ўқитувчи, 10 минут |

Асосий саволлар:

1. Тоҳирийлар давлати
2. Саффорийлар давлати

Мавзу бўйича таянч тушунча ва иборалар:

Тоҳир ибн Хусайн, Талха, Абул Аббос Абдулло, Тоҳирийлар давлати, Саффорийлар давлати, Ёқуб ибн лайс.

1-асосий савол:

Тоҳирийлар давлати

1-савол бўйича дарс мақсади:

Тоҳирийлар давлатининг ташкил топиши, Талха ва Абул Аббос ҳукумронлиги, мамлакатнинг ижтимоий, иқтисодий масалалари ҳақида талабаларга билим бериш, уларда ватанпарварлик, миллий ғурур хиссини тарбиялаш.

Идентив ўқув мақсадлар:

1. Тоҳирийлар давлатининг ташкил топиш шарт-шароитларини билади.
2. Мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий масалаларини тушунтиради.

1-асосий савол баёни:

IX асрга келиб Ўрта Осиё, хусусан Мовароуннаҳрда араб халифалигига қарши олиб борилган курашлар натижасида маҳаллий сулола вакилларининг мустақилликка бўлган интилишлари кучайиб кетди. Чунончи, халифаликнинг ички ҳудудларида ҳам зиддиятлар кескинлашиб бораётган эди. Халифа Хорун ар-

Рашид вафотидан кейин унинг ўғиллари Маъмун ва Амин ўртасида ўзаро кураш бошланиб кетди. Маҳаллий сулола вакиллари бу курашларга аралаша бошладилар.

Ҳирот вилоятининг Бушанг шаҳридан бўлган Тоҳир ибн Ҳусайн ўз номидаги сулолага асос солди. Бу даврда Хорун ар-Рашиднинг кичик ўғли Маъмун (асли исми Абдулла бўлган) Хуросоннинг ноиб эди. Амин ва Маъмун ўртасида ҳокимият учун бўлган курашда Тоҳир ибн Ҳусайн Маъмун томонидан туриб Аминга қарши курашди. Айрим манбаларнинг гувоҳлик беришича, 813 йилда Маъмун халифалик маркази Боғдодни эгаллайди ҳамда бир неча йил мобайнида Тоҳир ибн Ҳусайн халифа саройида юқори лавозимларда хизмат қилади. 821 йилда эса Тоҳир ибн-Ҳусайн Хуросонга ноиб этиб тайинланади (ўша даврда Мовароуннаҳр ҳам Хуросон таркибига кирар эди). Тоҳир ибн-Ҳусайн Нишопур шаҳрини ўзининг қароргоҳи этиб танлади. У ўзи ноиблик қилаётган вилоятларни халифаликдан мустақил бошқаришни орзу қилар эди. Натижада Тоҳир халифаликдан мустақил сиёсат юргизишга ҳаракат қилди. Ноибликка ўтиргандан сўнг орадан кўп ўтмай Тоҳир хутба номозидан халифанинг номини чиқариб ташлайди. Бу эса унинг халифа Маъмунга қарши очиқдан очиқ исёни белгиси эди.

Баъзи манбаларда қайд этилишича, 822 йилда Тоҳир ибн Ҳусайн Маъмун одамлари томонидан ўлдирилди. Унинг ўрнига Талха ибн Тоҳир (822-830 й.) ноиб этиб тайинланди. Бунинг сабаби шунда эдики, халифалик айнан маҳаллий ҳукмдорларнинг кучидан арабларга қарши кўзғолонларни бостиришда фойдаланар эди. Хуросон ноибининг муҳим вазифаларидан бири эса ўзига қарашли ҳудудларда вилоят ҳокимларини сайлаш бўлган. Хусусан, Тоҳир дастлабки сомонийлар вакилларини Самарқанд, Уструшона, Фарғона ва Шошга ҳоким қилиб тайинлаган.

Талхадан кейин тахтга ўтирган Абдуллоҳ ибн Тоҳир ўзигача бўлган ноиблар сиёсатини давом эттирди. Бу даврда Хуросон ноиблигига Мовароуннаҳр, Хоразм, Сейистон, Кўхистон, Табаристон ва Журжон ҳудудлари кирган. Ҳар бир вилоят бир неча маъмурий бирликларга бўлинган. Бу бирликлар катта ва кичик туманлардан иборат бўлган. Абдуллоҳ ўз ҳокимиятини мустаҳкамлаш мақсадида айрим ҳарбий ислохотлар ўтказган эди. Бундан ташқари Тоҳирийлар юритган сиёсатнинг хусусиятларидан яна бири, уларнинг исломлаштириш сиёсати эди. Айрим маълумотларга кўра, Тоҳирийлар даврида Ўрта Осиёнинг барча ҳудудларида ислом дини тарқалади. 821 йилда Хуросон ва Мовароуннаҳрнинг ноиб этиб тайинланган Тоҳир ибн Ҳусайн халифалик ўйлаганидек сиёсат юргизмади. У халифа номини хутба номозидан чиқариб ташлашга кўрсатма берди. Тоҳирийлар шундай қилиб сўзда ўзларини халифаликнинг ноибидек кўрсатсаларда, амалда мустақил иш юритиш ҳаракатини бошлаб юбордилар. Бу борада диққатга сазовор томони шундаки, тоҳирийлар нафақат сиёсий

мустақилликка интилдилар, балки хўжаликнинг кўпгина тармоқларини ўзлари хоҳлагандай тартибга солишга ҳаракатлар қилдилар. Улар қишлоқ хўжалигини ривожлантириш мақсадида сув таъминотини яхшилашга катта эътибор қарата бошладилар. Катта-катта ариқлар, каналлар қаздирдилар. Сув таъминоти ҳақида фикҳшунос олимлар рисоалар ёзиб, бу ишни аниқ тартиб-қоидага биноан олиб бориш лозимлигини исботлаб бердилар. Шундай қилиб, мустақил давлатларнинг пайдо бўлиш учун замин пайдо бўлди.

Тоҳирийлар давлат бошқарувида турли тоифа ва қатламлар мавжуд эди. Шунга алоҳида эътибор бериш керакки, Тоҳирийлар қишлоқ хўжалигини ривожлантириш мақсадида ер-сув масалаларига алоҳида эътибор қаратдилар. Шу соҳа билан шуғулланувчи қонуншунослар “Китоб алқуний” номли қонунлар тўпламини туздилар. Бу тўплам ердан унумли фойдаланиш ва суғориш тизими масалаларига қаратилган эди.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ:

1. Тоҳирийлар сулоласининг асосчиси ким.

- А. Маъмун
- В. Тоҳир ибн Ҳусайн
- С. Талха
- Д. Тоҳир ибн Маъмун

2. Тоҳирийларнинг ҳукмронлик йиллари

- А. 821-893й.й.
- В. 820-883й.й.
- С. 820-873й.й.
- Д. 822- 888й.й.

3. Талханинг ҳукмронлик йиллари

- А. 821-830й.й.
- В. 822-829й.й.
- С. 823-832й.й.
- Д. 824—833й.й.

4. Марказлашган мустақил давлатлар пайдо бўлишининг асосий омилларини санаб беринг?

2-асосий савол:

Саффорийлар давлати

Дарсинг мақсади:

Саффорийлар давлатининг ташкил топиши, Ёқуб ва Амр ибн Лайслар ҳукумронлиги, мамлакатнинг ижтимоий, иқтисодий масалалари ҳақида талабаларга билим бериш, уларда ватанпарварлик, миллий ғурур ҳиссини тарбиялаш.

Идентив ўқув мақсадлари:

- 1 Саффорийлар давлатининг ташкил топишини билиб олади.
2. Саффорийлар давлати сиёсий фаолиятига баҳо беради.

2-саволнинг баёни:

IX асрнинг 60-70 йилларидан эътиборан тоҳирий ҳукмдорларга қарши халқ ҳаракатлари кучайди. Бу ҳаракатга Ғозийлар бошчилик қилдилар. (“Ғозийлар” асосан кўчманчи қабилалар ҳужумини бартараф қилиш мақсадида камбағал ҳунармандлар ва ерсиз зироатчилардан ташкил топган куруллик қўшин). Ғозийлар ҳаракатини ака-ука Ёқуб ва Амр бинни Лайс бошқардилар. Улар дастлаб Сейистонда ҳокимиятни қўлга олгач, 873 йилда тоҳирийларнинг қўшинларига катта зарба бериб, Хуросон пойтахти Нишопурни эгалладилар. Шу даврдан эътиборан тоҳирийлар сулоласи барҳам топди ва Хуросонда ҳокимият Саффорийлар (мисгарлар, Ёқуб ва Амр асли ҳунарманд-мисгар-”саффор” эдилар.) қўлига ўтиб кетди. Расмий жиҳатдан Хуросон ва Мовароуннаҳр устидан ҳукмронлик қилиб турган тоҳирийлар сулоласининг инқирозга учраганлиги Мовароуннаҳрдаги маҳаллий ҳокимларнинг ўлкани тўла мустақиллигини таъминлаш сари ҳаракатлари учун қулай имкониятлар яратиб берди. Энди бу даврда сомонийлар сиёсий майдондаги курашда эркин ҳаракат қила бошладилар ва улар Мовароуннаҳрда марказлашган бир бутун давлат барпо қилишга киришдилар. Бирлаштириш ғоясини шаҳарликлар ҳам, деҳқонлар ҳам қўллаб қувватладилар. Чунки бирлашган ва марказлашган ягона ва қудратли давлатгина кўчманчи қабилаларнинг ҳужумини даф қила олиши мумкинлигини улар яхши билар эдилар. Марказлашган ягона ҳамда қудратли давлат кучли ҳарбий куч яратиш имкониятини берарди.

Мавзу бўйича мустақил иш топшириқлар:

1. Тоҳирийлар давлатида адолат масаласига қандай қаралганлигига оид маълумот топинг?
2. Ғозийлар ҳақида маълумот тўпланг?

Мавзу бўйича асосий хулосалар:

1. Тоҳирийлар давлатининг вужудга келиш сабаблари очиб берилди.
2. Саффорийлар давлати тарихи ёритиб берилди.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон халқлари тарихи. 2 жилд. Т.:Фан, 1992. 248б.
2. Аҳмедов Б. Тарихдан сабоқлар – Т.:Ўқитувчи, 1996
3. Каримов Ш., Шамсутдинов Р. Ватан тарихи. – Т.:Ўқитувчи, 1997
4. Сагдуллаев А. ва бошқ. Ўзбекистон тарихи: давлат ва жамият тараққиёти. - Т.:Академия, 2000
5. Ўзбекистон тарихи –Тошкент.: Янги аср авлоди, 2003й.
6. Ўзбекистон тарихи-Тошкент.: Молия. 2006й.

3-МАВЗУ: ҚОРАХОНИЙЛАР, САЛЖУҚИЙЛАР ВА ХОРАЗМШОҲЛАР ДАВЛАТИ

Фанни ўқитиш технологияси: “Қорахонийлар, Салжуқийлар ва Хоразмшоҳлар давлати” мавзусидаги маъруза машғулотининг технологик харитаси

| Т/ Р | Босқичлар ва бажариладиган иш мазмуни | Амалга оширувчи шахс, вақт |
|---------|--|----------------------------------|
| 1 | <p>Тайёрлов босқичи:</p> <p>1.1 Дарс мақсади: Тоҳирийлар давлатининг ташкил топиши, Талха ва Абул Аббос ҳукумронлиги, мамлакатнинг ижтимоий, иқтисодий масалалари ҳақида талабаларга билим бериш, уларда ватанпарварлик, миллий ғурур ҳиссини тарбиялаш.</p> <p>1.2. Идентив мақсадлар:</p> <p>1.2.1. Тоҳирийлар давлатининг ташкил топиш шарт-шароитларини билади.</p> <p>1.2.2. Мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий масалаларини тушунтиради.</p> <p>1.2.3. Саффорийлар давлатини шаклланишини билади.</p> <p>1.2.4. Марказлашган давлатлар пайдо бўлиш шароитини таҳлил қилади.</p> <p>1.3. Асосий тушунча ва иборалар: Тоҳир ибн Хусайн, Талха, Абул Аббос Абдулло, Тоҳирийлар давлати, Саффорийлар давлати, Ёқуб ибн Лайс.</p> <p>1.4. Дарс шакли: гуруҳ ва микрогуруҳларда.</p> <p>1.5. Фойдаланиладиган метод ва усуллар: суҳбат, маъруза-хикоя, баҳс, видеоусул.</p> <p>1.6. Керакли жиҳоз ва воситалар: Кўргазмали қуроллар, харита, тарқатма материаллар.</p> | Ўқитувчи |
| 2 | <p>Ўқув машғулотни ташкил қилиш босқичи:</p> <p>2.1. Мавзу эълон қилинади.</p> <p>2.2. Маъруза бошланади, асосий қисмлари баён қилинади.</p> | Ўқитувчи, 15 минут |
| 3 | <p>Гуруҳда ишлаш босқичи:</p> <p>3.1. Талабаларга муаммоли савол беради.</p> <p>3.2. Талабалар фикри эшитилади, бошқа талабалар баҳсга чақирилади.</p> <p>3.3. Умумий хулосалар чиқарилади ва тўғрилиги текширилади.</p> <p>3.4. Умумий хулосага келинади.</p> | Ўқитувчи- талаба, 40 минут |
| 4 | <p>Мустаҳкамлаш ва баҳолаш босқичи:</p> <p>4.1. Берилган маълумотни талабалар томонидан ўзлаштирилганини аниқлаш учун қуйидаги саволлар берилади:</p> <ul style="list-style-type: none"> - Марказлашган мустақил давлатлар пайдо бўлишининг асосий омилларини санаб беринг? -Саффор сўзининг маъносини айтиб беринг? -Саффорийлар давлатининг асосчиси ким? -Тоҳир ибн Хусайн вафоти ҳақида нима биласиз? <p>4.2. Энг фаол талабалар (баҳолаш мезони асосида) баҳоланади.</p> | Ўқитувчи, 15 минут |
| 5 | <p>Ўқув машғулотини яқунлаш босқичи:</p> <p>5.1. Талабалар билими таҳлил қилинади.</p> <p>5.2. Мустақил иш топшириқлари берилади.</p> <p>5.3. Ўқитувчи ўз фаолиятини таҳлил қилади ва тегишли ўзгартиришлар</p> | Ўқитувчи, 10 минут |

Ажратилган вақт – 2 соат.

Асосий саволлар:

1. Қорахонийлар давлати.
2. Салжуқийлар давлати.
3. Хоразмшоҳлар давлати

Мавзу бўйича таянч тушунча ва иборалар:

Тоҳир ибн Хусайн, Талха, Абул Аббос Абдулло, Тоҳирийлар давлати, Саффорийлар давлати, Ёқуб ибн лайс.

1-асосий савол:

Қорахонийлар давлати

1-савол бўйича дарс мақсади:

Қорахонийлар давлатининг ташкил топиши унинг давлат бошқаруви, Салжуқийлар давлатининг сийсий ҳаёти, Хоразмшоҳлар давлатининг ташкил топиши, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳаёти ҳақида билим бериш. Талабалар онгида тарихга ҳурмат, юртга садоқат ҳиссини тарбиялаш.

ИДЕНТИВ ЎҚУВ МАҚСАДЛАРИ:

1. Қорахонийлар давлатининг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳаётини билади.
2. Салжуқийлар давлати ҳақида маълумот беради.
3. Хоразмшоҳлар давлатининг давлатчилигимиздаги ўрнини белгилайди.

1-асосий савол:

Қорахонийлар давлати

1-асосий саволнинг баёни:

Қорахонийлар давлати Еттисув ҳудудидаги Қарлуқ (756-940) давлати ўрнида ташкил топди. Унинг асосчиси Сотуқ Буғроҳон (915-955) ҳисобланади. У 942 йили Боласоғун ҳокимини мағлуб этиб, ўрнига ўзини ҳоқон деб атади. Қорахонийлар давлатига икки қабила-Яғмо ва Чигил қабилалари бирлашдилар. Сотуқ замонида Қорахонийлар давлати иккига бўлиниб кетади. Бирининг пойтахти Боласоғун бўлиб, олий ҳокимият ёши катта бўлган ҳоқон томонидан бошқарилган; иккинчи давлатнинг пойтахти Тароз, кейинчалик Қошғар бўлиб, кичик ҳоқон томонидан бошқарилган. Қорахонийлар Сомонийлар давлатидаги миллий низолардан усталик билан фойдаландилар. Ҳасан Буғроҳоннинг 992 йили Сомонийларга қарши юриши олдидан сомонийлар лашкарбошчиси Хуросон ҳокими Абуали Симжурий у билан музокара олиб борган. Сомонийларнинг бошқа лашкарбошчиси, Балх ҳокими Фойиқ Работи Малик яқинидаги Буғроҳонга қарши жангда, ҳар томонлама устунликка эга бўлишига қарамай таслим бўлади. Илоқ ҳокими Мансур ибн Аҳмад эса, ҳоқонга тобеълик билдириб, унинг номига пул зарб этади. Бухородан Қошғарга кетаётганда Буғроҳон касалланиб вафот этади. Бундан фойдаланган Нуҳ ибн Мансур тахтни қайта эгаллайди.

996 йили Қорахонийлар хони Наср Бухорони яна босиб олади. Сомонийлар лашкарбошиси Абул Иброҳим Исмоилнинг (Мунтасир) Бухорони озод этиш йўлидаги уринишлари 1005 йилда муваффақиятсизликка учради. Сомонийларнинг Ғазнадаги ноиб Сабуктегин 997 йилда вафот этди. Ўрнига унинг ўғли Маҳмуд Ғазна ҳокими бўлди. Сомонийлар амири Мансур ибн Нуҳ (997-999) унинг таъсирида эди.

1001 йилда, Султон Маҳмуд Қорахонийлар хони Наср билан шартнома тузиб, Амударёни икки ўртадаги чегара қилиб белгилади. Сомонийлар давлати ўрнида икки улкан давлат ташкил топди:

Биринчиси-Қошғардан Амударёгача чўзилган Шарқий Туркистоннинг бир қисмида, Етгисув, Шош, Фарғонанинг қадимги ҳудудларини ўз ичига олган Қорахонийлар давлати.

Иккинчиси-Шимолий Ҳиндистон сарҳадларидан Каспий денгизининг жанубий қирғоқларигача чўзилган ҳамда ҳозирги Афғонистон ва Шимоли шарқий Эронни ўз ичига олган Ғазнавийлар давлати эди.

Илоқ ҳокимлари номигагина қорахонийларга қарам бўлиб, ўз юртларини мустақил равишда бошқарганлар. Илоқдаги деҳқонлар сулоласининг асосчиси Мансур ибн Аҳмаднинг ўғли Муҳаммад ибн Мансур (1004-1008) бўлган. Унинг ўғли Абушужо Солор ибн Муҳаммад (1008-1009) қорахонийлар хони Аҳмад ибн Алига қарам бўлди. Илоқда Наср ибн Алининг учинчи укаси Муҳаммад ибн Али (1010-1015) Инолтегин лақаби билан пул зарб қилган. Унга Илоқ, Хўжанд, Тароз мулклари тобеъ бўлган. Чуғротегин Ҳусайн ибн Мансур (1016-1030), Муҳаммад Юсуф Буғрохон (1032-1057)нинг пойтахти Шош эди. Тўғрултегин Қорахон Юсуф (1068-1075) замонида Илоқ Шарқий Қорахонийлар давлатига қарам бўлган.

XI аср ўрталарида тамғочхон унвонини олган қорахоний Иброҳим ибн Наср ғарбий Қорахонийлар давлатининг пойтахтини Ўзгандан Самарқандга кўчирди.

1068 йилда, Мовароуннаҳрда қорахоний Иброҳим ибн Наср ўғиллари ўртасида тахт учун кураш бошланди. Курашда Шамсулмулк ғалаба қозонди. Шамсулмулк Абулҳасан Наср ибн Иброҳим (1068-1080) даврида Бухорода катта қурилиш ишлар олиб борилган.

1080 йилда Шамсулмулк вафотидан кейин Мовароуннаҳрда ҳокимият учун кураш авж олади. Бундан фойдаланган салжўқий султон Маликшоҳ 1089 йили Мовароуннаҳрга бостириб кирди. Бухоро ва Самарқандни забт этиб, хон Аҳмадни асир олди. Аммо, Аҳмад билан сулҳ тузиб уни ўз тахтида қолдиради. Қорахоний Аҳмаднинг салжўқларга итоаткорлиги амирлар ва руҳонийлар норозилигига сабаб бўлди. Натижада у 1095 йилда ўлдирилди.

Аҳмаддан сўнг тахтга ўтирган Арслонхон (1102-1130) замонида қорахонийлар гарчи ярим мустақиллик шароитида сиёсат юргизган бўлсалар ҳам, Самарқанд шаҳрининг ободонлиги бўйича катта ишлар қилдилар. Ҳарбий кўмондонлар ва руҳонийлар Арслонхон ҳокимиятидан норози эдилар. Арслонхон бетоблиги туфайли ҳокимиятни ўғли Насрга топширади. Лекин фитначилар

Насрни ўлдирадидлар. Арслонхон Марвдан Султон Санжарни ёрдамга чақиради. Бундан фойдаланиб, Санжар 1130 йили Самарқандни эгаллайди.

XII аср бошларида қорахитойлар Боласоғунни эгаллайдилар. 1138 йилда қорахитойлар гўрхони Султон Санжарнинг қариндоши, Самарқанд ҳукмдори Маҳмудни Хўжанд яқинида мағлуб этади. Шаҳар таланиб катта товон ундирилган бўлса-да, босиб олинмади.

1141 йилда қорахитойлар яна Мовароуннаҳрга бостириб кирдилар. Бу гал жанг Самарқанд яқинидаги Қатвон чўлида бўлди. Жангда султон Санжар билан Маҳмуднинг бирлашган кучлари тор-мор келтирилди. Ҳар икки томондан 30 мингга яқин киши ўдирилди. Султон Санжар ва Маҳмуд Термиз томон чекиндилар. Султон Санжар хазинаси, унинг хотини Туркон хотун гўрхон кўлига ўлжа тушди. Қорахонийлар Самарқанд ва Бухорони эгалладилар.

Самарқанднинг қорахонийлар сулоласига мансуб бўлган кейинги хонлари, яъни элекхонлар қуйидагилардир:

Муҳаммад ибн Ҳусайн (1170-1176), Муҳаммад Оқтош Тафғочхон (1176-1179), Иброҳим ибн Ҳусайн (1178-1202), Усмон ибн Иброҳим (1102-1212).

Ўзганда Қодирхон ибн Иброҳим ибн Ҳусайн (1183-1210), Илоқ (Шош)да (пойтахти Бинкат) Шоҳ Қиличхон (1177-1183), Тафғоч Ҳокон (1195-1197), Оқдош Чағрихон (1197-1206) ҳоким эди.

Сўнгги қорахонийлар қорахитойларга тобеъликдан қутулган эдилар. Бирок, 1212 йилида Аловуддин Муҳаммад Хоразмшоҳ ғарбий қорахонийлар давлатининг ҳокони Усмонни ўлдириб, Самарқандни ўз мулкларига қўшиб олди.

Қорахонийларда Қошғар ва Боласоғун пойтахт саналиб, улуғ хон шу шаҳарлардан бирида қароргоҳда ўтирган. Улуғ ҳокон ёки улуғ хон **ул-хоқон** деган номда юритилган. Араб манбаларида мазкур унвон **султон ул-салотин**, форс тарих асарларида **шаҳаншоҳга** мувофиқ келади. Айнан юқоридаги олий унвон қорахонийлар даври китобларида **тамғочхон** деб ҳам ютирилган.

Қорахонийларга қарашли ерлар тамғочхон томонидан унинг ўғиллари, қариндошлари ўртасида тақсимланган эди. Шу боис ер-мулк масаласида ота-ўғил, амаки, жиянлар ҳамда ака-ука-ю амакиваччалар ўртасида доимий низолар юз бериб, у сиёсий аҳволга салбий таъсир кўрсатиб турган.

Еттисувдан туриб Мовароуннаҳрни бошқариш қийин бўлган. Қорахонийлар даврида Самарқанд эликхони анча кучайиб кетган эди. Саройда сомонийлар давлатида бўлганидек вазир, соҳиббарид, муставфий, ҳожиб, раис-мухтасиб каби амалдорлар бўлган. Қорахонийлар давлатида имом, саййид, шайх, садрлар мавқеи кучли эди.

Қорахонийлар давлати бошлиғи лавозими, ҳоконнинг тахти меросий саналган. Маъмурий идоралар иккига бўлинган: даргоҳ ва девонга. Ҳоконнинг **улуғ ҳожиб**и ҳокон билан фуқаро ўртасида воситачилик қилган. Ҳокон саройида қуйидаги амалдорлар бўлган: **оғичи**-шойи кийимлар хазиначиси; **бирук**-

меҳмонларни қабул қилиш бўйича мутасадди; **ошчи**-хоқон ошхонаси бошлиғи (боғарчи); **битикчи**-мунший; **котиб**-мирза; **қушчи**-хоқон овининг ташкилотчиси.

Хоқон ҳарбий қўшинлари **черик** дейилган, унга **субоши**, ёки **сипоҳсолор** қўмондонлик қилган. Кичик зобит **човуш**, сипоҳийлар тўдаси қўмондони **хайлбоши** дейилган. Қўшин ўнлик, юзлик, мингликларга бўлинган. Қорахонийлар хоқони қўши (ҳарбий лагер) **хонтўй** дейилган. Хоқон қўшида доим 9 та сарик байроқ хилпираб турган. Хоқонликда элчини **ялавоч** ёки **ялафар** деб аталган.

Хоқонлик ҳудудлари эл, вилоятларга бўлинган. Ижтимоий тузумда мавқеи анча баланд ҳисобланган йирик заминдорлар-деҳқонлар қатлами қорахонийлар даврида ўз аҳамиятини йўқотди. Ўрта Осиё кўҳна зодагон тоифасининг бундай аҳволга тушишига асосий сабаб сиёсат майдонида юз берган сулолалар ўртасидаги тахт алмашуви, энг таъсирли жиҳати эса кўчманчилик шароитига мослашган эл-улусларининг ўтроқ аҳоли ҳудудларининг ишғол этишидир.

Сомонийлар замонида мазкур сулола учун хос марказлашган давлат тузумидан қоникмаган аслзода деҳқонлар қорахонийларни қўллаб-қувватлаган эдилар. Йирик хонадон соҳиблари-қорахонийлар ҳокимиятда узоқ давр туриша олмадилар ва вақти келиб биз ҳудудимизнинг асосий ҳукмдорлари бўлиб қоламиз деб ўйлашган эди. Уларнинг бундай режаларини тушунган яғмо ва чигилларнинг бошлиқлари зодагонларни қувғин қила бошладилар. Бунинг оқибатида кекса бой қатлам вакиллари ўз экинзорлари, уй-жойлари, мулклари ва бойликларидан маҳрум бўлдилар. Деҳқон деган ном эндиликда фақат оддий жамоатчига нисбатан айтиладиган бўлиб қолди. Аслзодалар ўзларининг даромад манбаи-ер-мулкдан маҳрум бўла бошлаган сари оддий жамоатчи зироаткорлар ижарачиларга айлана бордилар. Бу пайтда ерлар эгасиз ва кадрсиз бўлиб қолди. Унумдор жойлар яйловларга айланди. Бироқ кейинги воқеалар жараёнида Мовароуннаҳр ижтимоий ҳаётида жонланиш юз берганлиги ҳақида маълумотлар бор.

Қорахонийларда оддий халқ **будун** дейилган. Солиқ тўловчи фуқаро **райият** деб аталган. Қабила бошлиқлари **бек** дейилган, савдогарлар **сарт** деб аталган. Қорахонийлар давлатида хунармандчилик (кулолчилик, тўқувчилик, шишасозлик, темирчилик, заргарлик), шунингдек зироат ва чорвачилик маҳсулотларини қайта ишловчи соҳалар тараққий этган. Шунингдек, қимматбаҳо тошлар, олтин, мис, темир қазиб олинган. Шаҳарсозлик иншоотлари пишиқ ғиштдан бунёд этилган. Хонликда ер эгалигининг **иктаъ** шакли кенг тарқалган. Манбада шундай дейилади: “Иқтага соҳиб бўлганлар (муқталар) шуни билишлари лозимки, улар фақатгина райиятдан ҳақ молини яхшилик билан олишга ҳақлидирлар ва одамлар ўз танув моллари, бола-чақалари, асбоб-ускуналари билан хавфсиз бўлишлари шарт. Агар одамлар саройга келиб, ўз ҳолларини маълум қилмоқчи бўлсалар, улар қаршилиқ қилмасинлар ва қайси бир муқта шундай қилса қўлини қисқартириб, иқтасини тортиб олиш, ўзига жазо бериб, бошқаларга ибрат этиб кўрсатиш керак. Уларга шуни билдириб қўйиш лозимки, мулк ҳам, райият ҳам хонникидир. Муқталар ва валийлар уларни бошларида шаҳнадек туриб, подшоҳни райият

билан бирга хавфсизликдан сақлайдилар (“Сиёсатнома”). Хоқон, вақф, жамоа мулклари қорахонийлар тасарруфидаги асосий ер-мулклар ҳисобланади.

Қорахонийлар давлатида салжуқийларда бўлган каби иқтаъ эгаси ўз мулкида ишлаётган зироаткорлардан белгиланган миқдорда қонун билан қайд этилган солиқдан бошқа ортиқча маҳсулот ёки ҳақ олишга ҳуқуқи бўлмаган. Мажбурий равишда бирор-бир маҳсулот тортиб олинса, бундай вазиятда иқтаънинг маълум миқдори қирқиб олинган, ёки умуман тортиб олинган.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ:

1. Буғро сўзининг маъноси нима?

2. Жикилларнинг тотеми нима?

А. Туя

В. Бўри

С. Арслон.

Д. Буғу

3. Салжуқий ҳукмдорларни санаб беринг?

4. Хоразмшоҳлар тхукумронлик йиллари.

А. 1096-1221й.

В. 1097-1231й.

С. 1098-1221 й.

Д. 1097- 1221 й.

2-асосий савол:

Салжуқийлар давлати .

Дарсинг мақсади:

Салжуқийлар давлатининг ташкил топиши, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳаёти. Қўшни давлатлар билан муносабатларини ўрганиш. Талабалар онгида ватанпарварлик туйғуларини шакллантириш.

ИДЕНТИВ ЎҚУВ МАҚСАДИ:

1.1 Салжуқийлар давлатини ташкил топишини айтиб беради

1.2 Салжуқийлар давлати ҳудудларини кўрсатади

1.3 Салжуқийларнинг сиёсий ҳаётини таҳлил қилади.

2-асосий саволнинг баёни:

Ғазнавийлар султони Маъсуд Хуросонга юриш қилган туркий-салжуқийлар билан кўп бор жанг олиб боришга мажбур бўлди. Маҳмуд Ғазнавийнинг рухсати билан шимолий Хуросонга жойлашиб олган салжуқийлар бу даврга келиб, ғазнавийлар учун қатта хавф туғдира бошлади. 1035 йилда салжуқийларнинг Хуросонга янги ҳужуми бошланади. Нишопурдан Нисо шаҳрига етиб келган ғазнавийлар кўшини салжуқийларга зарба берган бўлсада, Салжуқийнинг невараси Тоғрул ва Чангри бошчилигидаги туркманлар кечаси Ғазнавийлар

қароргоҳига хужум қилади ва ғалаба қозонади. 1037 йил апрел ойида туркманлар Мари вилоятини узил-кесил эгаллашга эришдилар ва Бағдодда халифага ҳокимият учун ёрлиқ беришни сўраб элчи жўнатадилар. Шу тариқа Хуросондаги янги давлатга-Салжуқийлар давлатига асос солинди.

Кейинги йиллар туркманлар Тоғрул бошчилигида бир қанча зарбалар бериб, Хуросоннинг катта қисмини босиб олдилар. Шундан сўнг Маъсуд катта қўшин билан салжуқийлар устига юриш қилди. 1040 йилда Мари яқинидаги Данданакон деган жойда ҳал қилувчи жанг бўлиб, бунда Маъсуд армияси қаттиқ мағлубиятга учради. Жангдан зўрға қочиб қутулган Маъсуд тез орада (1040 й.) вафот этди. Унинг ворислари ғазнавийлар давлатининг аввалги қудратини тиклашга муваффақ бўла олмадилар.

Ғазнавийларга тегишли Хуросон аста-секин салжуқийлар қўлига ўтди. Салжуқийлар давлатининг бош султони бўлиб, Тоғрулбек (1038-1063 й.) сайланди. У катта истилочилик юришлари олиб бориб, Балхни, Ироқнинг шимоли, Озарбайжонни, Курдистонни ва Қўҳистонни ҳам босиб олишга эришди. 1055 йилда у катта қўшин билан Бағдодга кириб келди ва халифадан ўз номига хутба ўқитишни талаб этди. Шундан сўнг халифа диний ҳокимиятни ўз қўлида сақлаб қолиб дунёвий ҳокимиятни султон унвони билан Тоғрулбекка топширди. Салжуқийлар давлатининг пойтахти қилиб Тоғрулбек Рай шаҳрини танлади. Унинг ҳукмронлиги даврида салжўқийлар Кавказда Византия қўшинларига ҳам катта зарба бердилар. У Мовароуннаҳрда ҳукмронлик қилаётган қорахонийлар билан дўстона муносабатлар ўрнатди. Лекин, унинг вориси Алп Арслон (1063-1072) Амударёнинг ўнг соҳилидаги ерларга бир неча бор ҳарбий юришлар уюштирди. Византия императори Роман IV Диоген қўшинларини мағлуб этди. Ундан кейин тахтга ўтирган Маликшоҳ (1072-1092) 1089 йилда қорахонийлар ўртасидаги ички низолардан фойдаланиб Бухоро ва Самарқандни эгаллади ва катта ўлжа билан орқага қайтди. Лекин Қорахонийлар Салжўқийларнинг ярим вассалига айландилар. Маликшоҳнинг ўлимидан кейин Салжўқийлар давлатида тахт учун ўзаро курашлар қизиқ кетади ва 1118 йилда ҳокимият буюк салжўқийлар сулоласининг сўнгги йирик вакили Султон санжар (1118-1147) қўлига ўтади. Унинг даврида Салжўқийлар давлатининг пойтахти Марв шаҳрига қўчирилди. У Мовароуннаҳрдаги қорахонийларнинг ички ишларига, сиёсатига катта таъсир ўтказа олишга эришган салжўқийлардан эди. 1141 йилда қорахитойлар билан Султон Санжар ва унинг вассали, иттифокдош қорахоний Маҳмудхоннинг бирлашган қўшинлари ўртасида, Самарқанд яқинидаги Катвон чўлида бўлиб ўтган жангда қорахитойларнинг ғалаба қилиши Салжўқийлар давлатини анча заифлаштирди. Салжўқийларнинг мағлубиятидан Хоразмшоҳ Қутбиддин Муҳаммад Отсиз усталик билан фойдаланиб, 1141 йилнинг қишида салжўқийларнинг пойтахти Марвни босиб олди, 1142 йилда эса Нишопурга юриш қилди. Лекин Султон Санжар Хоразм қўшинларини Хуросондан қувиб чиқарди ва Хоразмшоҳ Отсизни яна ўзига бўйсундиришга эришди. Султон Санжарнинг

ҳаракатларига қарамасдан Салжўқийлар давлати ўзининг аввалги қудратини йўқота борди. Салжўқийларга ҳал қилувчи зарбани Балх ва Хутталон вилоятларида яшовчи кўчманчи Ғўз қабилалар бердилар. Улар Султон Санжар кўшинларини тор-мор этиб, уни асир олдилар. Ғўзлар химоясиз қолган Марв, Нишопур шаҳарларини талаб, ўт қўйдилар. Султон Санжар 1156 йилда асирликдан қочишга муваффақ бўлса ҳам, лекин салжўқийлар давлатини тиклай олмади ва бир йилдан кейин вафот этди.

Хоразмнинг мустақиллиги учун кураш XII асрнинг иккинчи ярмидан бошланади. У Кутбиддин Муҳаммаднинг ўғли Отсиз (1127-1156) номи билан боғлиқдир. Дастан у кипчоқ ва туркманларни ўзига бўйсундирди. Хоразм билан иқтисодий жиҳатдан боғлиқ бўлган Сирдарё этаклари ва Мангишлок яриморалини эгаллайди. Шундай қилиб, Отсиз Каспий денгизи соҳилларидан то Сирдарёнинг ўрта оқимига қадар бўлган ерларда, кейинчалик буюк давлат сифатида шуҳрат топган Хоразмшоҳлар давлати пойдеворини ташкил этади. Отсиз сиёсатини унинг ворислари Эларслон (1156-1172) ва Алоуддин Такаш (1172-1200) давом эттиради.

1153 йилда Султон Санжарга Қарши кўчманчи гузлар исен кўтардилар. Бунинг оқибатида Салжуқийлар давлати кескин зарбага учраб, парчаланиб кетади. Даставвал ундан Кичик Осие ва Карман ажралиб кетади. Сўнгра Форс, Озарбайжон ва Хуросон вилоятлари мустақил бўлиб олади. Хоразм давлати, айниқса Отсизнинг ўғли Такаш даврида жуда кенгайди. 1187-1193 йилларда у Нишопур, Рай ва марв шаҳарларини бўлиб олади. 1194 йилда эса Салжуқийлар султони Туғрулбекка қақшаткич зарба бериб, Эронни Хоразмга қаратади. Орадан 1 йил утгач, Такаш халифа аскарларига зарба беради.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ:

1. Салжуқийлар давлатига қайси қаблалар асос солган.

А.Кипчоқлар

В.Ўғизлар

С. Яғмолар

Д. Жикиллар

2. Кутбиддин Отсиз шоҳлик лавозимига ўтирганидан сўнг дастлаб қаерларни қўлга киритди?

А. Сирдарё этаклари ва Мангишлок яриморалини

В. амударё бўйларини

С. Шош ва Хўжандни

Д. Афғонистоннинг жанубий қисмини

Е. Қирғизистон шимолий қисмини

3. Султон Санжар фаолиятига баҳо беринг?

3-асосий савол:

Хоразмшоҳлар давлати

Идентив ўқув мақсадлари:

1. Хоразмшоҳлар давлатининг ташкил топишини билади.
2. Мустақиллик учун кураш жараёнини тушунади.
3. Хоразмшоҳлар давлатининг юксалиши ва қулаши жараёнини таҳлил қилади.

3-асосий савол баёни:

Хоразм сомонийлар даврида уларга тобе эди. X аср охири ва XI асрнинг бошларига келиб Хоразм ҳокими Маъмун I ва унинг ўғли Али ибн Маъмун Сомонийлар давлати тугаганидан сўнг мустақил давлат тузишга ҳаракат қилиб кўрдилар. Лекин Мовароуннаҳрдаги Қорахонийлар ва Хуросондаги Ғазнавийлар давлати олдида Хоразм давлати жуда кучсиз бўлиб, кўп ҳолларда Маҳмуд Ғазнавий ва унинг ўғли Маъсудга қарам эди. Ғазнавийлар давлатининг инқироzi ва Хуросонда Салжўқийлар ҳукмронлиги ўрнатилгандан кейин Хоразм дастлабки йилларда мустақил сиёсат олиб боришга ҳаракат қилган бўлса-да, тез орада Салжўқийларга қарам давлатга айланди.

Хоразмнинг мустақил давлат сифатида шаклланишида кўп хизмат қилган ҳукмдор Қутбиддин Муҳаммад Отсиз (1127-1156) бўлди. Салжўқий Султон Маликшоҳ даврида Хоразмни ҳукмдори бўлган Ануштегиннинг невараси Отсиз ўзи тобе бўлган Салжўқий султонларининг ҳар бир хатосидан усталик билан фойдаланди. Айёр, дипломат ва моҳир саркарда бўлган Отсиз мустақил ташқи сиёсат олиб борди. У Хоразм ерларини анча кенгайтириб, Сирдарёнинг қуйи оқими ерларини, Манғишлоқни босиб олади. Шундан сўнг у бир неча бор (1138, 1141, 1142, 1147-1148 йй.) Султон Санжарга қарши исён қилди ва мағлубиятга учраб Салжўқийларга бутунлай тобе бўлиб қолди. Лекин шунга қарамасдан у Хоразмни мустақиллиги учун мустаҳкам асос ярата олди. Султон Санжарнинг ўлиmidан сўнг (1157 й.) Салжўқийлар давлати деярли йўқ бўлди ва Хоразмни мустақил давлат сифатида сиёсат олиб бориш учун кенг йўл очилди. Муҳаммад Отсизнинг ўлиmidан сўнг ўғли Эларслон тахтга ўтирди. У отасига қараганда анча қулай вазиятда давлатни бошқарди. Хуросондаги воқеалардан фойдаланиб у Каспий бўйидаги Дехистон худудлари босиб олишга эришди. Эларслон отаси даврида Хоразмнинг бўйсундирилган кўчманчи туркман ва қипчоқ қабилалари ёрдамида Мовароуннаҳрнинг ички ишларига ҳам тез-тез аралаша бошлади. 1158 йилда у катта қўшин билан Мовароуннаҳрга бостириб кирди. Бу вақтда қорахитойларга вассал бўлган қорахонийлар кўчманчи қарлуқ қабилалари билан жанг олиб боришаётган эди. Эларслон қарлуқларга Бухоро ва Самарқанд учун олиб борган жангларда ёрдам берди. Лекин қорахитойлар қўшинлари ёрдамга етиб келиши билан Эларслон Хоразмга қайтишга мажбур бўлди. У бир неча марта Хуросонга юриш қилган бўлса-да, муваффақиятга эриша олмади. 1171-1172 йилларда қорахитойларнинг катта қўшини Хоразмшоҳнинг ўлпонини ўз вақтида тўламаётганлигини баҳона қилиб Хоразм устига юриш қилди. Эларслоннинг

буйруғи билан Сирдарёдаги катта тўғон бузиб ташланди ва катта майдон сувга бостирилади. Бу қорахонийлар кўшини юришини қийинлаштирди ва Хоразмнинг пойтахти Гурганч (Урганч) ни талон-тарож қилишдан сақлаб қолди.

Лекин қорахонийларнинг бу босқини даврида Эларслон вафот этди. Ундан кейин Хоразм тахтини унинг кичик ўғли Султоншоҳ эгаллайди. Арслоннинг катта ўғли Алоуддин Такаш қорахитойлар ёрдами билан укаси Султоншоҳдан тахтни тортиб олишга эришди. Султоншоҳ Хуросонга қочишга мажбур бўлди. Шундан сўнг Алоуддин Такаш (1172-1201) Хоразмда маҳкам ўрнашиб, қорахитойларга ваъда берган ўлпонни тўлашдан бош тортади. Унга жавобан қорахитойлар Хоразмга яна юриш қиладилар, лекин муваффақиятсизликка учраб, Султоншоҳ ихтиёрига бир кичик кўшин қолдириб ўзлари орқага қайтадилар. Султоншоҳ эса кўшин билан Марв шаҳрини, Серахс ва Тусни эгаллади.

Қорахитойларнинг муваффақиятсиз юришларидан кейин, Такаш ўз давлатини янада мустақамлади. Мовароуннахрга, Хуросонга бир неча бор ҳарбий юришлар уюштирди. У Мовароуннахрни эгаллай олмаган бўлса-да, лекин Хуросонни бир неча туманларини босиб олди. Лекин Хоразшоҳ Такашнинг Хуросонда кучли ва хавфли рақиби бор эди. Бу тобора кучайиб бораётган Ғурийлар давлати эди. Ғур вилояти ҳозирги Афғонистондаги Герируд дарёси бўйида, Ҳиротдан Балхгача, Қобулдан Ғазнагача чўзилган вилоят бўлиб, бу ерда асосан форсий қабилалар яшаган. Сўнгги Салжўқийлар даврида Ғур вилояти ўз мустақиллигини анча мустақамлади.

1150-1151 йилларда ғурийлар ҳокими Алоуддин Ғазнавий сулосаси султони Баҳромшоҳ устидан ғалаба қозониб Ғазна шаҳрини вайрон қилган эди. Ғазнавийларга сўнгги зарбани 1186-1187 йилларда Ғурийлар ҳокими Ғиёсиддин Муҳаммад берди. Шундан сўнг Ғурийлар ҳозирги Афғонистонни ҳамда Тожикистон ва Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудларини ҳам маълум вақт эгаллаб турдилар. Хуросонда Салжўқийларнинг кучсизланганидан фойдаланиб, Ғурийлар султони Ғиёсиддин Муҳаммад 1175 йилда Ҳиротни эгаллади ва Хуросоннинг марказий ҳудудларига ҳужумлар уюштириб турди. Қорахитойларнинг вассали ҳисобланган Хоразмшоҳ Такаш эса Хоразмни қорахитойлар қўлидан қутқариш учун катта куч сарфлашга мажбур бўлди. Фақат XII асрнинг 80-йилларида у Хуросонни баъзи бир ҳудудларини қўлга киритди. 1187 йилда у Нишопурни, 1192 йилда Рай шаҳрини, 1193 йилда Марв шаҳрини эгаллади. Бағдод халифаси Наср (1180-1225) ва Ғарбий Салжўқийлар султони Тоғрул II ўртасидаги низодан фойдаланиб, Такаш кўшинлари 1194 йилнинг март ойида Тоғрул II га қарши уруш очди ва уни енгиб Ҳамадон шаҳрини эгаллади. Тоғрул II эса жангда ўлдирилди.

Хоразмшоҳнинг тобора кучайиб бораётганидан хавфсираган Халифа Наср кўшинлари Такашга қарши чиқдилар. 1196 йилнинг июл ойида хоразмликлар халифа кўшинларини енгдилар. Шу тариқа Эроннинг катта қисми Хоразмшоҳлар қўлига ўтди ва давлати, ҳудуди бирданига икки баравар кенгайди. Хоразм давлати энди Бағдод халифасига тегишли жойлар ва Ғурийлар билан чегарадош бўлиб

қолди. 1200 йилда Такаш вафот этди ва шундан кейин Ироқда халқ кўзғолони кўтарилди. Бу ердаги Хоразм кўшинларининг катта қисми қириб ташланди, қолганлари Хуросонгача келишга мажбур бўлди. Хоразмшоҳлар ичида Такаш -энг талантли лашкарбоши ва ҳукмдор эди. У жуда оғир вазиятда Олд Осиё ва Ўрта Осиёнинг катта қисмини бирлаштириб қудратли давлат тузишга муваффақ бўлди.

Лекин Такашнинг катта хатоси шунда эдики, у ўзининг хотини Туркон хотун мансуб бўлган қипчоқлар қабиласига катта эркинликлар берди. Уларни доимо қўллаб-қувватлади. Туркон хотуннинг давлат ишларига аралашуви Хоразмдаги ички низоларини кучайишига олиб келди. Такашнинг ўлимидан кейин Хоразм тахтига унинг ўғли Алоуддин Муҳаммад ўтирди (1200-1220). 1203 йилда Муҳаммад қорахитойларнинг ёрдами билан Хуросонни бутунлай босиб олди. Ҳиротни ва яқин атрофларини эгаллади, 1207 йилда у ўз пойтахтига қайтиб, Мовароуннаҳрни босиб олиш учун тайёргарлик кўра бошлади. Шу йилнинг ўзидаёқ Муҳаммад Мовароуннаҳрга катта куч билан ҳарбий юриш бошлади. Бунинг сабаби Бухорода кўтарилган халқ кўзғолони эди. Бу кўзғолон 1206 йилда Бухоро садри (ҳокими) Муҳаммад ибн Абдулазизга қарши қаратилган эди. Бухоро садрларига хос барча ёмон хислатлар бу одамда мужассам эди. У халқдан катта солиқлар олиб уларни шафқатсизларча эзар эди. У диний раҳбар бўлишига қарамасдан айт-ишратга, овга муккасидан кетган эди.

Бухорода унинг зулмига қарши халқ ҳаракатининг асосий кучлари шаҳар хунарамандлари эди, қишлоқ аҳолиси-деҳқонлар бу ҳаракатни қўллаб-қувватлади. Бу кўзғолоннинг бошлиғи қалқон ясовчи устанинг ўғли Малик Санжар исмли шахс эди. Кўзғолончилар садр Муҳаммадни қувиб чиқардилар. У қорахитойлардан ёрдам сўради. Лекин Хоразмшоҳ Муҳаммад қорахитойлардан олдинроқ ҳаракат қилиб, Бухорони босиб олди ва шу тариқа Мовароуннаҳрни Хоразм таркибига қўшиб олиш бошланди. Кўзғолончиларнинг бошлиғи Малик Санжар Урганчга олиб кетилди.

Мовароуннаҳр халқи Хоразмшоҳни қорахитойлар зулмидан қутқарувчи куч сифатида қарши олди. Муҳаммад Хоразмшоҳ Қорахитойларнинг вассали бўлган Самарқанд ҳокими (қорахонийлар сулоласидан) Усмон билан дўстона муносабат ўрнатди. Бу эса қорахитойларнинг Самарқандга юриш қилишига олиб келди ва улар шаҳарни босиб олдилар. Бу вақтда мўғул қабилаларидан бири бўлган найманлар қорахитойларнинг Еттисувдаги ерларига бостириб кирдилар. Шунинг учун қорахитойлар шошинч равишда орқага қайтишга мажбур бўлдилар. Қорахитойларнинг қийин аҳволга тушиб қолганидан фойдаланган Хоразмшоҳ Самарқандни эгаллаб (Усмон унинг вассалига айланди) қорахитойлар устига юриш қилди ва Талас водийсида 1210 йилда қорахитойлар кўшини устидан ғалаба қозонди. Бу ғалаба туфайли Муҳаммад Хоразмшоҳнинг аҳволи анча мустаҳкамланди. Самарқанд ҳокими Усмон Хоразмшоҳнинг тўлиқ вассалига айланди ва унинг куёви бўлди.

ликларнинг ҳаддан ташқари ошиб кетганлигидан норози бўлган Самарқанд халқи 1212 йилда қўзғолон кўтарди. Катта қўшин билан Хоразмшоҳнинг ўзи Самарқандга кириб бориб қўзғолончилардан шафқатсизларча ўч олди ва куёви Усмонни ҳам ўлдирди. Шундан сўнг у Мовароуннаҳрдаги вазиятни ўз фойдасига ҳал этиш учун Фарғонани Усмоннинг укаси Қодирдан тортиб олди. Ўзган шахрини ҳам эгаллади ва шу тариқа қорахонийлар сулоласи бутунлай тугатилди. Қорахитойлар сулоласини эса кўчманчи найманлар Қучлук раҳбарлигида тугатдилар. Хоразмшоҳ Ўрта Осиёни бутунлай эгаллагандан сўнг Ғарбга юриш қилди ва тез орада Эрон ва Афғонистонни босиб олди. Ҳаттоки Бағдод халифасини ағдаришга уриниб кўрди.

Мавзу бўйича мустақил иш топшириқлар:

1. Қорахонийлар давлати тарихига оид манбалар рўйхатини тузинг?
2. Зиё Бунёдовнинг Хоразмшоҳлар давлати асарини мутолаа қилинг?

Мавзу бўйича асосий хулосалар:

1. Марказлашган давлатлар пайдо бўлишининг омиллари очиб берилди.
2. Хоразмшоҳлар давлати ва унинг ўзига хос жиҳатлари ёритиб берилди.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон халқлари тарихи. 2 жилд. Т.:Фан, 1992. 248б.
2. Аҳмедов Б. Тарихдан сабоқлар – Т.:Ўқитувчи, 1996
3. Каримов Ш., Шамсутдинов Р. Ватан тарихи. – Т.:Ўқитувчи, 1997
4. Сағдуллаев А. ва бошқ. Ўзбекистон тарихи: давлат ва жамият тараққиёти. - Т.:Академия, 2000
5. Ўзбекистон тарихи –Тошкент.: Янги аср авлоди, 2003й.
6. Ўзбекистон тарихи-Тошкент.: Молия. 2006й.

4-мавзу IX-XII АСРЛАРДА МОВОРАУННАҲР ВА ХУРОСОНДАГИ МАДАНИЙ ҲАЁТ.УЙҒОНИШ (РНЕСАНС) ДАВРИ РИВОЖИ

Фанни ўқитиш технологияси: “IX-XII асрларда Моворауннаҳр ва Хуросондаги маданий ҳаёт. Уйғониш (рнесанс) даври ривожи” мавзусидаги маъруза машғулотининг технологик харитаси

| Т/ Р | Босқичлар ва бажариладиган иш мазмуни | Амалга оширувчи шахс, вақт |
|---------|--|----------------------------|
| 1 | <p>Тайёрлов босқичи:</p> <p>1.1 Дарс мақсади:. Моддий ва маънавий маданиятни таъминлаган шарт-шароитлар, уйғониш даврининг хусусиятлари, Мусулмон маданиятининг таъсирини тушунтириш, талабалар онгида илм-фанга муҳаббат, аждодлар меросига ҳурматни шакллантириш.</p> <p>1.2. Идентив мақсадлар:</p> <p>1.2.1. Уйғониш даври келиб чиқишининг шарт-шароитларини билади.</p> | Ўқитувчи |

| | | |
|---|---|------------------------------|
| | <p>1.2.2. Илм-фан тараққиёти масалаларини тушунтиради.</p> <p>1.2.3. Маъмун академияси фаолиятига баҳо беради.</p> <p>1.2.4. Диний ва дунёвий илмлар тараққиётини таҳлил қилади.</p> <p>1.3. Асосий тушунча ва иборалар: Уйғониш даври, Беруний, Ибн Сино, Ал-Хоразмий, Ал-Бухорий, Туркий ёзма адабиёт, Байт ул-ҳикма.</p> <p>1.4. Дарс шакли: гуруҳ ва микрогуруҳларда.</p> <p>1.5. Фойдаланиладиган метод ва усуллар: суҳбат, маъруза-ҳикоя, баҳс, видеоусул.</p> <p>1.6. Керакли жиҳоз ва воситалар: Кўргазмали қуроллар, харита, таркатма материаллар.</p> | |
| 2 | <p>Ўқув машғулоти ташкил қилиш босқичи:</p> <p>2.1. Мавзу эълон қилинади.</p> <p>2.2. Маъруза бошланади, асосий қисмлари баён қилинади.</p> | Ўқитувчи, 15 минут |
| 3 | <p>Гуруҳда ишлаш босқичи:</p> <p>3.1. Талабаларга муаммоли савол беради.</p> <p>3.2. Талабалар фикри эшитилади, бошқа талабалар баҳсга чақирилади.</p> <p>3.3. Умумий хулосалар чиқарилади ва тўғрилиги текширилади.</p> <p>3.4. Умумий хулосага келинади.</p> | Ўқитувчи-талаба, 40 минут |
| 4 | <p>Мустаҳкамлаш ва баҳолаш босқичи:</p> <p>4.1. Берилган маълумотни талабалар томонидан ўзлаштирилганини аниқлаш учун қуйидаги саволлар берилади:</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Уйғониш даври сўзига изоҳ беринг? 2. Уйғониш даврининг шарт-шароитларини кўрсатиб беринг? 3. Илм-фан марказлари бўлган шаҳарларни санаб беринг? 4. Диний илмлар ривожига ҳисса қўшган аждодларимизни санаб беринг? <p>4.2. Энг фаол талабалар (баҳолаш мезони асосида) баҳоланади.</p> | Ўқитувчи, 15 минут |
| 5 | <p>Ўқув машғулоти яқунлаш босқичи:</p> <p>5.1. Талабалар билими таҳлил қилинади.</p> <p>5.2. Мустақил иш топшириқлари берилади.</p> <p>5.3. Ўқитувчи ўз фаолиятини таҳлил қилади ва тегишли ўзгартиришлар киритади.</p> | Ўқитувчи, 10 минут |

Асосий саволлар:

1. Моддий ва маънавий маданиятнинг юксалишини таъминлаган шарт-шароитлар.
2. IX-XII асрларда илм-фаннинг равнақи
3. Диний илмларнинг ривожланиши.

Таянч тушунча ва иборалар: Уйғониш даври, Беруний, Ибн Сино, Ал-Хоразмий, Ал-Бухорий, Туркий ёзма адабиёт, Байт ул-ҳикма.

1-асосий савол

Моддий ва маънавий маданиятнинг юксалишини таъминлаган шарт-шароитлар.

Дарснинг мақсади:

Моддий ва маънавий маданиятни таъминлаган шарт-шароитлар, уйғониш даврининг хусусиятлари, Мусулмон маданиятининг таъсирини тушунтириш,

талабалар онгида илм-фанга мухаббат, аждодлар меросига хурматни шакллантириш.

Идентив ўқув мақсадлар:

1. Уйғониш даври келиб чиқишининг шарт-шароитларини билади.
2. . Илм-фан тараққиёти масалаларини тушунтиради.
3. Иқтисодий, ижтимоий ва маданий омилларни санаб беради.

1-асосий савол баёни.

Фанда “Уйғониш даври” деб аталадиган давр Ғарбий ва Марказий Европа мамлакатларда XIV-XVI асрлардаги ривожланишининг ўзига хос хусусиятларини ифодалаш учун ишлатилган. Биринчи мартаба “уйғониш” атамасини XVI аср италян рассоми ва тарихчиси Ж.Вазари ўз асарларида ишлатади. “Уйғониш”, “уйғониш даври” атамалари XIV-XVI аср ижтимоий-иқтисодий ривожланиш моҳиятини очиб бермасдан, кўпроқ антик давр меросини, яъни антик маданиятга ўхшаш маданиятни қайтадан “тирилиши”, “уйғониши” маъносида ишлатила бошланди. Кейинчалик фанда бу атама кенг қўлланила бошланди. Шу маънода кўпчилик тадқиқотчилар IX-XII асрлар Ўрта Осиё халқлари тарихида маданиятнинг ривожланишини ўзига хос хусусиятларни ҳам “уйғониш” даври деб аталиши юқорида қайд қилинганидек, шартлидир деб ҳисоблайдилар.

IX-XII асрлар Ўрта Осиё халқлари тарихида моддий ва маънавий ҳаётнинг ривожланишида олдинги даврларга нисбатан кескин юксалиш даври бўлди. VIII асрда Араб халифалиги ҳозирда Ўрта Осиё деб аталмиш ҳудудни фатҳ этиб бўлган, босиб олинган ерларда ислом дини кенг ёйилиб, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий ҳаёт Араб халифалиги тартиб-қоидаларига бутунлай бўйсундирилган эди. Халифалик таркибига киритилган ўлкаларда фақат ислом динигина эмас, балки араб тили ва унинг имлоси ҳам жорий этилди. Чунки, араб тили халифаликнинг давлат тили бўлса, ислом дини унинг мафкураси эди. Шу сабабли бу мамлакатларда араб тилини ўзлаштиришга интилиш кучли бўлган. Исломни қабул қилган аҳолининг араб тили билан мулоқоти, ибодат вақтларида қуръон сураларини тиловат қилишдан иборат бўлган бўлса, маҳаллий зодагонлар араб тилини халифалик маъмурлари билан яқинлашиш ва мамлакатда ўз сиёсий мавқеларини тиклаб уни мустаҳкамлашнинг гарови деб ҳисоблайдилар. Араб тилига бўлган бундай эҳтиёж ва интилиш туфайли кўп вақт ўтмай Мовароуннаҳрда хатто ўз она тилидан кўра араб тили ва ёзуви ўзлаштириб олган билимдонлар пайдо бўлди. Чегаралари борган сари кенгайиб, улканлашиб борётган халифалик учун илм аҳли сув ва ҳаводек зарур бўлиб қолди. Давлатни бошқаришда халифалик маъмурияти билимдон сиймоларга мухтож эди. Чунки араблар орасида

бу пайтда давлат ишига яроқли бўлган билимдонлар ҳам оз бўлиб, борлари ҳам заиф эди.

873 йилда Тоҳирийлар ҳукмронлиги ўрнига Саффорийлар ҳукмронлиги ўрнатилди. Бу ўз навбатида Мовароуннаҳрни Хуросондан ажралиб, ўз мустақиллигини тиклаб олиши учун асос бўлди. IX асрнинг охири чорагида Мовароуннаҳр Сомонийлар қўл остига ўтиб, мустақилликни янада мустаҳкамлаб олади. Сомонийлар сулоласининг энг йирик вакилларида бири бўлмиш Исмоил Сомоний кучли давлат тузишга ҳаракат қилади ва бу ишни муваффақиятли равишда уддасидан чиқади.

Сомонийлар ўз давлатларини ўзларигача бўлган шарқ давлатларининг бошқарув анъаналарини чуқур ўрганган ҳолда, уларга суяниб, замон талабларини ҳисобга олган ҳолда ўзгартиришлар киритиб бошқаришга ҳаракат қилдилар.

Мовароуннаҳр деб аталадиган бу ҳудудда мустақил давлатларнинг ташкил топиши уларда сиёсий барқарорлик, иқтисодий ривожланиш ва маданий ҳаётнинг равнақиға катта таъсир кўрсата бошлади. Бухоро, Самарқанд, Урганч ва Марв каби шаҳарлар илм-фан ва маданият марказлари сифатида шаклланиб, ривожлана бошлади.

Ўрта Осиёда IX-XIII аср бошларида Сомонийлар, Қорахонийлар, Ғазнавийлар ва Хоразмшоҳлар давлатлари ҳукм сурдилар. Бу давлатлар халқаро майдонда ўз мавқеи ва тутган ўрни жиҳатидан катта эътибор ва нуфузга эга бўлдилар. Аҳмад Наср, Исмоил Сомоний, Алптакин, Маҳмуд Ғазнавий, Тўғрулбек, Султон Санжар, Отсиз, Такаш сингари тадбиркор ва узоқни кўра оладиган давлат арбоблари даврида Ўрта Осиёда ҳаётнинг барча жабҳаларида юксалишларга эришилди, давлат ҳокимияти мустаҳкамланди, нисбатан тинчлик, осойишталик ва барқарорлик вужудга келди.

Тарихчи Абу Мансур ас-Саолобийнинг Сомонийлар Бухоросига берган таърифи бутун Ўрта Осиё давлатларининг IX-XIII асрлардаги аҳволиға тегишлидир: "...шон-шуҳрат макони, салтанат каъбаси ва замонасининг илғор кишилари жамланган, ер юзи адибларининг юлдузлари порлаган ҳамда ўз даврининг фозиллари йиғилган (жой) эди". Ўрта Осиё ҳукмдорлари илм аҳли билан яқинлашдилар. Мамлакатни бошқаришда уларнинг билими ва маслаҳатларидан фойдаландилар. Ҳукмдорларнинг аксарияти бу даврда ўз саройларида олим, шоир ва уста санъаткорлар, турли соҳалар бўйича қимматбаҳо китобларни тўплашға одатландилар. Саройға жалб этилган олим ва шоирлар, кутубхоналардаги нодир кўлёма асарлар билан мағрурланардилар.

Дамашқ, Қоҳира, Бағдод, Куфа, Басра ва бошқа катта шаҳарларда Ўрта Осиёдан бориб фан, маданият тараққиётига ўз хиссасини қўшган авлод-аждодларимиз бу даврга келиб кўпая борди. Бағдод шаҳри Шарқнинг илм-фан маркази сифатида оламга танилди, чунки IX асрда бу ерда “Байт ул-ҳикма”- (“Донишмандлар уйи”) Шарқнинг фанлар академияси ташкил этилди. Бунга монанд ҳолда X аср охирларида Хоразмда ҳам халифа Маъмун даврида (995-997 й.) “Донишмандлар уйи”- “Байт ул-Ҳикма”- “Маъмун академияси” (Хоразм академияси) ташкил топди. Бу икки илм ўчоғларида Шарқнинг машҳур ва маълум олиму-алломалари тахсил кўрганлар. Улар орасида Аҳмад Фарғоний, Ал-Хоразмий, Беруний, Ибн Сино ва бошқа буюк алломаларнинг номлари бор

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ:

1. Уйғониш даври сўзига изоҳ беринг?
2. Уйғониш даврининг шарт-шароитларини кўрсатиб беринг?
3. Илм-фан марказлари бўлган шаҳарларни санаб беринг?

2-асосий савол

IX-XII асрларда илм-фаннинг равнақи.

Дарсининг мақсади:

Аждодларимизнинг жаҳон илм-фани ҳазинасига қўшган хиссасини, Беруний, Ибн Сино, Ал Хоразмий илмий мероси билан таништириш. Талабаларда аждодлар меросига ҳурмат ҳиссини тарбиялаш

Идентив ўқув мақсадлар:

1. Маъмун академияси ва унинг аолиятини билади
2. Илм фанга ҳисса қўшган олимлар фаолияти билан танишади.
3. Илм – фан тараққиётини изоҳлайди.

2-асосий савол баёни.

Биз ўрганаётган давр IX-XII аср фан ва маданиятининг равнақини **Абу Райҳон Берунийсиз** (973-1048 й.) тасаввур қилиш мумкин эмас. У ўз замонасининг барча фанлари - физика, математика, астрономия, геодезия, тарих, география ва бир неча бошқа фанларни пухта эгаллаган олим бўлган. У 362 хижрий йили (973 й.) Хоразмнинг қадимги Кат шаҳрида туғилди. Ўша даврда Кат шаҳри Хоразмшоҳлар - Африғийлар сулоласининг пойтахти бўлиб, Ўрта Осиёнинг Хитой, Ҳиндистон, Яқин Шарқ давлатлари, Кавказ ва Шарқий Европа давлатлари билан боғлаб турувчи савдо ва маданий марказларидан бири эди. У ўз она тили хоразм тилидан ташқари яна бир қанча тилларни-сўғдий, форс, ҳинд, юнон ва қадимги яхудий тилларни ҳам ўрганган. У Ҳиндистонда бўлар экан, тез орада нафақат Ҳиндистон тарихи, маданияти, ҳатто санскрит тилини ҳам ўрганган. Хоразмдаги Маъмун академиясининг энг кўзга кўринган фаол иштирокчиларидан

бирига айланади. Шу билан бирга у шоҳ Маъмун II нинг энг яқин маслаҳатчиси сифатида мамлакат сиёсий ишларида ҳам фаол қатнашади.

Беруний Урганчда яшаган даврда Ибн Сино билан ёзишма олиб борган. Бизгача уларнинг савол-жавобларидан 18 таси етиб келган. Бу ёзишмалар Берунийнинг табиат фалсафаси ва физика масалалари билан қанчалик қизиққанлигидан гувоҳлик беради. Савол-жавобларнинг мазмунида Аристотелнинг ақл билан ҳис этиш орқали чиқарган хулосаларига Беруний ўзининг тузатиш ва тажриба орқали аниқлаган хулосаларини қарши қўйган. Ибн Сино эса Аристотелни ҳимоя қилгани маълум бўлади.

Беруний Хоразмда яшаган вақтда ҳали жуда ёш бўлишига қарамай, Кат шахрида муҳим астрономик кузатишлар ўтказган. Бу кузатишлар учун ўзи асбоблар ихтиро қилган. Беруний 22 ёшида ўзи туғилиб ўсган ватанни ташлаб кетишга мажбур бўлади ва аввал Райга, кейин Журжонга келади. Бу ерда машҳур табиб, астроном, файласуф Абу Сахл Исо ал-Масихий билан танишади ва ундан таълим олади. Беруний ўзининг машҳур асарларидан бири бўлмиш “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар” асарини Журжонда ёза бошлаган.

Тарихдан маълумки, 1017 йилда Маҳмуд Ғазнавий Хоразмни босиб олади ва Берунийни ҳам Хоразмшоҳ саройидаги бир қанча олимлар қатори Ғазна шахрига олиб кетади. Беруний Ғазна шахрида 1017 йилдан то 1048 йилгача ҳаёт кечиргани маълум. Беруний табиат фанларининг ривожига бебаҳо ҳисса қўшган олимдир. У ўзининг илмий асарларида дунёнинг тузилиши ҳақида фикр юритганда Птолемей фикрига суянса ҳам, амалда ернинг ҳаракати ҳақида Птолемей тартибига зид келувчи фикрларни баён қилади. У “Геодезия” асарида геоцентризм билан боғлиқ бўлган баъзи назарияларнинг тўғрилигига шубҳа билан қараганлигини очикдан-очик баён этади. Бу билан у дунёнинг гелиоцентристик тузилиши ҳақидаги назарияни ишлашига ҳисса қўшганлардан бири ҳисобланади.

Беруний ўз даврининг катта математиги ҳам бўлган. Беруний 1030 йилда “Ҳиндистон” номи билан машҳур бўлган энг йирик асарини ёзади. Бу асар жуда катта аҳамиятига эга бўлган асар бўлиб, бу ҳақда жуда кўп ғарб ва шарқ олимлари ўзларининг фикр-мулоҳазаларини билдирганлар. Берунийнинг бу асари устида 20 йил иш олиб борган Э.Захау унинг арабча танқидий тексти билан ингилизча таржимасини 1888 йилда Лондонда нашр эттиради. Ана шу олим “ҳиндшуносликда Берунийга тенг қеладиган бирор олим на ундан олдин ва на ундан кейин бўлганлигини билмаймиз”-деган эди. Йирик арабшунос олим Р.Розен “Ҳиндистон” асари қадимги ва ўрта аср ғарб ва шарқ

адабиётида “мисли кўрилмаган”-деб баҳолайди. Ҳинд олимларидан Ҳамид Ризо эса “Ўрта аср ва янги замон муаллифларидан ҳеч бири Ҳинд маданиятининг чигал масалаларини илмий руҳда тушуниш бўйича Абу Райхон Беруний эришган ютуқларига эриша олмади. Берунийнинг “Ҳиндистон” асари классик намуна бўлиб қолиши билан бирга ўз муаллифининг қадимги ҳинд маданияти ва фанига тортиғидир”-деган эди.

Абу Али **ибн Сино** (980-1037) Бухоро яқинида жойлашган Афшона қишлоғида таваллуд топган. Отаси зиёли, ўқиган, билимдон киши бўлиб асли Балхдан бўлган. Ибн Сино ўша давр зиёллар оиласида ҳукм сурган турмуш тарзи тизими бўйича “Қуръони Карим”ни ёшлиқ чоғидан ёд ола бошлайди. Бу билан кифояланиб қолмасдан отаси унга фалсафа, ҳинд ҳисоби каби соҳаларни ҳам ўқита бошлайди. Ҳатто Абу Абдуллоҳ ан-Нашали деган кишини ўғлига мураббий қилиб олади. У ўспиринлик йилларида, 16 ёшида шунчалик чуқур шуғулланганки, ҳатто бирон-бир кеча ҳам тўйиб ухламаган экан. Фан асослари билан бундай шуғулланиш, кўп вақтлар давомида амалга оширган машаққатли меҳнат тез орада ўз самарасини беради, у 17 ёшидаёқ олим сифатида шаклланиб, табиб деган ном чиқара бошлайди. Мукофот сифатида сарой кутубхонасидан фойдаланиш имкониятига сазовор бўлади.

Биз кўриб чиқаётган давр сиёсий тарихи ўзига хос хусусиятларга эга эди. Бу вақтда икки сулола (Қорахонийлар ва Сомонийлар) тарих саҳнасида ҳукмронлик учун кураш олиб бормоқда эди. Мамлакатдаги бундай беқарорлик фан арбобларининг фаолиятига ўз таъсирини ўтказмасдан қолмас эди. Ибн Сино ҳам ўша даврда Хоразмда фан ва маданият хомийси сифатида ном чиқарган Маъмун (999-1016) саройига боради. У ерда ўша давр машҳур олим, файласуфлари Абусахл Масихий, табиб Абул Хайир Хоммар, қомусий олим сифатида бутун дунёда тан олинган Абу Райхон Беруний ва бошқа машҳур олимлар бор эдилар. Аммо олимнинг тинч ижоди бу ерда ҳам кўпга чўзилмайди. Хоразмни Маҳмуд Ғазнавий эгаллагач у Ҳамадонга жўнайди. Ўша даврда Ҳамадон ҳукмдори Шамс ад-Давла деган киши бўлиб, у касал бўлиб қолади. Ибн Сино Бухоро амирини даволаганидек уни ҳам тузатиб юборади ва эвазига вазир этиб тайёрланади. Ўша даврда ҳам сарой фисқу-фасод, исёнлар уяси эди. Ана шундай фисқу-фасодлар туфайли у зиндонга ташланади. Исфахон ҳукмдори Алоуддавла Ҳамадонни босиб олгач, у зиндондан озод қилинади.

Ибн Синонинг замондоши, унинг шогирди Жузжонийнинг ёзишича у жисмоний жиҳатдан жуда бақувват бўлган. Бироқ шаҳарма-шаҳар дарбадарликда юриш, юқорида қайд қилганимиздек, кечалари

ухламасдан узлуксиз ишлаш ва таъқиб остига олишлар олимнинг саломатлигига таъсир кўрсатади ва у 428 хижрий йилнинг рамазон ойида, 1037 йилнинг июн ойида 57 ёшида вафот этади.

Ибн Сино ҳақиқий энциклопедик олим бўлиб, ўз даврининг деярли барча фанлари билан муваффақиятли равишда шуғулланган ва уларга оид илмий асарлар яратган. Турли манбаларда унинг 450 дан ортиқ асарлари қайд қилинган бўлса ҳам, замонлар ўтиши билан уларнинг кўпи йўқолиб кетган ва бизгача фақат 242 таси етиб келган.

Ибн Синонинг тоғларни пайдо бўлиши тўғрисидаги жуда ажойиб фикрлари, минерология ва геология фанларига қўшган ҳиссаси жуда салмоқлидир. Жумладан, у минералларни тўрт гуруҳга бўлиб, уларнинг оригинал классификациясини таклиф этади. Бу классификация то XIX асргача деярли ўзгаришсиз сақланиб келди. Олимнинг минерология соҳасидаги ишларининг муҳимлиги таъкидланиб, 1956 йилда Ўзбекистонда топилган минерал Авиценит деб аталган.

Ибн Сино ботаника масалалари билан ҳам кўп шуғулланган. Чунки табобатда ишлатиладиган доривор моддаларнинг аксарияти ўсимликлардан олинади. Машҳур швед ботаниги Карл Линней (1707-1778) Ибн Синонинг ботаника соҳасидаги хизматларини таъкидлаб, тропик мамлакатларда денгиз сувида ҳам ўсувчи ва доимо яшил ҳолда қоладиган бир дарахтни Авиценна деб атади. Ҳам Фарбда, ҳам Шарқда “Авиценна” ва “Шайхур-Раис” номи билан шуҳрат қозонган бобокалонимиз ҳақиқатан ҳам мустақил Ўзбекистон ёшлари қалбида ўз тарихи ва бобокалонлари билан фахрланиш ҳис-туйғуларини уйғотади.

Маҳмуд Қошғарий фаолияти билан бевосита шуғулланувчи олимларнинг фикрича бу зот 1029-1038 йиллар орасида Қашғарда туғилган. У ўзига тўқ, зиёли оиладан бўлиб, Қашғарда яхши билим олади. Ҳатто у Бухоро ва Нишопур шаҳарларида ўз билимларини кенгайтириб катта-катта олимлар билан суҳбатда бўлади. Маҳмуд Қошғарий яшаб ижод этган йиллар Қорахонийлар давлатининг гуллаб-яшнаган даврига тўғри келади. Маҳмуд Қошғарий жуда кўп сафарларда бўлади ва ўзининг асарлари учун бой маълумотлар тўплайди. Кўп йиллик изланишлар натижасида “Девони луғати турк” ва “Жавоҳириннаҳв” “Турк тили синтаксиси асослари” асарларини ёзади. Минг афсуслар бўлсинки, охириги асар ҳанузгача топилмаган. Маҳмуд Қошғарийни бутун илм оламига танитган асари унинг “Девони луғати турк” асаридир. Бу китоб араб тилида ёзилган. Унда олим кўп йиллар давомида туркий қабилалар орасида олиб борилган кузатишлар асосида туркий тилларни қиёсий ва тарихий усуллар билан таҳлил қилган ва бу тилларнинг ўзига хос хусусиятларини очиб беришга ҳаракат қилган. Олимларнинг фикрича, муаллиф ушбу тадқиқотида

жуда кўп сўзларнинг этимологиясини ҳам жуда аниқ ва тўғри изоҳлаб берган.

Асарда турли уруғ-қабилалардан қипчоқ, ўғиз, татар, ямак, басмил, ябону, қай, бошқирт, қирғиз, уйғур, жамил, тару, ичроқ, тухси, яғмо, чигил, тангут, табғоч, шунингдек, форс, араб, хитой, рус халқлари ҳақида ҳам маълумотлар келтирилади. Асарда булардан ташқари бир неча туркий тилдаги ҳикматли сўзлар берилган.

Қорахонийлар даврида яшаган яна бир ўз даврининг атоқли шоири, донишманд ва давлат арбоби **Юсуф Хос Ҳожибдир** (XI аср). Унинг таржимаи ҳоли, туғилган йили ва ҳаёти тўғрисида ёзилган бирон-бир асар сақланиб қолмаган. У Қорахонийлар сулоласининг пойтахти Баласоғунда туғилган ва шу ерда ижод этган. Ҳозирги кунда Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билик”-”Бахт-саодатга бошловчи билим” деб номланган дидактик, бадий-фалсафий асари бизгача етиб келган бўлиб, бошқа асарлари маълум эмас. Шоирнинг ўзи бу ишга роппа-роса 18 ой сарфлаган ва унга жуда ҳам пухта тайёргарлик кўрган.

“Қутадғу билиг” асарида билим ҳақидаги алоҳида боб бўлиб, унда билимдан ҳеч бир зиён бўлмаслиги, у кишиларга фақат фойда келтириши мумкинлиги, кишиларга билим кадр-қиммат, ҳурмат ва эҳтиром келтириши мумкинлиги айтиб ўтилади. Шунингдек, асарда марказлашган давлатни мустаҳкамлашга қаратилган низоларга чек қўйиш каби ўша давр учун жуда катта аҳамиятга молик бўлган масалаларга ҳам алоҳида эътибор берилади. Шу билан бирга, давлатни идора этиш йўллари, бунинг учун беклар бу йўлда ўз атрофига билимдон, ақлли одамларни тўплаши лозим эканлигини алоҳида таъкидлайди. Эл-юртни бошқариш асосида икки нарса ётади деб кўрсатган шоир. Бири адолат кўрсатиш бўлса, иккинчиси, улардан марҳаматни аямасликдир. Юқорида қайд қилинганидек, шоирнинг бу асари дунё жамоатчилиги томонидан яхши қабул қилинган энг яхши асарлар қаторидан ўрин олган

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ:

1.Беруний яшаган йиларни кўрсатинг?

А.998-1067й

В.973-1047й.

С.980-1037й.

Д.976-1048й.

2.Ибн Синони шарқда нима дейишган.

А.Авицена

В.Шайх ур-раис.

С.Афлотуни замон

Д. Табиблар устози.

3. Ҳиндистон кимнинг асари?

А. Беруний.

В. Ибн Сино

С, Форобий.

Д. Деҳлавий

4. Ибн Синонинг 1000 йиллиги юртимизда қачон нишошланган.

А. 1980й.

В. 1990й.

С. 1997й.

Д. 2000й.

5. Уйғониш даврининг ўзига хос хусусиятлари нимадан иборат?

3-асосий савол

Диний илмларнинг ривожланиши.

Дарснинг мақсади:

Диний илмларнинг ривожланиши, Қуроъни карим, улуғ муҳаддис олимларнинг етишиб чиқиши, Имом Бухорий, Ат Термизий, тасаввуф оқимининг пайдо бўлиши ва ривожланиши ҳақида мавълумот бериш. Талабалар онгида тарихий тафаккурни шакллаантириш.

Идентив ўқув мақсадлари:

1. Диний илмлар тарақиётини билиб олади.

2. Диний илмларнинг маънавий маданиятимиздаги ўрнини аниқлайди.

3-асосий савол баёни

IX-XII асрларда ислом дини Ўрта Осиё халқлари давлатчилиги тарихида катта рол ўйнай бошлади. Мовароуннаҳрда бу давр араб халифалигидан мустақил бўлган давлатларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши даври бўлган бўлса, ислом бу вақтда Шарқда кенг тарқалиб жаҳон дини даражасига кўтарилди, мусулмон дунёсининг мафкурасига айланади. Араб тили давлат тили даражасига кўтарилди. Азалдан саводли бўлган, маданият даражаси юқори даражага кўтарилган халқ тез орада нафақат араб тилини, балки исломни ҳам чуқур ўрганиб, араб тили ва шариат масалаларида китоблар ёзадиган олимларни етиштириб чиқара бошлади.

Халифаликдан ажралиб чиққан мустақил давлатлар Сомонийлар, Қорахонийлар, Салжукийлар ва Ғазнавийлар, Хоразмшоҳлар даврида бу мустақил марказлашган давлатларни янада мустаҳкамлаш учун ислом динига, унинг таълимотига, тарихий аҳкомларига эътибор бир неча бор кучая бошлайди. Шаҳарларда масжидлару-мадрасалар қурилишига эътибор берилди бошлади. Масалан, манбаларнинг дарак беришича, Бухорода дастлабки мадраса Ковушдўзлар тими яқинида барпо қилинади. Ҳатто қонуншунослар учун ҳам махсус “Фақиҳлар

мадрасаси” деган ихтисослаштирилган мадраса қурдирилган. Бундай билим масканларида Қуръони карим, Ҳадис илми ва шариат асослари ҳар томонлама мукамал ўрганилган.

Ўша давр шаҳарлари орасида ислом дини таълимотини чуқур тарғиб қилишда Бухоро шаҳри алоҳида ўринни эгаллайди. Юқорида қайд қилинганидек, мадрасаю, мактабларнинг борлиги бу ерда етук илоҳиёт фани намоёндаларини етишиб чиқишига хизмат қилади. Шунинг учун бўлса керак, Бухоро шу даврдан бошлаб “Қуббатул ислом”-“Ислом динининг гумбази” номи билан шуҳрат топа бошлайди.

Секин-аста марказлашган давлатнинг асосий мафкурасига айланган ислом дини бошқа диний қарашларни сиқиб чиқара бошлайди ва халқ оммасини итоатда ушлаб туриш учун қурол воситаси ролини ҳам бажара бошлайди.

Бу даврда ислом таълимотига бебаҳо ҳисса қўшган Имом ал-Бухорий ва Исо ат-Термизий каби кўплаб уламолар етишиб чиқдилар. Улар шу кунга қадар Ҳадис илмининг энг кўзга кўринган, бутун мусулмон дунёси томонидан тан олинган алломалари даражасига кўтарилган зотлардир.

Имом Бухорий (809-870 йй.) Бухорода туғилиб, шу ерда биринчи билимларни олади. Сўнгра билимини янада чуқурлаштириш мақсадида Макка, Мадина, Бағдод, Дамашқ, Куфа, Нишопур каби шаҳарларга боради. Манбалардан бизга маълумки, Имом Бухорий ислом дини масалаларига бағишланган 20 га яқин асар ёзган. Шу китоблар орасида Бухорийнинг бутун дунёга машҳур қилган асари “Ал-Жомеъ ас-Саҳиҳ” (“Ишончли тўплам”)дир. **Имом ат-Термизий (824-892 йй.)** Термиздан унча узоқ бўлмаган Буғ қишлоғида туғилган. У ҳам Бухорий сингари Шарқнинг жуда кўп шаҳарларида бўлиб, ўз билимини оширишга ҳаракат қилади. Ат-Термизий ҳадислардан ташқари филология, тарихга оид асарлар ҳам ёзди. Унинг 10 дан ортиқ ёзган асарлари орасида номини бутун мусулмон оламига машҳур қилган асари “Жоме ат-Термизий” ёки “Сунан ат-Термизий”дир. Бу асар исломда уламолар томонидан ҳақиқат деб тан олинган машҳур ҳадислар тўпламидан биридир.

Тасаввуф, яъни суфийлик ислом дини асосида шаклланган диний-фалсафий оқим бўлиб, покланган, зоҳид, тақводорлик маъносини англатади. Унинг асосида бу дунё лаззатларида воз кечиш орқали Оллоҳга етиш, уни билиш, у билан бирлашиш йўлини қидириш ётади. Суфийлик, Қуръон ва шариат талабларини албатта сўзсиз бажариш, ўзини Худонинг қули деб билиш кабилар, ўз хоҳиши билан покланиб, Оллоҳга, руҳий маънавийликка сингиш орқали эришишга

асосланади. Тасаввуф таълимоти асосида инсон фаолияти ва унинг камолоти ётади.

Тасаввуфнинг ижтимоий асосини шаҳарлардаги ҳунармандлар, майда савдогарлар ташкил қилган. IX-X асрлардаёқ Ироқ ва Эронда унинг йирик вакиллари вужудга келади. Мовароуннаҳрда эса тасаввуф таълимоти X асрдан бошлаб ёйила бошлади. Ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида тасаввуфнинг ривожланишида **Юсуф Ҳамадоний таълимоти** муҳим рол ўйнайди. Ўрта Осиё ҳудудида биринчи вужудга келган суфийлик оқими **Яссавийликдир**. Бу оқимга 1105 йилда Ясса (Туркистон) шаҳрида туғилган **Аҳмад Яссавий** асос солган. Аҳмад Яссавий Бухорода Юсуф Ҳамадонийдан таълим олгач, яна она шаҳри Туркистонга қайтиб келади ва шогирдлар тарбияси масаласи билан шуғулланади. Мадраса ва хонақолар курдиради. Яссавий таълимотининг асослари туркий тилда ёзилган “Девони Ҳикмат” асарида баён этилган. У ўтроқ ва кўчманчи туркий халқлар орасида суфийлик таълимотини тарғиб қилишда муҳим аҳамият касб этган.

Аҳмад Яссавийнинг фикрича **шариатсиз тариқат, тариқатсиз маърифат, маърифатсиз ҳақиқат** бўла олмайди. Улар доимо бир-бирини тўлдиради. Бу йўл камолот йўли бўлиб, инсон ҳаётининг асл моҳиятини ташкил этади.

Юсуф Ҳамадонийнинг яна бир шогирди **Абдухолик Ғиждувоний** бўлган. Яссавий билан Ғиждувоний шу даражада иқтидорли шогирдлардан бўлишганки, кейинчалик улардан бир “Яссавия”, иккинчиси “Нақшбандия” тариқатининг асосчилари бўлиб етишадилар. Хожа Абдухоликнинг таржимаи ҳоли, туғилган ва вафот этган саналари аниқ. У 1103 йилда Ғиждувондда туғилиб, 1179 йилда ўз ватанида вафот этади. Хожа Абдухоликка дастлабки саводни ўз туғилган юртида Имом Садриддин беради. Кейинчалик ўқишни Бухорода давом эттириб, юкорида қайд қилинганидек, Юсуф Ҳамадонийга шогирд тушади. Тарихий манбаларнинг хабар беришича, устоз ва шогирднинг бир-бирларига ҳурмати, меҳр-оқибати шу даражада бўлган эдики, улар биргаликда Шарқнинг фан ва маданият ўчоқларидан бўлмиш Самарқанд, Бухоро, Марв, Исфохон, Балх сингари шаҳарларга борган эканлар ва у ерларда тасаввуф соҳасидаги ўз билимларини янада чуқурлаштирган эканлар.

Нажмиддин Кубро (1145-1221 йй.) - тасаввуф таълимотининг Ўрта Осиёдаги йирик вакилларида бири. Суфийликдаги Кубравия оқимининг асосчисидир. Хивада туғилиб, Миср, Табриз ва Ҳамадонда илм олган. Кўхна Урганчга қайтиб, ўз таълимотини ривожлантириб, шу ерда янги суфийлик оқимига асос солади. У “Фавоих ал-Жамол ва фовотих ал-Жалол” (“Жамолининг муаттарлиги ва камолотнинг

эгалари”), “Ас-усул ал-ашара” (“Ўнта қонун ва қоидалар”) номли қатор рисола ва асарлар ёзиб, ўз таълимотини такомиллаштиришга эришди. Шундай қилиб, тасаввуф Мовароуннаҳр аҳолисининг маънавий ҳаёти билан чамбарчас боғланган таълимот бўлиб, ўрта асрнинг халқпарвар адиб ва машоихлари уни чуқур билишга ва у орқали оммага зиё ва маърифат тарқатишга интиланлар.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ:

1. Ал-жомеъ ас саҳиҳ кимнинг асари.

А. Яссавий

В. Ал Бухорий

С. Ат Термизий

Д. Кубро

2. Тасавуфда руҳий камолот неча босқичдаан иборат.

А. 3 босқич

В. 4 босқич

С. 5 босқич

Д. 6 босқич.

3. Маънавий маданиятимизда диннинг ўрнини тушунтиринг.

4. Қуръони карим неча сура ва оятдан иборат?

А. 114 сура, 6060 оят

В. 114 сура, 6666 оят

С. 141 сура. 6000 оят

Д. 144 сура 6660 оят

Мавзу бўйича мустақил иш топшириқлар:

1. Уйғониш даври олимлари рўйхатини тузинг?

2. Берунийнинг тарихга оид асарини мутолаа қилинг?

Мавзу бўйича асосий хулосалар:

1. Уйғониш даврининг объектив субъектив сабаблари очиб берилди.

2. Бук давр ҳақида асосий маълумотлар берилди.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон халқлари тарихи. 2 жилд. Т.:Фан, 1992. 248б.

2. Аҳмедов Б. Тарихдан сабоқлар – Т.:Ўқитувчи, 1996

3. Каримов Ш., Шамсутдинов Р. Ватан тарихи. – Т.:Ўқитувчи, 1997

4. Сагдуллаев А. ва бошқ. Ўзбекистон тарихи: давлат ва жамият тараққиёти. - Т.:Академия, 2000

5. Ўзбекистон тарихи –Тошкент.: Янги аср авлоди, 2003й.

6. Ўзбекистон тарихи-Тошкент.: Молия. 2006й.

5-МАВЗУ. МАРКАЗИЙ ОСИЁНИНГ МЎҒУЛЛАР ТОМОНИДАН БОСИБ ОЛИНИШИ. МОВОРАУННАҲР ЧИҒАТОЙ УЛУСИ ТАРКИБИДА.

Фанни ўқитиш технологияси: “Марказий Осиёнинг мўғуллар томонидан босиб олиниши. Моворауннахр Чигатой улуси таркибида” мавзусидаги маъруза машғулотидаги технологик харитаси

| Т/р | Босқичлар ва бажариладиган иш мазмуни | Амалга оширувчи шахс, вақт |
|-----|---|------------------------------|
| 1 | <p>Тайёрлов босқичи:</p> <p>1.1 Дарс мақсади: Мўғуллар давлатининг ташкил топиши, тарихий географияси, Чингизхоннинг сиёсий ва давлатчилик фаолияти асосларини очиб бериш. Талабаларда тарихга ҳурмат, юртга садоқат ҳиссини тарбиялаш.</p> <p>1.2. Идентив мақсадлар:</p> <p>1.2.1. Мўғул давлати ташкил топишини айтиб беради</p> <p>1.2.2. Чингизхоннинг сиёсий фаолиятини таҳлил қилади</p> <p>1.2.3. Чингизхоннинг Марказий Осиёга ҳарбий юришларига баҳо беради.</p> <p>1.2.4. Мўғул босқинчиларига қарши кўрсатилган Марказий Осиё халқларининг жасоратларини таҳлил қилади.</p> <p>1.3. Асосий тушунча ва иборалар: Тоҳир ибн Хусайн, Талха, Абул Аббос Абдулло, Тоҳирийлар давлати, Саффорийлар давлати, Ёқуб ибн Лайс.</p> <p>1.4. Дарс шакли: гуруҳ ва микрогуруҳларда.</p> <p>1.5. Фойдаланиладиган метод ва усуллар: суҳбат, маъруза-хикоя, баҳс, видеоусул.</p> <p>1.6. Керакли жиҳоз ва воситалар: Кўргазмали куруллар, харита, тарқатма материаллар.</p> | Ўқитувчи |
| 2 | <p>Ўқув машғулоти ташкил қилиш босқичи:</p> <p>2.1. Мавзу эълон қилинади.</p> <p>2.2. Маъруза бошланади, асосий қисмлари баён қилинади.</p> | Ўқитувчи, 15 минут |
| 3 | <p>Гуруҳда ишлаш босқичи:</p> <p>3.1. Талабаларга муаммоли савол беради.</p> <p>3.2. Талабалар фикри эшитилади, бошқа талабалар баҳсга чақирилади.</p> <p>3.3. Умумий хулосалар чиқарилади ва тўғрилиги текширилади.</p> <p>3.4. Умумий хулосага келинади.</p> | Ўқитувчи-талаба, 40 минут |
| 4 | <p>Мустаҳкамлаш ва баҳолаш босқичи:</p> <p>4.1. Берилган маълумотни талабалар томонидан ўзлаштирилганини аниқлаш учун қуйидаги саволлар берилади:</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Чингизхоннинг ҳарбий юришлари натижасида Мўғул давлатига қўшилган худудларни харитадан топинг. 2. Чингизхон ҳақида ёзилган ёзма асарларни ўрганинг ва конспект қилинг. 3. Бу давргва оид қандай асарларни ўқигансиз? 4. Чингизхоннинг Марказий Осиёга ҳарбий юришлари йўналишини харитадан кўрсатинг. 5. Марказий Осиёга мўғул босқини ҳақида ёзилган ёзма асарларни таҳлил қилинг. <p>4.2. Энг фаол талабалар (баҳолаш мезони асосида) баҳоланади.</p> | Ўқитувчи, 15 минут |
| 5 | <p>Ўқув машғулоти яқунлаш босқичи:</p> <p>5.1. Талабалар билими таҳлил қилинади.</p> <p>5.2. Мустақил иш топшириқлари берилади.</p> | Ўқитувчи, 10 минут |

1. Чингизхон бошчилигидаги мўғул давлатининг ташкил топиши.
2. Мўғулларнинг Мовароуннаҳрга босқинчилик юришлари.
3. Мовароуннаҳр Чигатой улуси таркибида.

1-асосий савол:

Чингизхон бошчилигидаги мўғул давлатининг ташкил топиши.

Дарснинг мақсади:

Мўғуллар давлатининг ташкил топиши, тарихий географияси, Чингизхоннинг сиёсий ва давлатчилик фаолияти асосларини очиб бериш. Галабаларда тарихга хурмат, юртга садоқат ҳиссини тарбиялаш.

ИДЕНТИВ ЎҚУВ МАҚСАДЛАРИ:

- 1.1. Мўғул давлати ташкил топишини айтиб беради
- 1.2. Мўғул давлати ҳудудларини кўрсатади
- 1.3. Чингизхоннинг сиёсий фаолиятини таҳлил қилади
- 1.4. Мўғул давлатига баҳо беради.

1-асосий саволнинг баёни:

XII асрнинг охири- XIII аср бошларида ижтимоий-иқтисодий ва маданий тараққиётда куйи босқичларда турган мўғул қавм ва қабилалари катта, буюк ва қудратли мўғул давлатини барпо қилиш учун кураш олиб бордилар. Ҳокимият учун қавм ва қабилалар ўртасида олиб борилган курашда Чингизхон галаба қозонади ва 1204-1205 йилларда кули мўғул давлатига асос солади. Маълумотларда берилишича, дастлабки жанг юришларида Темучин атиги 13 минг кишилиқ лашкар туплай олган, ҳолос. Секин-асталик билан унинг лашкарлари сони ортиб борган. Бирин-кетин найманлар, кeroитлар, тоторлар, унгутлар, уйгурлар ва бошқаларни ўзига тобе этган Темучин 1205 йилга келганда бутун Мўғулистон ҳудудларининг ягона ҳукмдорига айланди. 1206 йилда у ўзининг давлат ҳукмронлигини қонунлаштириш мақсадида Онон дарёсининг юқори қисмида қурултой чақиради. Бу қурултойда Темучинга Чингизхон лақаби берилади. Чингизхон лақаби турли ёзма манбаларда "тоза", "қувватли", бошқа бирларида "қучлилар ҳоқони" маъноларини англатади дейилади.

Ана шу тарихи Темучин кичик бир хондан Манчжуриянинг Иртишгача, Байкалдан Тонгутгача бўлган ҳудудларга чўзилиб кетган ерларда қўчиб юривчи қўшунларни жангари қабилалар салтанатининг қучли ҳукмдорига айланади. Бу салтанат энди ўзининг қуч ва қудрати билан қўшни давлатларга ҳам қўшун ва дахшат сола бошлайди.

Чингизхон 1206 йилда найманларни бўйсундиради. 1207-1208 йилларда Энасой ҳавзаси, сўнгра Етисув вилоятининг шимолий қисми бўйсундирилди ва

уйгурлар таслим бўлди. 1215 йилда эса у Шимолий Хитойнинг маркази Пекин шаҳрини ишғол қилиб, Цзин сулоласини тахтдан кулатди. Шимолий Хитой ерлари Мўғулистон давлатига қўшиб олинди. Чингизхон 1218-1219 йилларда Шарқий Туркистон ва Етгисув вилоятларини деярли талофатсиз қўлга киритиб, бу ердаги Кучлик давлатини тугатади. Шундай қилиб, XIII асрнинг 20-йилларида Губи(Гоби) саҳросининг Шарқий чегарасидан то Тангригов (Тянь-Шань) тизмасининг Ғарбий этакларигача бўлган вилоятлар Мўғул давлати ҳукмронлиги остида бирлаштирилган эди. Чингизхон Қорақурум шаҳрини уз давлатининг пойтахтига айлантирди.

Хитойнинг қўлга киритилиши Чингизхон бошлиқ мўғуллар давлатининг истилочилик истиқболи учун катта аҳамиятга эга бўлади. Чунки мўғуллар Хитойдек катта ва бой мамлакатни босиб олгач, беҳисоб турли бойликларнинг эгаси бўладилар.

Бу даврда Хитойда қадимий анъанавий бойликлардан ташқари, замонавий ҳарбий техника ҳам юксак даражада ривож топган эди. Бу ҳол Чингизхон лашқарларининг энг яхши қурол-аслаҳалар билан таъминланган қудратли кучга эга бўлишини таъминлади.

Чингизхон Хитойни забт этгач, унинг салтанати Япон ва Сарик денгизларидан Иртиш дарёсигача, Сибир ерларидан Хитойгача бўлган катта ҳудудларга чўзилади. Энди унинг нигоҳи Ғарбий ҳудудлар томон қаратилади. Мўғулларнинг Ғарбий чегаралардаги қўшниси Хоразмшоҳлар давлати бўлиб, Аловуддин Муҳаммад бошчилигида янги-янги ҳудудларни босиб олиб, ўз чегаралари майдонини тобора кенгайтириб бормокда эди. 1218 йилда Чингизхон қурултой чақиради. қурултойда муҳокама қилинган асосий масала Хоразмшоҳ Муҳаммад билан бўладиган уруш ва унга тайергарлик қуришдан иборат эди.

МУҲОКАМА УЧУН САВОЛЛАР:

6. Чингизхон кучли мўғул давлатига нечанчи йилларда асос солди?

- A. 1200-1201 йилларда
- B. 1202-1203 йилларда
- C. 1204-1205 йилларда
- D. 1209-1210 йилларда
- E. 1212-1215 йилларда

7. Чингизхон нечанчи йилда туғилган?

- A. 1155 й
- B. 1161 й
- C. 1145 й
- D. 1158 й
- E. 1170 й

8. Чингизхон давлатининг пойтахтини топинг.

- A. Болосогун
- B. Коракурум
- C. Пекин
- D. Улан-Батор
- E. Қашғар

9. Чингизхон Хитой пойтахти Пекинни нечанчи йилда олади?

- A. 1212 й
- B. 1214 й
- C. 1215 й
- D. 1218 й
- E. 1220 й

10. Чингизхонни конуний ҳокимиятини конунлаштириб берган қурултой каерда бўлган?

- A. Пекинда
- B. Енисей дарёси бўйида
- C. Иртиш дарёси бўйида
- D. Онон дарёси юқори қисмида
- E. Байкал кули бўйида

11. Чингизхоннинг ҳарбий юришлари натижасида Мўғул давлатига қўшилган худудларни ҳаритадан топинг.

12. Чингизхон ҳақида ёзилган ёзма асарларни ўрганинг ва конспект қилинг.

13. Бу давргва оид қандай асарларни ўқигансиз?

2-асосий савол:

Мўғулларнинг Мовароуннаҳрга босқинчилик юришлари.

Дарсинг мақсади:

Марказий Осиёни мўғул давлатига қўшиб олиниши, халқимизнинг мўғул босқинчиларига қарши кураши моҳиятини очиб бериш ва талабаларда ватанпарварлик туйғусини шакллантириш.

ИДЕНТИВ ЎҚУВ МАҚСАДЛАРИ:

1. Чингизхонни Марказий Осиёга ҳарбий юришлари сабабларини айтиб беради.
2. Чингизхоннинг Марказий Осиёга ҳарбий юришлари йўналишларини кўрсатади.

3. Мўғул босқинчиларига қарши кўрсатилган Марказий Осиё халқларининг жасоратларини таҳлил қилади.
4. Чингизхонни давлатига қўшиб олинган Марказий Осиё ҳудудларини умумлаштиради.

2-асосий саволнинг баёни:

1219 йилнинг кузида Чингизхон ўғиллари Чигатой: Уктой ва Жужи билан бирга Хоразмшоҳга қарши юриш бошлади. Унинг жами аскарлари 200 мингга яқин эди. Чингизхон қўшини қадимги йўл билан Или дарёси бўйлаб: Шимолий Фарғонадан утиб, Жанубий Козогистонда Сирдарё бўйича жойлашган Утрор шаҳри устига юриш қилди. Бу шаҳар яқинида бутун ҳарбий кучларни туплаб, Мовароуннахрни қисқа муддат ичида забт этиш учун уни турт қисмга бўлди. Унинг бир қисмини ўғиллари Чигатой ва Уктой бошчилигида Утрорни камал қилиб туриш учун қолдирди. Иккинчи қисмга Жужи бошлиқ этилиб, у Сирдарё этаги томон юборилди. Унга Сигнок, Узган, Жанд, Янгикент шаҳарларини босиб олишни буюрди. Беш минг кишилик учинчи қўшин Олокнуен ҳамда Сукетичурбий исмли сарханглари қўмондонлигида Сирдарёнинг ўрта соҳили бўйлаб, унинг юқори оқимида жойлашган Бинокат ва Хўжанд шаҳарлари томон юборилди. Чингизхоннинг узи асосий кучлари билан даштликлар орқали Бухорога томон аскар тортди. Утрор беш ойдан кўпроқ вақт давомида забт этилади. Чингизхоннинг асосий кучлари Сирдарёдан жанубда жойлашган Зеринух (Зарнух) ва Нур қалъаларини ишғол қиладилар. 1220 йилнинг феврида Чингизхон Бухорога етиб боради. Бухоро раҳбарлари Ихтиериддин Кушлу, Инанчхон Ҳамид Буро, Сугончхон, Уйгур Гурхонлар бошлиқ эди. 1220 йил феврида мунгуллар Бухорони эгаллайдилар. Бухорони забт этгач, Чингизхон Самарқандга йўл олади ва 1220 йилнинг март ойида Мовароуннахрнинг энг улут ва муҳим шаҳрига яқинлашади.

Шаҳарни мудофаа қилиш учун 110 минг кишидан иборат каттагина қўшин қолдирган эди. Уларнинг кул остида 20та фил ҳам бор эди. Шаҳар ноиб Муҳаммаднинг тоғаси Тугайхон эди. Самарқанд забт этилади. Бу даврда мўғулларнинг Жужи бошлиқ аскарли қисми ҳам Сирдарё этақларида зафарона ҳаракатда эди. Аввал у аҳолиси зич жойлашган ва бой савдо шаҳри Сигноққа ҳужум бошлайди. Хасанхожи исмли савдогарни элчи қилиб юборади ва шаҳарни таслим бўлишини таклиф этади. Шаҳар 8чи кун таслим бўлади. Узган жангсиз таслим бўлади. Аммо Барчинлиқкент эса кучлар билан таслим бўлади.

1220 йилнинг апрелида Самарқанд таслим бўлганидан бир ой утгач, мунгуллар Жандга ҳужум бошлайди. Жандни эгаллашади. Мўғуллар 5 минг аскарлик қўшин билан Сайхун дарёси бўйида жойлашган Бинокат ва Хўжанд шаҳарлари устига юради. Бинокат забт этилгач, навбат Хўжандга келади. Хоразмга келган Темур Малик Жужига Қарши зафарли жанг қилиб, Сирдарё қуйи оқимидаги Янгикент шаҳрини қайтариб ҳам олади.

1220 йилнинг езида Нахшаб (Қарши)га бостириб боради. У Термизга аскар тортади ва икки кунда олади. 1221 йилда Урганч олинади. Забт этилган улка ва вилоятларни Чингизхон хали ҳаётлик чоғида ўғиллари ва набираларига тақсимлаб беради. Жанубий Сибир, Дашти қипчоқ, Итил (Волга) бўйи, Хоразм ва Дарбандгача бўлган улка Чингизхоннинг тунгич ўғли Жужига, кейин эса набираси Ботуга топширилди. Шарқий Туркистон, Еттисув ва Мовароуннаҳр Чигатойга теғди. Чингизхон узи тўғилиб усган Мўғулистонни, шунингдек Хитойни учинчи ўғли Уктойга берди. Кенжа ўғли Тулуга эса Хуросон, Эрон ва Ҳиндистон вилоятлари берилди.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ:

1. Чингизхон Марказий Осиёнинг қайси ҳудудини биринчи бўлиб эгаллаган?
 - А. Чочни
 - В. Утрорни
 - С. Янгикентни
 - Д. Хўжандни
 - Е. Жандни
2. Бухоро мўғул қўшинлари томонидан қачон забт этилади?
 - А. 1217
 - В. 1218
 - С. 1219
 - Д. 1220
 - Е. 1222
3. Чингизхон Марказий Осиёни босиб олиш учун уз қўшинларини турт қисмга бўлади. Узи бошчилигидаги қўшин каерни забт қилишга йўл олади?
 - А. Утрорни
 - В. Бухорони
 - С. Урганчни
 - Д. Хўжандни
 - Е. Термиз ва Жандни
4. Жужи бошчилигидаги қўшин Марказий Осиёни қайси ҳудудларини босиб олиш учун ҳаракат қилади?
 - А. Бухоро, Самарқанд, Хоразмни
 - В. Утрорни
 - С. Сигнок, Узган, Барчинликент, Жанд, Янгикент.
 - Д. Бинокат, Хўжанд
 - Е. Тўғри жавоб А ва Д

5. Урганч нечанчи йилда мўғуллар томонидан босиб олинди?

- A. 1218
- B. 1219
- C. 1220
- D. 1221
- E. 1223

6. Чингизхоннинг Марказий Осиёга ҳарбий юришлари йўналишини харитадан кўрсатинг.

7. Марказий Осиёга мўғул босқини ҳақида ёзилган ёзма асарларни таҳлил қилинг.

Мавзу бўйича мустақил иш топшириқлар:

- 1. Мўғуллар босқини йўналиш харитасини тузинг?
- 2. Бу даврга оид тарихий асарни мутолаа қилинг?

Мавзу бўйича асосий хулосалар:

- 1. Муғуллар давлатининг пайдо бўлиши ва унинг хусусиятлари таҳлил қилинди.
- 2. Мўғуллар босқинига қарши курашнинг аҳамияти кўрсатиб берилди.

Адабиётлар:

- 1. Ўзбекистон халқлари тарихи. 2 жилд. Т.:Фан, 1992. 248б.
- 2. Аҳмедов Б. Тарихдан сабоқлар – Т.:Ўқитувчи, 1996
- 3. Каримов Ш., Шамсутдинов Р. Ватан тарихи. – Т.:Ўқитувчи,1997
- 4. Сағдуллаев А. ва бошқ. Ўзбекистон тарихи: давлат ва жамият тараққиёти. - Т.:Академия, 2000
- 5. Ўзбекистон тарихи –Тошкент.: Янги аср авлоди, 2003й.
- 6. Ўзбекистон тарихи-Тошкент.: Молия. 2006й.
- 7. Вамбери Х. Бухоро ехуд Мовароуннаҳр тарихи.- Т., 1990.

6-МАВЗУ: АМИР ТЕМУР ВА ТЕМУРИЙЛАР ДАВЛАТИ

Фанни ўқитиш технологияси: “Амир Темур ва темурийлар давлати”

мавзусидаги маъруза машғулотининг технологик харитаси

| Т/р | Босқичлар ва бажариладиган иш мазмуни | Амалга оширувчи шахс, вақт |
|-----|---|----------------------------|
| 1 | <p>Тайёрлов босқичи:</p> <p>1.1 Дарс мақсади: Амир Темур давлати пайдо бўлишини айтиб бериш, XIV асрнинг иккинчи ярмида мамлакатдаги аҳвол, Амир Темурнинг ҳарбий юришлари натижасида империя ҳудудларининг кенгайиши ва талабаларга Амир Темур давлатининг тарихий аҳамиятини тушунтириш.</p> <p>1.2. Идентив мақсадлар:</p> <p>1.2.1. Амир Темур давлатини пайдо бўлиш сабабларини айтиб беради.</p> <p>1.2.2. Амир Темур давлати ҳудудларини кўрсатади.</p> | Ўқитувчи |

| | | |
|---|---|----------------------------------|
| | <p>1.2.3. Амир Темур империясининг кенгайишини таҳлил қилади.</p> <p>1.2.4. Амир Темур давлатига баҳо беради</p> <p>1.3. Асосий тушунча ва иборалар: Амир Темур давлати, Амир Темурнинг ҳарбий юришлари, Амир Темур давлатининг парчаланиши, Шоҳрух давлати, Мирзо Улугбек давлати.</p> <p>1.4. Дарс шакли: гуруҳ ва микрогуруҳларда.</p> <p>1.5. Фойдаланиладиган метод ва усуллар: суҳбат, маъруза-ҳикоя, баҳс, видеоусул.</p> <p>1.6. Керакли жиҳоз ва воситалар: Кўргазмали куруллар, харита, тарқатма материаллар.</p> | |
| 2 | <p>Ўқув машғулоти ташкил қилиш босқичи:</p> <p>2.1. Мавзу эълон қилинади.</p> <p>2.2. Маъруза бошланади, асосий қисмлари баён қилинади.</p> | Ўқитувчи, 15 минут |
| 3 | <p>Гуруҳда ишлаш босқичи:</p> <p>3.1. Талабаларга муаммоли савол беради.</p> <p>3.2. Талабалар фикри эшитилади, бошқа талабалар баҳсга чақирилади.</p> <p>3.3. Умумий хулосалар чиқарилади ва тўғрилиги текширилади.</p> <p>3.4. Умумий хулосага келинади.</p> | Ўқитувчи- талаба, 40 минут |
| 4 | <p>Мустаҳкамлаш ва баҳолаш босқичи:</p> <p>4.1. Берилган маълумотни талабалар томонидан ўзлаштирилганини аниқлаш учун куйидаги саволлар берилади:</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Амир Темур давлати ҳудудларини харитадан кўрсатинг. 2. Амир Темур давлати тўғрисида ёзилган асарларни таҳлил қилинг. 3. Амир Темурнинг саркардалик салоҳиятига баҳо беринг 4. Амир Темурнинг қўшин тузулишини тушунтириб беринг? <p>4.2. Энг фаол талабалар (баҳолаш мезони асосида) баҳоланади.</p> | Ўқитувчи, 15 минут |
| 5 | <p>Ўқув машғулоти яқунлаш босқичи:</p> <p>5.1. Талабалар билими таҳлил қилинади.</p> <p>5.2. Мустақил иш топшириқлари берилади.</p> <p>5.3. Ўқитувчи ўз фаолиятини таҳлил қилади ва тегишли ўзгартиришлар киритади.</p> | Ўқитувчи, 10 минут |

Ажратилган вақт – 2 соат.

Асосий саволлар:

1. Амир Темурнинг марказлашган давлат тузиши.
2. Амир Темурнинг саркардалик салоҳияти.
3. Темурийлар даврида Моворауннаҳр ва Хуросон.

Мавзу бўйича таянч тушунча ва иборалар:

Амир Темур давлати, Амир Темурнинг ҳарбий юришлари, Амир Темур давлатининг парчаланиши, Шоҳрух давлати, Мирзо Улугбек давлати.

1-асосий савол:

Амир Темурнинг марказлашган давлат тузуши.

ДАРСНИНГ МАҚСАДИ:

Амир Темур давлати пайдо бўлишини айтиб бериш, XIV асрнинг иккинчи ярмида мамлакатдаги аҳвол, Амир Темурнинг ҳарбий юришлари натижасида империя ҳудудларининг кенгайиши ва талабаларга Амир Темур давлатининг тарихий аҳамиятини тушунтириш.

ИДЕНТИВ ЎҚУВ МАҚСАДЛАРИ:

1. Амир Темур давлатини пайдо бўлиш сабабларини айтиб беради.
2. Амир Темур давлати ҳудудларини кўрсатади.
3. Амир Темур империясининг кенгайишини таҳлил қилади.
4. Амир Темур давлати ҳудудларини умумлаштиради.
5. Амир Темур давлатига баҳо беради.

1-асосий саволнинг баёни:

XIV аср ўрталарида мўғуллар ҳукмронлигига Қарши кўтарилган озодлик ҳаракатлар туркий уруғлар бошлиқларининг ҳокимиятни эгаллаш учун курашлари билан қўшилиб қудратли кучга айланди. Соҳибкирон Амир Темур тарихан ўта мураккаб вазиятда, XIV асрнинг 60-йилларида сиёсат майдонига чиқади. Бу даврда мўғул ҳукмдорлари ўртасида тожу-тахт, давлат ва мол-дунё учун бўлган курашлар шу даражада кучайиб кетадики, бу Чигатой улусига қарашли ҳудудларда феодал тарқоқликнинг авж олиб кетишига сабаб бўлади.

Маҳаллий вилоят ҳокимларининг ўзбошимчалик билан қилган ҳаракатлари натижасида Чигатой улусига қарашли Мовароуннаҳр ҳудудида ўнлаб мустақил бекликлар вужудга келади. Шаҳрисабзда - Хожи Барлос, Хўжандда - Баязид Жалоир, Балхда - Амир Хусайн, Шибирғонда - Муҳаммад Аперди Найман, Кухистонда - Амир Сотилмиш, Арханг саройда - Улжой Аперди ва бошқалар ўзларини ҳокими мутлақ деб ҳисоблашарди, бир-бирлари билан ёвлашиб салтанатни талон-тарож қилар эдилар. Бир томондан, мўғул хонлари томонидан ўтказилаётган зуғумлар, иккинчи томондан эса маҳаллий ҳокимлар ўртасида тухтовсиз давом этаётган низо ва урушлар ўлкани мушкул аҳволга солиб, оддий халқ турмушини оғирлаштирибгина қўйгани йўқ, айтилишига бой ва зодагонларнинг манфаатларига ҳам путур етказди. Шу боисдан ҳам ўлкада феодал тарқоқликка барҳам бериш, марказлашган кучли давлат ҳокимияти барпо этиш, сўнгра мўғулларнинг истибдодидан озод бўлишга интилиш ғояси тобора кучайиб боради. Халқни шу истак ва орзусини биринчилар каторида тушунган маҳаллий амирлардан бири Темурбек эди. Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, 1358 йилда амир Қозоғоннинг ўғли Абдуллоҳга Қарши кураш бошлаган мўғул амири Баён Сулдуз ёнида Хожи Барлос ҳам бўлган. Улар амир Абдуллоҳга Қарши иттифоқ тузиб, қўлга киритилган вилоятларни ўзаро тақсимлаб олиш шарти билан курашганлар. Улар уз ниятларини қисман амалга оширадилар. Баён Сулдуз билан Хожи Барлосдан енгилган Абдуллоҳ Андараб томонга кочиб кетади. Баён Сулдуз билан Хожи Барлос Мовароуннаҳр ерларини бир қисмини эгаллаб

оладилар ва уни ўзаро тақсимлаб идора эта бошлайдилар. Кеш вилояти Хожи Барлос ихтиёрига утади. Ана шу тариқа 1358 йилда қарийб бир ярим асрдан сўнг Мовароуннахрнинг бир қисмида ҳокимиятни бошқариш маҳаллий аҳоли вакили қўлига ўтади.

Темур 1370 йили Самарқандда ҳокимиятни қўлга киритди. У Мовароуннахрда мўғуллар ҳукмронлигига ва феодал тарқоқликка барҳам бериб, марказлашган давлат вужудга келтирди. Амир Темур 1371 йили Хоразмга юриш қилиб, Хоразмни эгаллайди. Мамлакатнинг Шарқий ва шимолий ҳудудлари нотинч эди. Мўғулистон ва Ок Ўрда, Шарқий Фарғона, Ўтрор, Ясси (Туркистон) ва Сайрам шаҳарларига хавф солиб, бу ҳудудларга тез-тез хужум қилар ва аҳолини талон-тарож қилар эди. Исёчи амирларга қарши шафқатсиз кураш олиб борди. 1370 йилнинг кузи ва 1371 йили баҳорида Зинда Чашмга зарба берилиб, Шибурғон вилояти бўйсундирилади. Балх ва Тошкент вилоятлари ҳам Амир Темур ҳокимиятини тан оладилар. Бу орада Амир Темур Мўғулистон ҳокими Қамариддин билан учрашади. 20 йил (1371-90) мобайнида Сохибқирон Мўғулистонга 7 марта юриш қилиб, мўғул ҳукмдорлари Анқатура ва Қамариддин устидан ғалаба қозонди. Бу даврда энг кучли хонлик Олтин Ўрда эди. Амир Темур Тўхтамишга Қарши 3 марта қўшин тортишга мажбур бўлди. 1389 йилда у Жиззахнинг Аччик мавзеида, 1391 йилнинг 18 июнида ҳозирги Самара ва Чистопол оралиғида жойлашган Қундузча дарёси водийсида, 1395 йилнинг 28 февралда Шимолий Кавказнинг Тарак дарёси бўйидаги жангларда Тўхтамишга қақшаткич зарба берди.

Амир Темур ҳарбий юришлари оқибатида қуйи Итил (Волга бўйи) , Сайрок Берка, Саройчик ва Хожитархон (Астрахан) каби шаҳарларни эгаллайди. Сарахс, Жом ва Кавсид шаҳарлари жангсиз таслим бўлади. 1381-1384 йилларда Эроннинг катта қисми эгалланади. Амир Темур Эрон, Озарбайжон, Ироқ ва Шом (Сурия) устига 3 марта аскар тортди. Уч йиллик (1386-1389) ҳарбий юришлар оқибатида Шом, Озарбайжон, Ироқнинг шимолий қисми, Гуржистон ва Арманистондаги Ван кули атрофидаги ерларни эгаллайди. У беш йиллик (1392-1396) уруш давомида Фарбий Эрон, Ироки Ажам ва Кавказни эгаллайди. 1399-1404 йиллардаги 7-йиллик уруш даврида Шомнинг Халаб, Кумис, Баалбек, Дамашк каби йирик шаҳарлари ва Ироки Арабнинг Хубилистон ўлкаси билан Боғдод, шунингдек Туркиянинг катта қисми фатҳ этилади. 1402 йили 20 июлда Анқара жанги бўлади. Унда Амир Темур Боязид устидан ғалаба қозонади.

МУҲОКАМА УЧУН САВОЛЛАР:

1. Мовароуннахрда ҳокимиятни бошқариш мўғуллар истилосидан кейин қачон маҳаллий аҳоли вакили қўлига ўтади?

- A. 1350 й
- B. 1360 й
- C. 1358 й

- Д. 1365 й
- Е. 1348 й

2. Амир Темур Мўғулистон хонини енгилш учун неча марта юриш қилган?

- А. 5 марта
- В. 7 марта
- С. 3 марта
- Д. 8 марта
- Е. 10 марта

3. Амир Темур 1391 йил 18 июнида Қундузча водийсида кимни мағлубиятга учратган?

- А. ИлесХўжани
- В. Султон XVсайнни
- С. Тухтамишни
- Д. Султон Боязидни
- Е. Зинда Чашмни

4. Амир Темур Тухтамишни мағлубиятга учратганлиги натижасида қайси хуудлар Амир Темур давлатига қўшиб олинди?

- А. Шимолий Россия, Жанубий Хитой хуудлари
- В. куйи Итил, Сарой Берка, Саройчик, Астрахан
- С. Жанубий Туркменистон, Ғарбий Эрон, шимолий Афғонистон
- Д. Кичик Осие, Жанубий Эрон, Шарқий Ҳиндистон
- Е. Тўғри жавоб А ва Д

5. Амир Темурнинг етти йиллик (1399-1404) ҳарбий юришлари натижасида қайси хуудлар Амир Темур давлатига қўшиб олинди?

- А. Хирот, Сарахс, Жом ва Кавсия
- В. Шом, Озарбайжон, Ирокнинг шимолий қисми
- С Ғарбий Эрон, Ироки Ажам, Кавказ
- Д. Халаб, Кумис, Баалбек, Дамашк, Багдод, Туркиянинг катта қисми
- Е. Тўғри жавоб А ва С

6. Амир Темур давлати хуудларини харитадан кўрсатинг.

7. Амир Темур давлати тўғрисида ёзилган асарларни таҳлил қилинг.

2-асосий савол:

Амир Темурнинг саркардалик салоҳияти.

Дарс мақсади:

Амир Темур давлатининг давлатчилик тарихида ўрни, саркардалик салоҳиятини, унинг ички ва ташқи сиёсатининг асосий хусусиятларини очиб бериш ва талабаларда миллий ғурур туйғуларини шакллантириш.

ИДЕНТИВ ЎҚУВ МАҚСАДЛАРИ:

- 1 Амир Темурнинг давлатчилик тарихида тутган ўрнини очиб беради.
- 2 Амир Темурнинг саркардалик салоҳиятига баҳо беради.
- 3 Темурийлар давлати ҳудудларини билади.

2-асосий саволнинг баёни:

Амир Темур атокли ҳарбий ташкилотчи ва буюк саркарда эди. У уз вақтида интизомли армия тузишга уни моҳир қўмондонлар билан таъминлашга жанг чоғида қисмларни санъаткорона бошқаришга маҳораба такдирини ҳал этувчи жойларга кўмак кучларини ўз вақтида усталик билан йуллашга ҳар қандай тўсиқ ва ғовлардан тадбиркорлик билан ўтишга эришди. Душман мудофасини турли усуллар билан яқсон қилиш қилиш ғаним мамалакатларнинг марказий ва йирик шаҳарларига қўқисидан кучли зарба бериш мустаҳкам иншоотларга эга бўлган калъа кургон ва ҳисорларни узок муддат қамал қилиш душман кучларини иложи бориша кенг кўламда қуршовга олиш (ракибни) душман кучларини таъқиб қилиш каби стратегик режаларни кўзлаб иш юритиш – Соҳибкиронга кўплаб ғалабалар олиб келди. Амир Темур армияси тактик усуллари жиҳатидан ўзига хос хусусиятларга эга эди. Разведка эса аъло даражада йўлга қўйилган эди қисмлараро алоқа юқори савияда бўлиши ҳарбий бошлиқларнинг тўғри танланганлиги (маҳораба) ғалабага салмоқли таъсир кўрсатган.

Амир Темурнинг муҳрида ва узугида ҳам иккита сўз «Ростий ва Растиий лари бор эди. Бу эса куч адолат ва озодликда,¹-демақдир.

Соҳибкирон армиясида мунтазам кўшинга хос булган кўпгина белгилар мавжуд эди. Кўшин сон жиҳатидан аниқ ва пухта ташкил этилган, унинг жанговор тартиби – ясол такомил даражасига кўтарилган, кўшин ўз замонининг илғор қурол-яроғи, техникаси билан қуролланган, ҳар бир қисм, бўлинма айнан бир турдаги қурол-яроғ, техника-анжом билан таъмин этилган. Бўлинмалар, қисмлар бир-биридан кийим-боши, кўтарган байроғи, хатто минган отининг туси орқали ҳам фарқланган. Амир Темур тоғли ҳудудларда жанг ҳаракатлари олиб бориш қобилиятига эга бўлган пиёдалардан тузилган махсус ҳарбий қисмларни ташкил этди.

Юришлар олдидан Соҳибкирон арқони давлат, Вазирлар, саркардалар, амирзодалар, беклар ва амирларни ҳарбий кенгаш – машваратга тўплаган, сўнгра аскар йиғиш учун махсус буйруқ эълон қилинган, қисмлар ҳарбий кўрикдан ўтказилган.

Сохибқирон ташкил қилган қудратли ва интизомли армия, жаҳоннинг ўша вақтдаги энг илгор армияси сифатида, хатто ҳозирга қадар ҳам буюк саркардалар ҳарбий мутахассислар, тарихчи олимлар томонидан эътироф этилмоқда.

Амир Темур ҳақида Якубовский А.Ю қуйидаги сифатларини, яъни шахсий довюраклиги, сахийлиги, одамларни ажрата билиши ва ўзига ёрдамчилар танлай билиши, етакчи ролидаги қобилиятини алоҳида таъкидлайди. Бундан ташқари унинг юксак ташкилотчилиги. кучли иродага эга эканлиги ҳамда чуқур зиддиятларга эга арбоб сифатида таърифланади. Амир Темур ички ва ташқи сиёсатида асосан қўшинига суянган. У ҳарбий куч билан забт этилган мамлакатлар халқларини зўрлик ва ишонч орасида ушлаб турарди. Шунинг учун ҳам у ҳарбий ислоҳга, айниқса қўшин бошлиқларини танлаш ва уларни тарбиялаш, лашқарий қисмлар ва уларнинг жойлашиш тартиби, навқар ва сарбозларнинг қуролланиши ҳамда ички интизом масалаларига ниҳоятда катта аҳамият берган.

Темур қўшини ўнталик аскарый бирикмалар асосида тузилган лашқарлардан иборат эди. Лашқар «Туман»-ўн минглик, «хазора»- минглик, «хушун»-юзлик ва «айл»-ўнлик бирикмаларига бўлинган. Туманларда аскарларнинг сони ўн минг, қўшинда юз минг нафардан ортиқ бўлган. Амир Темурнинг ўн минглик лашқарини бошқариш учун «туман оғаси», минглик бўлинмалар учун «мирихазора», юзликлар каби ҳарбий мансабларни жорий этди. Уларнинг ҳақ-хуқулари, ойлик маоши белгилаб берилган. Бўлинма бошлиқлари – амирлар Темурга тобе бўлган қирқ аймақ (қабил)дан ўн иккитаси: барлос, арғин, жалоир, тулкичи, дўлдой, муғул, сулдуз, туғой, қипчоқ, арлот, татар ва торхонлар орасидан сайлаб олинган. Амирлик мартабаси Темур фаолиятининг дастлабки йилларида унга содиқ бўлган 313 нафар кишига берилган. Булардан биттаси-амир ул-умаро, тўрттаси бекларбеги, юзтадан-мингбоши, юзбоши ва ўнбоши бўлган. Бундан ташқари яна ўн икки нафар кишига биринчидан то ўн иккинчи даражали амирлик унвонлари берилган. Ўн иккинчи даражали амир одатда амир ул-умаронинг (ноиб) ёрдамчисига ҳисобланган. Ўн икки амирнинг ҳар бирига биттадан байроқ ва биттадан ноғора, амир ул-умарога бир байроқ, ноғора-ўн минглик қўшин-туғ ва чортуғ, тўрт нафар берларбегининг ҳар бирига биттадан байроқ, ноғора, чортуғ ва бурғу (қарнай) берилган.

Абдураззок Самарқандийнинг ёзишича, ҳарбий сафарда Амир Темур қўшинидаги ҳар бир жангчи ўзи билан бир йилга етадиган озиқ-овқат, камони билан ўттиз ўкли садок, совут, найза ва қалқон олган. Ҳар икки суворийнинг битта захира чопқур оти, урдугоҳда ҳар бир «айл»-ўнлик қисмда биттадан чодир, қозон, кетмон, ўроқ, болта, бигиз, иккитадан белқурак, юзтадан игна, ярим ман арқон, битта ошланган пишиқ тери бўлиши шарт эди. Ҳарбий сафарбарлик вақтида ҳар бир вилоят олдиндан белгилаб қўйилган асосий «асл» ҳамда захира «изофа», яъни «резерв». Қўшимча қисмларни тўплаб берарди.

Вилоятлар тошотар (сангандоз), девор бузувчи (манжаник), ўқ отадиган (раъандоз ва нафтандоз) ҳамда ўзиотар курулларни ишлата биладиган жангчиларни тайёрлаб берарди. Аскарый қисмларни вилоятлардан тўплаш билан товочи мансабидаги амалдорлар шуғулланар эди.

Амир Темур амир лашкарларга алоҳида эътибор берар эди. Ҳар бир зобит (бўлинманинг хушун ёки айлбошиси) жанг қилиш услубларини яхши билиши фарз саналган. Оддий навкар низомни қатъий бажаришга мажбур бўлиб, жангда у аёвсиз ва довюрак бўлиши, омонлик қилган душманга эса юмшоқ муомала қилиши ва адолатли бўлиши лозим ҳисобланган. Қўшинлар ҳарбий юришга чиққан вақтда, айниқса интизомга қаттиқ риоя қилинар эди. Ҳар бир бўлинманинг айлбоши, хушунбошиси, туман оғаси ва қўшин амири ўз ўрнини яхши биларди ва унга қатъий риоя қиларди. Сафарда энг олдинда ҳар бир қўшин қисмлари билан энг довюрак ва ботир аскарлардан танлаб олинган хабаргири яъни хабарчилар деб юритилган. Айгокчи-кузатувчилар бўлинмаси юрган. Хабарчилар орқасидан эса соқчилар бўлинмаси, «ясовул» борган. Қўшиннинг асосий қисмлари олдида «манглай»-авангард қисмлар ҳаракатда бўлган. Манглай асосий кучлардан, баъзан эса бир неча туманлардан иборат булган. Манглай билан қўшиннинг асосий қисмлари оралиғида эса қўмондоннинг қароргоҳи ва унинг ён атрофида изофа, яъни захира қисмлар жойлашган. Махораба жанг оқибатини ана шу захира қисмлар ҳал қилган. Юриш вақтида қўшинлар олдида алоҳида йўл бошловчилар-«кучорчилар» гуруҳи бўлган. Кучорчиларни қўшин қисмлари ўртасида Амир Темурнинг ўзи тақсимлаб берган. Амир Темурнинг қўшини асосий жанговор қисми-марказ ҳамда унг қанот (барангар) ва сўл қанот (жавангар)лардан иборат бўлган. Ҳар бир қанотнинг олдида қўриқчи манглай-авангард, ён томонларда ҳам қўриқчи аскарый қўшилмалар-«канбул»лар бўларди. Шу тариқа Амир Темур қўшини етти қисм-«қўл» лардан иборат бўлиб, булардан учтаси: Марказ, баранғор, жавноғорлар мустакил ҳаракат қилган. Тўрттаси: иккита манглай ва иккита канбулларга тобе қисмлар эди. Шундай қилиб, Амир Темур ўз замонасининг энг кучли ва жанговор қўшинини ташкил қилди. Аскар бошлиқлари ва навкарларини қаршилик кўрсатувчи кучларга нисбатан бешафқат руҳида тарбиялашга муваффақ бўлди. У жанг қилишнинг янги усул ва йўлларини қўллади.

Забт килинган мамалакатларда норозилик билдирган ёки қўзғолон кўтарган кишиларни шафқатсиз жазолади. Кўпинча кутилган хавф рўй бермасдан туриб, унинг олдини олиш чораларини кўрди.

Амир Темур ўзининг кенг қўламли юришларида қўллаган ҳарбий техникани ҳам жуда яхши ва тўла тўкис билган. Мисол учун, Хиндистонда Амир Темур аскарлари ҳарбий филлар билан тўқнаш келиб қолганида ва уларга қарши боришга чўчиб турганларида, Амир Темур ўз жангчиларига чуқурлар казиб, у ерга учли симлар ўралган устунлар қоқишни ва уларга шохларига хашак қўйилган буқаларни боғлаб қўйишни буюради. Бу тадбир эса жангда Амир Темур

қўшинларининг ғалабасини таъминлаган ва у филларнинг жуда кўп қисмини қўлга киритиб, ўз ҳарбийлари қаторига қўшиб олган.

Амир Темур ўз ҳарбий юришларида нефт билан тўлдирилган Мунгул қозонларидан ҳам фойдаланган.

Амир Темурда жанг пайтида энг зарур пайтда керакли жойда бўла олишдек, ажойиб хусусият ҳам мавжуд эди. Бу унга душманлари унинг мақсадини билиб олишга улгурмасдан, ўз вақтида оқилона қарорлар қабул қилиш ва уларнинг бажарилишини назорат қилиш имконини берарди. Боз устига, жанг майдонида унинг шахсан иштироки, энг оғир дамларда ҳам жангчиларини аниқ бўлиб қолган мағлубиятдан, кўпинча қутқариб ҳам қолган.

Амир Темур турли пайтлардан усталик билан фойдалана олган тадбиркор, ташкилотчи ва ҳарбий қобилият эгаси ҳам бўлган. У ўз душманининг заиф томонларини аниқлаб, унга қарши қачон ҳужум қилиш кераклигини ҳам олдиндан билган. Амир Темурнинг ҳарбий истеъдоди асосан икки йўналишда, моҳир ҳарбий ташкилотчи ва атоқли саркарда тарзида ёрқин намоён бўлди.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ:

1. Амир Темурнинг айл бўлинмаси нимани англатган?

- А. Юзлик
- В. Минглик
- С. Ўнлик
- Д. Ўн минглик

2. Темур қўшинини неча қўлга бўлиб бошқарган?

- А. Беш қўл
- В. Олти қўл
- С. Етти қўл
- Д. Тўрт қўл

3. Амир Темурнинг саркардалик салоҳиятига баҳо беринг

4. Амир Темурнинг қўшин тузулишини тушунтириб беринг?

3-асосий савол:

Темурийлар даврида Мовароуннаҳр ва Хурроссон..

Дарс мақсади:

Амир Темурдан кейинги темурийлар давлати, Шоҳрух давлати, Улугбек давлати, Улугбекнинг ҳарбий юришлари, Улугбек фожиасидан кейин темурийлар давлатидаги ахволни очиб бериш ва талабаларда миллий гуруҳ туйғуларини шакллантириш.

ИДЕНТИВ ЎҚУВ МАҚСАДЛАРИ:

3.1. Шоҳрух ва Улугбек давлатлари пайдо бўлиш сабабларини айтиб беради.

- 3.2. Шоҳрух ва Улугбек ҳукумронлиги даврига баҳо беради.
- 3.3. Улугбек "фожиасидан" кейин Хуросон ва Мовароуннаҳр давлатларини таҳлил қилади.
- 3.4. Темурийлар давлати ҳудудларини умумлаштиради.
- 3.5. Темурийлар давлати инқирози сабабларини билади.

3-асосий саволнинг баёни:

Амир Темур салтанатини турт улусга бўлди. Тунгич ўғли Жаҳонгирга Балх вилояти, иккинчи ўғли Умаршайхга Форс вилояти, учинчи ўғли Мироншоҳга Озарбайжон, Ироқ ва Арманистон, тўртинчи ўғли Шоҳрухга Хуросон, Журжон, Мозандарон, Сейстон берилди.

Темур вафотидан сўнг Хуросонда Шоҳрух, Балх, Ғазна ва Кандаҳорда Пирмуҳаммад, Ғарбий Эрон ва Озарбайжонда Мироншоҳнинг ўғиллари Умаршайх Мирзо билан Абубакр Мирзолар ҳокими мутлақ бўлиб олади. Сирдарёдан шимолда жойлашган мамлакатлар: Туркистон, Сарбон, Утрор, Сайрам амир Бердибекнинг тасарруфида қолади. Ўратепа билан Фарғонани амир Худойдод Хусайний эгаллаб олади. Хоразмни эса Олтин Ўрданинг нуфузли амирларидан Идику Ўзбек эгаллаб олади.

Бу даврдаги йирик давлатлардан бири Амударёдан жанубда Шоҳрух давлати жойлашган бўлиб, унинг маркази Хирот шаҳри эди. Иккинчиси эса Амударёдан шимолда Мовароуннаҳр ва Туркистонда вужудга келган Улугбек давлати бўлиб, Самарқанд унинг пойтахти эди.

Улугбек давлати жанубда Амударё, Ғарбда Бухоро воҳасига туташиб кетган Урганжий дашти (Марказий Қизилкум)нинг Шарқий ҳудудлари, шимолда Сирдарёнинг қуйи оқимидаги Сигноқ ва Ўтрор шаҳарлари, Шарқ ва шимоли-шарқда Шарқий Туркистон билан чегараланган. Улуғбек гарчи Мовароуннаҳр билан Туркистоннинг ҳокими деб эълон қилинсада, аслида унинг ҳокимияти, даставвал фақат Самарқанд, Бухоро ва Насаф вилоятлари билангина чекланади. Чунки Шоҳрух аввал бошдан Фарғонани то Узгангача Амирак Аҳмадга, Хисори Шодмонни Муҳаммад Жаҳонгирга инъом қилиб, Улугбекни бирмунча чеклаб қўяди.

Бунинг устига Туркистон Шайх Нуриддиннинг тасарруфида эди. Ўша вақтда у на Улугбек ва на Шоҳрухни тан оларди. Шунинг учун ҳам ҳали мамлакат нотинч эди.

Мамлакатда маълум даражада ҳокими мутлақ бўлиб олган Улугбек эндиликда Фарғонани амакиваччаси Амирак Аҳмад қўлидан тортиб олиб, бу ўлкада ўз ҳукумронлигини ўрнатишга интилади. Ўз мақсадини амалга ошириш учун дастлабки мустақил ҳаракатни 1414 йилда Фарғонага юришдан бошлайди.

Улугбекнинг қўшинига бас келолмаган Ахмад жангсиз Андижон ва Ахсини топшириб, Ўш ва Олой орқали Қашғарга қочади.

Улугбек 1415 йилда Фарғонага иккинчи марта қўшин тортади. Улугбек отасининг ризолиги билан 1425 йилнинг эрта баҳорида Мўғулистон устига юриш бошлайди. Иссиққўл яқинидаги тўқнашувда Улугбек мўғуллар устидан ғалаба козонади.

Улугбек умрининг охирларида XV асрнинг 30-40 йилларида отаси Шоҳрух билан Дашти қипчоқнинг Шарқий қисмида истиқомат қилувчи аҳолини ўзига бўйсундирган Абулхайрхонга қарши курашишга тўғри келади (1428-1468). Бу кўчманчилар ҳар йили қиш фаслида Мовароуннаҳрга бостириб кириб, ўтроқ аҳолини ғорат қилиб қайтардилар. Масалан, Абулхайрхон етакчилигида 1431 ва 1435 йиллари Хоразмга бостириб кириб, унинг ғарбий қисмини Урганч билан қўшиб забт этадилар. Бирок Дашти қипчоқ кўчманчилари ва Абулхайрхон билан курашиш Улугбек ва Шоҳрух Мирзолар учун енгил кечмайди.

Шоҳрух вафотидан кейин авж олиб кетган сиёсий кураш шухратпараст ва разил Абдуллатифни жаҳолатпарастлик ботқоғига ботириб қўяди. Уни езув инсонга, ўз отасининг қотилига айлантириб қўяди. Улугбек қатл этилиб, орадан бир неча кун ўтгач, тахт даъвогарларидан қутилиш мақсадида у уз иниси Абдулазизни ҳамда отасига содик бўлган амирларни ўлдириб, темурийларнинг Мовароуннаҳрдаги тожу тахтини батамом эгаллаб олади. Гарчи ҳокимият Абдуллатиф ва унинг тарафдорлари томонига ўтган бўлса ҳам, бу каттол падари бузруквори тахтида узоқ вақт ўтиролмади. Орадан олти ярим ой ўтар ўтмас, Абдуллатифга Қарши саройда фитна уюштирилади, у 1450 йил 9 май куни ўлдирилади. Бу қабих қотилнинг калласи танасидан жудо қилиниб, Регистон майдонида Улугбек мадрасасининг пештоқига осиб қўйилади.

Темурийлар давлатининг Хуросон қисми бу даврда Шоҳрухнинг невараси Абулқосим Бобур тасарруфида эди. 1457 йилгача у Хуросонни ўз қўлида тутиб туради. Ҳар иккала давлатлар ўртасида низо кучли бўлиб, Хуросонда сиёсий тарқоқлик жуда авж олиб кетади. Темурийлар даври муаррихларининг ёзишича, бу даврда Хуросон 11 бўлакка ажралиб кетади. Улар ўртасида уруш-талашларнинг тўхтовсиз давом этиши, аҳолининг моддий ва маънавий ҳаётига қаттиқ путур етказиб, иқтисодий жиҳатдан давлатни ниҳоятда танг аҳволга тушириб қўйган эди. Абулқосим Бобур Хуросонни батамом ўз тасарруфига кирита олмаган бўлса ҳам, ҳар ҳолда майда феодалларнинг мустақил ҳокимлигига барҳам беради. Бирок 1457 йилда Абулқосим Бобур вафот қилгач, вазият янада мушкуллашади. Хоразмни эгаллаб олган Султон Хусайннинг исёнлари ҳаммадан кўпроқ ташвишлантиради. Бу даврда Хирот тахти Абусаид қўлида эди. Абусаиддек кучли ҳокимга Қарши курашиш кийин бўлсада, Султон Хусайн XV аср 6-йилларида Хуросонда пайдо бўлади. 1469 йилда Абусаид Озарбайжон, Ғарбий Эрон ва Ироккача бўлган вилоятларни эгаллаб турган туркманларга қарши юриш қилади. Озарбайжондаги Муғон чўлидаги жангда Абусаид халок бўлади. Отаси ўлимидан

сўнг Абусаид ворислари Султон Хусайн билан тўқнашишга журъат эта олмай, Мовароуннахрга қайтадилар. 1469 йил 24 мартда Султон Хусайн Хуросоннинг ҳокими сифатида тантана билан Хиротга кириб боради. Натижада Темурийлар давлати яна икки қисмга: Султон Хусайн хукмронлигидаги Хуросон ва Мовароуннахрга бўлиниб кетади.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ:

2. Шоҳрух давлатининг пойтахти қайси шаҳар бўлган?

- А. Балх
- В. Хирот
- С. Астробод
- Д. Марв
- Е. Самарқанд

3. Улугбек давлати каерда пайдо бўлди?

- А. Эрон ва Озарбайжонда
- В. Хуросонда
- С. Мовароуннахр ва Туркистонда
- Д. Эрон ва Туркманистонда
- Е. Тўғри жавоб В ва Д

4. 1414 йилда Улугбек каерга ҳарбий юриш қилади?

- А. Шарқий Туркистонга
- В. Бухорога
- С. Мўғулистонга
- Д. Фарғонага
- Е. Хуросонга

5. Улугбек вафотиданг сўнг Самарқандда ҳокимиятга ким келади?

- А. Пирмуҳаммад
- В. Халил Султон
- С. Мирзо Абдулло
- Д. Султон Абусаид
- Е. XVсайн Бойкаро

6. Улугбек давлатининг пойтахти.

- А. Тошкент
- В. Хирот
- С. Самарқанд
- Д. Балх

Е. Бухоро

7. Шоҳрух ва Улугбек давлати ҳудудларини ҳаритадан топинг.
8. Шоҳрух ва Улугбек давлатлари тўғрисида маълумотларни таҳлил қилинг.

Мавзу бўйича мустақил иш топшириқлар:

Амир Темур давлати ҳақидаги манбалар рўйхатини тузинг?

Манбалардан конспект қилин?

Мавзу бўйича асосий хулосалар:

1. Амир Темур давлатининг давлатчилик тарихидаги аҳамияти кўрсатиб берилди.
2. Темурийлар давлатининг ўзига хос хусусиятлари ёритилди.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон халқлари тарихи. 2 жилд. Т.:Фан, 1992. 248б.
2. Аҳмедов Б. Тарихдан сабоқлар – Т.:Ўқитувчи, 1996
3. Каримов Ш., Шамсутдинов Р. Ватан тарихи. – Т.:Ўқитувчи,1997
4. Сагдуллаев А. ва бошқ. Ўзбекистон тарихи: давлат ва жамият тараққиёти.- Т.:Академия, 2000
5. Ўзбекистон тарихи –Тошкент.: Янги аср авлоди, 2003й.
6. Ўзбекистон тарихи-Тошкент.: Молия. 2006й.
7. Аҳмедов Б. Амир Темур.- Т., 1995.
8. Ибн Арабшоҳ. Амир Темур тарихи.- Т., 1992.

7-МАВЗУ: АМИР ТЕМУР ВА ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИДА ИЖТИМОЙ – ИҚТИСОДИЙ ВА МАДАНИЙ ҲАЁТ.

Фанни ўқитиш технологияси: “Амир Темур ва темурийлар даврида ижтимоий – иқтисодий ва маданий ҳаёт” мавзусидаги маъруза машғулотининг технологик харитаси

| Т/ Р | Босқичлар ва бажариладиган иш мазмуни | Амалга оширувчи шахс, вақт |
|---------|--|----------------------------|
| 1 | <p>Тайёрлов босқичи:</p> <p>1.1 Дарс мақсади: Амир Темур ва темурийлар даврида ижтимоий-иқтисодий мунособатлар, қишлоқ хўжалиги, савдо, хунармандчиликнинг ривожланиши ҳақида билим бериш. Талабалар онгида тарихий тафаккурни шакллантириш, миллий ғурур, ватанпарварликни ҳиссини тарбиялаш</p> <p>1.2. Идентив мақсадлар:</p> <p>1.2.1. Амир Темур даврида Мовароуннаҳрда аҳолининг яшаш даражаси ва шароитини айтиб беради.</p> <p>1.2.2. Давлатдаги ижтимоий қатламларни айтиб беради.</p> <p>1.2.3. Қишлоқ хўжалиги ва савдонинг ривожланишини тушунтиради.</p> <p>1.2.4. Темурийлар даврини бошқа даврлар билан таққослайди.</p> <p>1.3. Асосий тушунча ва иборалар: Амир Темурнинг солиқ сиёсати, савдо мунособатлари, хунармандчилик, меъморчилик, санъат, илм-фан, Улугбек</p> | Ўқитувчи |

| | | |
|---|---|----------------------------------|
| | <p>академияси, Алишер Навоий ижоди.</p> <p>1.4. Дарс шакли: гуруҳ ва микрогуруҳларда.</p> <p>1.5. Фойдаланиладиган метод ва усуллар: суҳбат, маъруза-ҳикоя, баҳс, видеоусул.</p> <p>1.6. Керакли жиҳоз ва воситалар: Кўргазмали қуроллар, харита, тарқатма материаллар.</p> | |
| 2 | <p>Ўқув машғулоти ташкил қилиш босқичи:</p> <p>2.1. Мавзу эълон қилинади.</p> <p>2.2. Маъруза бошланади, асосий қисмлари баён қилинади.</p> | Ўқитувчи, 15 минут |
| 3 | <p>Гуруҳда ишлаш босқичи:</p> <p>3.1. Талабаларга муаммоли савол беради.</p> <p>3.2. Талабалар фикри эшитилади, бошқа талабалар баҳсга чақирилади.</p> <p>3.3. Умумий хулосалар чиқарилади ва тўғрилиги текширилади.</p> <p>3.4. Умумий хулосага келинади.</p> | Ўқитувчи- талаба, 40 минут |
| 4 | <p>Мустаҳкамлаш ва баҳолаш босқичи:</p> <p>4.1. Берилган маълумотни талабалар томонидан ўзлаштирилганини аниқлаш учун қуйидаги саволлар берилади: -Амир Темурнинг ички ва ташқи савдони ривожлантиришдаги хизматларини айтиб беринг? -Темур даврида солиқ тизимига баҳо беринг? -Темурийлар даврига оид қандай асарларни ўқигансиз? -Темурийлар даври маданиятига баҳо беринг?</p> <p>4.2. Энг фаол талабалар (баҳолаш мезони асосида) баҳоланади.</p> | Ўқитувчи, 15 минут |
| 5 | <p>Ўқув машғулоти яқунлаш босқичи:</p> <p>5.1. Талабалар билими таҳлил қилинади.</p> <p>5.2. Мустақил иш топшириқлари берилади.</p> <p>5.3. Ўқитувчи ўз фаолиятини таҳлил қилади ва тегишли ўзгартиришлар киритади.</p> | Ўқитувчи, 10 минут |

Ажратилган вақт – 2 соат.

Асосий саволлар:

1. Амир Темур ва темурийлар давлатида ижтимоий –иқтисодий масалалар.
2. Амир Темур ва темурийлар даври маданияти

Мавзу бўйича таянч тушунча ва иборалар:

Амир Темурнинг солиқ сиёсати, савдо мунособатлари, хунармандчилик, меъморчилик, санъат, илм-фан, Улуғбек академияси, Алишер Навоий ижоди.

1-асосий савол:

3. Амир Темур ва темурийлар давлатида ижтимоий –иқтисодий масалалар.

Дарснинг мақсади:

Амир Темур ва темурийлар даврида ижтимоий-иқтисодий мунособатлар, қишлоқ хўжалиги, савдо, хунармандчиликнинг ривожланиши ҳақида билим бериш. Талабалар онгида тарихий тафаккурни шакллантириш, миллий ғурур, ватанпарварликни ҳиссини тарбиялаш.

ИДЕНТИВ ЎҚУВ МАҚСАДЛАРИ:

- 1.1. Амир Темур даврида Мовароуннаҳрда аҳолининг яшаш даражаси ва шароитини айтиб беради.
- 1.2. Давлатдаги ижтимоий қатламларни айтиб беради.
- 1.3. Қишлоқ хўжалиги ва савдонинг ривожланишини тушунтиради.
- 1.4. Темурийлар даври ренесанси унинг ўзига хос хусусиятларини тушунади.
- 1.5. Темурийлар даврини бошқа даврлар билан таққослайди.
- 1.6. Моддий ва манавий маданиятнинг тарақиётини изоҳлайди

1-асосий саволнинг баёни:

Амир Темур тузган бу давлат барча ижтимоий табақаларга суянган ва қонун асосида бошқариладиган янги бир давлат эди. «Салтанатим биносини, -деб ёзади Амир Темур, - дини ислом, ва тузук (қонун-қоида) асосида муцаҳкамладим. Салтанатимни бошқаришда учраган ҳар қандай ишни тузукка биноан қилдим». Темурдан кейинги унинг издошлари ҳам бошқарув санъатига амал қилиб, уни такомиллаштиришди. Айниқса, Мирзо Улуғбек даврида бу нарса яққол кўринди.

Мовароуннаҳрнинг қадимий иқтисодий, маданий шухратини тиклаш йилларида унинг маънавий салоҳияти янада камол топди ва ижтимоий ҳаётда тўлалигича намоён бўлди. Шунинг учун ҳам мамлакат ижтимоий ҳаётининг барча томонлари, давлат идора тизими, иқтисодий, молиявий, деҳқончилик, хунармандчилик, савдо, маданият, фан, меъморчилик, ҳарбий масалалар, халқаро алоқалар, ислом дини, шариат ва бошқа соҳалар мақсадга мувофиқ ривожланди. Амир Темур давлатни бошқаришда, унинг ички ва ташқи сиёсатини белгилашда, халқ оммаси, мансабдор шахслар, олим-у фузалолар, ислом раҳнамоларига муносабатда Аллоҳга, иймонга, тафаккурга, китобга ва энг сўнгги чора сифатидагина қиличга асосланиб иш юритди, ҳукм чиқарди. Демак, Амир Темур буюк давлат арбоби ва юксак маънавиятга эга бўлган доно ҳукмдор бўлиб, ҳам сиёсий, ҳам маънавий жиҳатдан жуда катта тарихий аҳамиятга эгадир. Зеро:

Амир Темур XIV асрдаёқ мамлакат ва минтақалараро муносабатларни чуқурлаштириб, ягона иқтисодий маконга бирлаштиришга ҳаракат қилди. Интеграцияни ишлаб чиқиб, Буюк Ипак йўли ўтган мамлакатлар ўртасида маданиятлар мулоқотини бошлаб берди.

2. Амир Темур давлат тизими ва бошқарувни ташкил этишда ўзига хос мактаб яратди, адолатли жамият қарор топтиришда қонун усуворлигига риоя қилди.

3. Амир Темур давлатчилик тамойилларини ривожлантирди, уни ақл-идрок салоҳиятига таяниб, тактик ва стратегик асосда шакллантирди;

4. Амир Темур салтанати маънавият ва олий даражадаги маданиятга суғорилган салтанат эди.

Амир Темур давлатни бошқаришда ўзидан аввал ўтган ҳукмдорлардан фарқ қилиб, давлат ва мамлакатни бошқаришда 1 ёки 2 табақага эмас, балки аҳолининг

барча табақаларига суянди. «Темур тузуклари»да айтилишича, давлат асосини 12 ижтимоий тоифа ташкил қилади:

1) саййидлар (пайғамбар авлодлари), уламо, машойих, фозил кишилар; 2) ишбилармон, донишманд кишилар; 3) художож, дарвеш, қаландарлар; 4) ноёнлар- амирлар, яъни ҳарбий кишилар, мингбошилар; 5) сипоҳ ва раият; 6) махсус ишончли кишилар; 7) вазирлар ва саркотиблар; 8) ҳақимлар ва табиблар, мунажжимлар ва муҳандислар; 9) тафсир ва ҳадис олимлари; 10) аҳли ҳунар ва санъатчилар, ҳунарманд, косиблар; 11) софийлар; 12) тожир (савдогар) ва сайёҳлар хориж билан савдо-сотик. Унинг тақдирини 3 нарса: подшоҳ, ҳазина ва аскар ҳал қилади. Қўшин, асосан, ўн, юз, минг ва туманга боълинган, ўн кишилиқ ҳарбий бўлинма тепасида турган бошлиқ- ўнбоши, шунингдек... юзбоши, мингбоши, туман бошлиғи, нўён деб аталган. Асарда уларнинг ҳақ ҳуқуқлари, ойлик маоши ҳам аниқ кўрсатилган. Масалан, оддий сипоҳ минган отининг баҳоси бараварида, баҳодирлар 2-4 от бараварида ва ҳ.к. маош олишган.

Амир Темур даврида Мовароуннаҳрда аҳолининг яшаш даражаси ва шароити яхшиланган. Ягона марказлашган давлат барпо этгунча Ўрта Осиё ва унга ҳўшни ҳудудларнинг халқ оммаси ниҳоятда оғир азоб-уқубатлар, қийинчиликлар билан ҳаёт кечираётган эди

Темурийлар даврида солиҳнинг асосий тури хирож бўлган. Танобона боғлардан олинган. Жон солиғи, бегор амалда бўлган.

Ерга эгаликнинг суюрғол-хусусий мулк тури кенг тарқалган. XV асрда зироатчилар қандай ер мулкларда яшаб, экишларига ҳараб хирож тўлаганлар. Улар асосан тўрт турга:

давлат ерларида яшовчи зироатчилар;

хусусий мулк ерларда яшайдиганлар;

ўз ерида яшовчилар;

вахф ерида яшовчиларга ажралганлар.

Ердан асосан хирож(мол) ундирилган. У маҳсулот ёки пул билан олинган. ҳажми ҳосилнинг ярми миқдоригача борган.

Мағлуб шаҳар аҳолисидан сари шумор олинган. Дўкандор ҳунармандлардан тамға солиғи олинган.Зарур бўлганда аҳоли ҳашар қурилиши, суғориш иншоатлари, кўприклар қуриш ишига-ҳашар (бегорга) жалб этилган. Мазкур ишлар жараёнида миробона, доруғона солиқлари ундирилган.Нақд бойлигининг камбағаллар ва ўзидан қолганлар фойдасига закот берганлар. У йилига бир бор берилиб, кўчмас мулкнинг қирқдан бири ҳажмида бўлган. Чегара ҳудудларида божхоналар бўлиб, четдан келадиган савдогарлардан бож ўндирилган.Маҳаллий савдогаарлар тағжой, боғдорлар танобона тўлаганлар.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ:

1. Темур тузукларида аҳоли нечта қатламга бўлинганҳ

А. 7 та

В. 9 та

С. 12 та

Д. 14 та

2. Сари шумор кимлардан олинган.

А. Деҳқонлардан.

В. Савдогарлардан.

С. Мағлуб шаҳар аҳолисидан.

Д. Бошқа диндагилардан.

3. Қишлоқ хўжалигининг ривожланиши қандай бўлди.

4. “Куч адолатдадир” шиорини изоҳланг?

5. Амир Темурнинг ички ва ташқи савдони ривожлантиришдаги хизматларини айтиб беринг?

6. Темур даврида солиқ тизимига баҳо беринг?

2-асосий савол:

Амир Темур ва теурийлар даври маданияти

Дарсинг мақсади:

ва талабаларга миллий мафқуранинг аҳамиятини тушунтириш.

ИДЕНТИВ ЎҚУВ МАҚСАДЛАРИ:

2.1. Қўқон хонлини ташкил топишини айтиб беради.

2.2. Қўқон хонлиги ҳудудларини кўрсатади.

2.1. Қўқон хонлари олиб борган ҳарбий юришларни таҳлил қилади.

2.2. Қўқон хонлиги ҳудудларини умумлаштиради.

2.3. Қўқон хонлигига баҳо беради.

2-асосий саволнинг баёни:

Амир Темур дунё маданиятига, маънавиятига беқиёс ҳисса қўшган буюк шахсдир.

Амир Темур қурдирган Бибиҳоним масжиди (1404), Оксарой қасри (1380-1404), Дорус-саодат мақбараси (1380) олий иморатлардир.

Амир Темур даврида боғ яратиш ишлари беқиёс ривожланди. Боғлар халқнинг урф-одатлари ва мавжуд шароитдан келиб чиқиб яратилган. Тадқиқотчи О.Алимов таъкидлашича, Соҳибқирон Самарқанд атрофида 12 та боғ-сарой барпо эттирган. Булар Боғи Нақшижаҳон, Боғи Беҳишт, Боғи Сҳоҳрух, Боғи Дилкушо, Боғи Сҳамол, Боғи Давлатобод, Боғи Боълди, Боғи Майдон, Боғи Баланд, Боғи Чинор, Боғи Жаҳоннамо, Боғи Нав боғларидир. Булардан ташқари мамлакатнинг бошқа жойларида ҳам кўплаб боғлар яратилган.

Амир Темур жисмонан бақувватлиги ва юксак маънавияти билан одамлардан ажралиб турадиган, ҳар қандай одамнинг руҳига таъсир ўтказадиган ҳамда ўзига бўйсундирадиган буюк шахс эди. Англиялик тадқиқотчи Хилда Хукхемнинг фикрича, Амир Темур Ўрта Осиё ўтмиш тараққиётида тўпланган сиёсий,

иктисодий ва маданий меросни ўзида мужассамлантирган ва бу маданий мероснинг давомчиси бўлган шахсдир.

Амир Темурнинг авлодларидан кўпчилиги шундай ободончилик ишларини давом эттирдилар. Мирзо Улуғбек қурдирган мадрасалар, Ҳусайн Бойқаро даврида А. Навоий бошчилигидаги ободончилик ишлари, Бобурийлар давридаги ноёб қурилишлар бунга мисол бўла олади.

«Темур тузуклари».

Амир Темур маънавият масалалари томондан XIV-XV асрларда ёзилган боълиб, даълаб турк тилида чоп этилган. 1783-йилда инглиз тилида нашр қилинган. Биринчи марта ўзбек тилига 1967-йилда форсчадан таржима қилинган.

«Темур тузуклари»да Амир Темур, Мовароуннахрнинг 1342-1405-йиллар орасидаги ижтимоий-сиёсий аҳволи, кўшни мамлакатлар ва халқлар билан бўлган ўзаро муносабатлар ҳақида ҳикоя қилинади. «Темур тузуклари»да Амир Темурнинг асосий доктринаси -жамиyatга, ижтимоий-сиёсий ҳаётга қараши, бирлашган қудратли феодал давлатнинг сиёсий ва ахлоқий тамойиллари ифодаланган. «Темур тузуклари» подшоҳларнинг туриш-турмуши ва одоб-ахлоқ меъёрларини белгиловчи рисоладир.

Асар 2 қисмдан иборат.

Биринчи қисмда жаҳон тарихида машҳур фотиҳ, саркарда ва исеъдодли давлат арбоби сифатида ном қолдирган Амир Темурнинг 7 ёшидан то вафотига қадар кечган ҳаёти ва ижтимоий-сиёсий фаолияти, аниқроғи, унинг Мовароуннахрда Марказий ҳокимиятни қўлга киритиш, феодал тарқоқликка барҳам бериш ва марказлашган давлат тузиш, кўшни юрт ва мамлакатларни, масалан, Эрон ҳамда Афғонистонни ўз тасарруфига киритиш, олтин Ўрда ҳукмдори Тохтамышхон (1376-1395), бутун Европага кўрқув ва даҳшат солган Туркия султони Боязид Йилдирим (1389-1402) га қарши ва, ниҳоят, буюк жаҳонгирнинг Озарбойжон, Грузия ва Ҳиндистонга қилган ҳарбий юришлари ихчам тарзда баён этилган.

Иккинчи қисм жаҳонгирнинг номидан айtilган ва унинг тож-у тахт ворисларига аталган оъзига хос васият ва панд-насихатларидан иборат. Унда давлатни идора қилишда кимларг атаяниш, бошлиқларни сайлаш, сипоҳийларнинг маоши, мамлакатларни бошқариш тартиби, давлат арбоблари ва бошлиқларнинг бурч ва вазифалари, амирлар, вазирлар ва бошқа мансабдорларнинг тож-у тахт олдидаги алоҳида хизматларини тақдирлаш тартиби ва бошқалар хусусида гап боради.

Амир Темур давлатни бошқаришда ўзидан аввал ўтган ҳукмдорлардан фарқ қилиб, давлат ва мамлакатни бошқаришда 1 ёки 2 табақага эмас, балки аҳолининг барча табақаларига суянди. «Темур тузуклари»да айтилишича, давлат асосини 12 ижтимоий тоифа ташкил қилади:

1) саййидлар (пайгъамбар авлодлари), уламо, машойих, фозил кишилар; 2) ишбилармон, донишманд кишилар; 3) художўй, дарвеш, қаландарлар; 4) нўёнлар-амирлар, яъни ҳарбий кишилар, мингбошилар; 5) сипоҳ ва райят; 6) махсус ишончли кишилар; 7) вазирлар ва саркотиблар; 8) ҳақимлар ва табиблар,

мунажимлар ва муҳандислар; 9) тафсир ва ҳадис олимлари; 10) аҳли ҳунар ва санъатчилар, ҳунарманд, косиблар; 11) соъфийлар; 12) тожир (савдогар) ва сайёҳлар хориж билан савдо-сотик. Унинг тақдирини 3 нарса: подшоҳ, ҳазина ва аскар ҳал қилади. кўшин, асосан, ўн, юз, минг ва туманга бўлинган, ўн кишилик ҳарбий бўлинма тепасида турган босиқ- ўнбоши, шунингдек... юзбоши, мингбоши, туман бошлиғи, ноён деб аталган. Асарда уларнинг ҳақ ҳуқуқлари, ойлик маоши ҳам аниқ кўрсатилган. Масалан, оддий сипоҳ минган отининг баҳоси бараварида, баҳодирлар 2-4 от бараварида ва ҳ.к. маош олишган.

«Темур тузуклари»да қилич чопишда ўзини кўрсатган баҳодирлар 1-марта ўнбоши, 2-марта ўзини кўрсатса - юзбоши, 3-марта эса мингбоши этиб тайинлансинлар, дейилган. Жанг ва хизматда ўзини кўрсатган амирлар рағбатлантирилган. қайси бир амир кўшин билан мамлакатни олса, 3 нарса-имтиёз билан сийланган. Амир Темур давлатида асосий қанун вазифаларини бажарган мусулмон ҳуқуқи ислом таълимотига асосланган. Имам Бухарий, Термизий, Баҳауддин Нақшбанд, Аҳмад Яссавий, Бурҳаниддин Марғинонийларнинг асарларида Қуръон таърифи билан бирга мусулмон ҳуқуқи шарҳи берилган.

Темурийлар даври маънавиятининг буюк намояндаси, шубҳасиз, Алишер Навоийдир. Навоий мактаби ноёб ҳодиса боълиб, ҳозиргача дунёни лол қолдириб келмоқда.

Туркистон заминини зироатчилик, ҳунармандчилик, илм-фан ва маданият ривожланган илғор мамлакатга айлантирилди. Ўз умрининг кўп қисмини Амир Темур ҳаётини ўрганишга бағишлаган покистонлик тадқиқотчи Аҳмад Доний: «Ҳозирги замон тарихи Амир Темурнинг буюк шахсига етарли эътибор бермади. У Осиёда турк ислом юксалишига асос солди. Тарих унинг илми амали билан тенглашадиган бошқа бир муқобил ҳодисани билмайди», - деб ёзади.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ:

1. Улуғбек қайси шаҳарларда мадрасалар қурдирди.

А. Самарқанд, Бухоро, Шаҳрисабз.

В. Тошкент, Самарқанд, Термиз.

С. Самарқанд, Бухоро, Ғиждувон.

Д. Самарқанд, Бухоро, Кармана

2. Темурийлар даври ренесансининг жаҳон цивилизациясида тутган ўрнига баҳо берингҳ

3. Амир Темурнинг илм-фанга мунособатини қандай изоҳлайсизҳ.

4. Амир Темур яратган боғларни айтиб берингҳ

5. "Зижи Кўраоний"да нечта юлдузнинг ҳолати ўрганилган

А. 1030та

В. 1018 та

С. 1200 та

Д. 1121та

6. Темур саройига келган испан элчиси.

А. Марко Поло

В. Клавихо

С.Рубрик

Д.Плано Каприни

7. Темурийлар даврига оид қандай асарларни ўқигансиз?

Мавзу бўйича мустақил иш топшириқлар:

1. Темурийлар даври мутафаккирларининг асарлари рўёхатини тузинг?

2. Темур тузукларини мутолаа қилинг?

Мавзу бўйича асосий хулосалар:

Темурийлар ренессансининг асосий хусусиятлари ёритилди.

Темурийлар даври маданияти ҳақида асосий тушунча ҳосил қилинди.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон халқлари тарихи. 2 жилд. Т.:Фан, 1992. 248б.

2. Аҳмедов Б. Тарихдан сабоқлар – Т.:Ўқитувчи, 1996

3. Каримов Ш., Шамсутдинов Р. Ватан тарихи. – Т.:Ўқитувчи,1997

4. Сагдуллаев А. ва бошқ. Ўзбекистон тарихи: давлат ва жамият тараққиёти.- Т.:Академия, 2000

5. Ўзбекистон тарихи –Тошкент.: Янги аср авлоди, 2003й.

6. Ўзбекистон тарихи-Тошкент.: Молия. 2006й.

СЕМИНАР МАШҒУЛОТЛАРИ

1-семинар машғулоти: Араб халифалиги даврида Моворауннаҳр ва Хуросон

Ажратилган вақт-2 соат

Кўриладиган саволлар режаси

1. Ўрта Осиёнинг араблар томонидан босиб олинishi.

2. Арабларга қарши халқ ҳаракатлари.

3. Ислом дини ва унинг Ўрта Осиёга ёйилиши.

4. Араблар ҳукмронлиги даврида Моворауннаҳрда ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаёт.

Дарснинг мақсади:

Арабларнинг Хуросон ва Моворауннаҳрга истилочилик юришларини тушунтириш. Арабларга қарши Моворауннаҳр аҳолисининг олиб борган кураши ва унинг аҳамиятини кўрсатиб бериш. Ислом динининг кириб келиши ва тарқалиши халқимиз маънавий ҳаётида тутган ўрнини, Моворауннаҳрдаги

ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётни тушунтириш. Талабалар онгида ватанпарварлик ва миллий ғурур ҳиссини шакллантириш.

Семинар машғулотга тайёргарлик кўриш учун методик кўрсатмалар:

1-асосий савол бўйича:

Араб халифалигининг ташкил топиши. Мовороуннаҳрнинг араблар томонидан истило этилишининг босқичлари ва характери. Қутайба ибн Муслим ноиблиги ва истилочилик юришлари. Бухоро, Хоразм, Самарқанд ва бошқа худудларнинг босиб олиниши.(1. 72-82; 2.131-142; 3. 70-75; 4.115-126; 5.142-156; 6.104-110.)

2-асосий савол бўйича:

Араблар зулмига қарши халқ озодлик ҳаракатлари. Абу Муслим қўзғолони. Муқанна қўзғолони ва унинг аҳамиятини тушунтириб беринг. (2.152-171; 3. 75-87; 4.137-146; 5.15164; 6.110-114.)

3-асосий савол бўйича:

Ислом динининг пайдо бўлиши. Унинг муқаддас китоби Қуръони каримнинг моҳияти. Мовороуннаҳр аҳолисининг ислом динига эътиқод қила бошлаши. Ислом динининг халқимиз маънавий маданий тараққиётида тутган ўрни.(1.78-80; 2.142-156; 3.81-82; 4.124-181;)

4-асосий савол бўйича:

Араблар хукмронлиги даврида Мовороуннаҳр аҳолисининг ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаётида юз берган ўзгаришлар.Араблар зулми ва солиқ сиёсати. Араб босқинининг оқибатлари, аҳолининг моддий ва маънавий маданиятидаги йўқотишлар (1.76-82; 2.148-152;3.76-82.)

Адабиётлар:

1. Сағдуллаев А. ва бошқалар. Ўзбекистон тарихи: давлат ва жамият тараққиёти. Тошкент.: Академия. 2000.27л б.
2. Каримов Ш., Шамсутдинов Р., Ватан тарихи Тошкент.:Ўқитувчи. 1997.527 б.
3. Ўзбекистон халқлари тарихи Тошкент.:Фан.1992.187 б.
4. Наршахий Бухоро тарихи Тошкент.:Камалак. 1991. 335 б.
5. Ўзбекистон тарихи (Олий ўқув юртларининг номутахассис талабалари учун дарслик) Тошкент. : ЎАЖБНТ маркази, 2003. 675б.
6. Ўзбекистон тарихи (Олий ўқув юртларининг номутахассис талабалари учун дарслик)Тошкент. : Иқтисод-молия, 2006, 520б.

2-семинар машғулоти:Моворауннаҳр ва Хуросонда мустақил давлатларнинг ташкил топиши. Тоҳирийлар ва Соффорийлар давлати.

Ажратилган вақт – 2 соат

Кўриладиган саволлар режаси

1. Мустақил давлатларнинг вужудга келишидаги тарихий шарт-шароитлар.
2. Тоҳирийлар давлати ва унинг ижтимоий-иқтисодий ҳаёти.
3. Соффорийлар давлати ва унинг ижтимоий-сиёсий ҳаёти.

Дарснинг мақсади:

Араб ҳалифалигида юзага келган сиёсий зиддиятлар, Хуросон ва Моворауннаҳрда мустақил давлатлар пайдо бўлиши учун шарт-шароит яратганлигини тушунтириш. Тоҳирийлар ва Соффорийлар давлатининг ижтимоий-иқтисодий ҳаёти ҳақида маълумотларни ўрганиш. Талабаларга ўзликни англаш ғояларини чуқурроқ сингдириш.

Семинар машғулотга тайёргарлик кўриш учун методик кўрсатмалар:

1-асосий савол бўйича:

Мавзунинг тарихшунослиги. Мустақил давлатларнинг пайдо бўлишининг тарихий шарт-шароитлари. 9-асрнинг биринчи чорагида ҳалифаликдаги ижтимоий-сиёсий аҳвол. (1. 82-86; 2.171-181; 3.87-91; 5.165-168; 6.115-118.)

2-асосий савол бўйича:

Тоҳирийлар давлатининг вужудга келиши. Тохир ибн Ҳусайн, Талха , Абдуллоҳ ибн Тоҳир ҳукмронлиги даврида мамлакатдаги ижтимоий-сиёсий ҳаёт. Тоҳирийлар сулоласи. (1. 82-86; 2.171-181; 3.87-91; 5.165-168; 6.115-118.)

3-асосий савол бўйича:

Соффорийларнинг ҳокимият тепасига келиши. Амир ва Ёқуб ибн Лайслар ҳукмронлиги. “Ғозийлар” кўшини. Соффорийлар ва Сомонийлар давлатидаги зиддиятлар. (1. 82-86; 2.171-181; 3.87-91; 5.165-168; 6.115-118.)

Адабиётлар:

1. Сағдуллаев А. ва бошқалар. Ўзбекистон тарихи: давлат ва жамият тараққиёти. Тошкент.: Академия. 2000. 271 б.
2. Каримов Ш., Шамсутдинов Р., Ватан тарихи Тошкент.: Ўқитувчи. 1997. 527 б.
3. Ўзбекистон халқлари тарихи Тошкент.: Фан. 1992. 187 б.
4. Наршахий Бухоро тарихи Тошкент.: Камалак. 1991. 335 б.
5. Ўзбекистон тарихи (Олий ўқув юртларининг номурахасис талабалари учун дарслик) Тошкент. : ЎАЖБНТ маркази, 2003. 675б.
6. Ўзбекистон тарихи (Олий ўқув юртларининг номурахасис талабалари учун дарслик) Тошкент. : Иқтисод-молия, 2006, 520б.

3-семинар машғулоти: Сомонийлар давлати.

Ажратилган соат – 2 соат

Кўриладиган саволлар режаси

1. Исмоил Сомоний ва унинг ислохотлари.
2. Марказлашган давлат бошқарувининг ташкил топиши.
3. Сомонийлар даврида Моворауннаҳрда ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаёт.

Дарсинг мақсади:

Сомонийлар давлатининг вужудга келиши. Исмоил Сомоний ҳукмронлиги даврида сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий ҳаётнинг гуллаб яшнашини тушунтириш. Сомонийларнинг давлат тизими, марказлашган ҳокимиятнинг моҳияти ва девонлар ҳақида маълумот бериш. Талабаларда Ватанга муҳаббат, тарихга ҳурмат руҳини шакллаантириш.

Семинар машғулотга тайёргарлик кўриш учун методик кўрсатмалар:

1-асосий савол бўйича:

Исмоил Сомонийнинг ҳукмронлик йиллари. Ички ва ташқи сиёсати. Мамлакат ҳудудининг кенгайиши. Наршахийнинг Бухоро тарихи асарида Исмоил Сомоний ҳақидаги маълумотлар. Сомонийлар шажараси. (1. 87-90; 2. 182-186; 3. 88-91; 4. 146-165; 5. 168-169; 6. 117-120.)

2-асосий савол бўйича:

Сомонийларнинг давлаат бошқарув тизими, марказлашган давлатнинг ташкил топиши. Мамлакатни ўнта девон орқали бошқарилиши. Давлатнинг маъмурий тизими. Мунтазам қўшиннинг тузилиши. Ҳуқуқий муносабатларнинг тартибга келтирилиши. (1. 88-93; 2. 182-186; 3. 95-99; 4. 146-165; 5. 168-169; 6. 117-120.)

3-асосий савол бўйича:

Мамлакатда ер эгаллиги ва мулкчилик шакллари. Солиқлар ва уларнинг турлари. Қишлоқ хўжалиги, хунармандчилик ва савдонинг ривожланиши. Суғориш тизими ва суғориш иншоатларининг барпо этилиши. (1. 88-93; 2. 182-186; 3. 95-99; 4. 146-165; 5. 168-169; 6. 117-120.)

Адабиётлар:

1. Сагдуллаев А. ва бошқалар. Ўзбекистон тарихи: давлат ва жамият тараққиёти. Тошкент.: Академия. 2000. 271 б.
2. Каримов Ш., Шамсутдинов Р., Ватан тарихи Тошкент.: Ўқитувчи. 1997. 527 б.
3. Ўзбекистон халқлари тарихи Тошкент.: Фан. 1992. 187 б.
4. Наршахий Бухоро тарихи Тошкент.: Камалак. 1991. 335 б.
5. Ўзбекистон тарихи (Олий ўқув юртларининг номурахасис талабалари учун дарслик) Тошкент. : ЎАЖБНТ маркази, 2003. 675б.
6. Ўзбекистон тарихи (Олий ўқув юртларининг номурахасис талабалари учун дарслик) Тошкент. : Иқтисод-молия, 2006, 520б.

4-семинар машғулоти: Қорахонийлар давлати.

Ажратилган соат – 2 соат

Кўриладиган саволлар режаси

1. Қорахонийлар давлатининг ташкил топиши.
2. Мовороуннахрда Қорахонийлар ҳукмронлигининг ўрнатилиши.
3. Қорахонийларнинг давлат бошқаруви, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаёти.

Дарсининг мақсади:

Қорахонийлар давлатининг ташкил топишини тушунтириш. Қорахонийлар ҳукмронлиги даврида Моворауннахрда юз берген сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий ўзгаришлар ҳақида маълумот бериш. Талабалар онгида тарихий тафаккурни шакллантириш.

Семинар машғулотга тайёргарлик кўриш учун методик кўрсатмалар:

1-асосий савол бўйича:

Қарлуқлар давлатининг ташкил топиши. Қорахонийлар давлатининг ташкил топишида иштирок этган туркий қабилалар. “Қорахон”, “Буғрохон ” “Арслонхон“ сўзларининг маъноси. Давлат бошқаруви.(1.94-96; 2.187-194;3.113-116; 4.177-182; 6.121-124.)

2-асосий савол бўйича:

Қорахонийларнинг Сомонийлар давлатига бостириб кириши. Бу даврда Моворауннахрдаги сиёсий воқеалар тафсилоти. Қорахонийлар давлатининг ҳудуди. Қорахоний ҳукмдорлар ҳақида маълумот. .1.94-96; 2.187-194;3.113-116; 4.177-182; 6.121-124.)

3-асосий савол бўйича:

Қорахонийлар давлатининг сиёсий тузуми. Марказлашган давлат тизимидан алоҳида мулк тизимига ўтиши. Ижтимоий-иқтисодий тузум. Жамиятнинг ижтимоий буғинлари.Қарахонийлар даврига хос атамалар. Мулкчилик шакллари ва ҳарбий тизим. .(1.94-96; 2.187-194;3.113-116; 4.177-182; 6.121-124.)

Адабиётлар:

1. Сағдуллаев А. ва бошқалар. Ўзбекистон тарихи: давлат ва жамият тараққиёти. Тошкент.: Академия. 2000.27л б.
2. Каримов Ш., Шамсутдинов Р., Ватан тарихи Тошкент.:Ўқитувчи. 1997.527 б.
3. Ўзбекистон халқлари тарихи Тошкент.:Фан.1992.187 б.

4. Ўзбекистон тарихи (Олий ўқув юр்தларининг номутахассис талабалари учун дарслик) Тошкент. : ЎАЖБНТ маркази, 2003. 675б.
5. Ўзбекистон тарихи (Олий ўқув юр்தларининг номутахассис талабалари учун дарслик)Тошкент. : Иқтисод-молия, 2006, 520б.

5-семинар машғулоти: Ғазнавийлар ва Салжуқийлар давлатлари.

Ажратилган соат – 2 соат

Кўриладиган саволлар режаси

1. Ғазнавийлар ва Салжуқийлар давлатининг ташкил топиши.
2. Ғазнавийлар ва Салжуқийлар давлатининг ўзаро муносабатлари.
3. Ғазнавийлар ва Салжуқийлар даврида ижтимоий-иқтисодий ҳаёт.

Дарсинг мақсади:

Ғазнавийлар ва Салжуқийлар деб номлаанган туркий давлатларнинг ташкил топиши. Ғазнавийлар ва Салжуқийлар ўртасидаги муносабатлар ҳақида тушунтириш. Бу давлатларнинг бошқарув тизими, ижтимоий, иқтисодий ҳаётини ўрганиш. Талабалар онгида ватанпарварлик, илмга рағбат ҳиссини уйғотиш.

Семинар машғулотга тайёргарлик кўриш учун методик кўрсатмалар:

1-асосий савол бўйича:

Ғазнавийлар ва Салжуқийлар давлатининг вужудга келиш шарт-шароитлари. Собуқтакин, Маҳмуд Ғазнавий ҳукмронлиги. Салжуқийлар давлатига асос солиниши. Туғрулбек ҳукмронлиги.(1.198-214; 2.116 120;3. 182-185; 4.124-130.)

2-асосий савол бўйича:

Ғазнавийлар, Салжуқийлар ва Қорахонийлар давлатининг ўзаро муносабатлари.1040 йилдаги Данданакон жанги.(1.198-214; 2.116 120;3.182-185; 4.124-130.)

3-асосий савол бўйича:

Ғазнавийлар ва Салжуқийлар давлатида ижтимоий, иқтисодий ҳаёт.Моворауннаҳр ва Хуросонда қишлоқ хўжалиги, ҳунармандчилик вва савдо муносабатлари. .(1.198-214; 2.116 120;3. 182-185; 4.124-130.)

Адабиётлар:

1. Каримов Ш., Шамсутдинов Р., Ватан тарихи Тошкент.:Ўқитувчи. 1997.527 б.
2. Ўзбекистон халқлари тарихи Тошкент.:Фан.1992.187 б.

3. Ўзбекистон тарихи (Олий ўқув юр்தларининг номутахассис талабалари учун дарслик) Тошкент. : ЎАЖБНТ маркази, 2003. 675б.
4. Ўзбекистон тарихи (Олий ўқув юр்தларининг номутахассис талабалари учун дарслик)Тошкент. : Иқтисод-молия, 2006, 520б.

6-семинар машғулоти: Хоразмшоҳлар давлати.

Ажратилган соат – 2 соат

Кўриладиган саволлар режаси

1. Хоразмшоҳлар давлатининг ташкил топиши.
2. Хоразмшоҳлар давлатининг сиёсий-ижтимоий ҳаёти
3. Хоразмшоҳлар давлатининг инқирозга юз тутиши

Дарсинг мақсади:

Хоразмнинг мустақил давлат сифатида пайдо бўлиши. Хоразмшоҳлар (Ануштегинлар) сулоласи. Бу давлатнинг ички ва ташқи сиёсати, мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаёти, XIII асрнинг бошларида инқирозга юз тутиши сабабларини тушинтириш. Талабаларда юртга садоқат, аждодлар хотирасига ҳурмат ҳиссини тарбиялаш.

Семинар машғулотга тайёргарлик кўриш учун методик кўрсатмалар:

1-асосий савол бўйича:

Хоразмшоҳлар давлатига асос солиниши. Сиёсий воқеалар тафсилоти. Хоразмшоҳлар (Ануштегинлар) сулоласи. Отсизнинг Хоразмни мустаҳкамлаш йўлида олиб борган кураши. Хоразмшоҳлар давлати ҳудудларининг кенгайиши.(1.104-106; 2.214-231; 3.125-130; 4.185-190.)

2-асосий савол бўйича:

Хоразмшоҳлар давлатининг давлат бошқаруви. Давлат бошқаруви билан боғлиқ мансаб ва лавозимлар. Хоразмшоҳлар давлатининг аҳолиси ва унинг турли қатламлари. Мулкчилик шакллари ва солиқ мунособатлари. (1.106-108; 2.214-231; 3.125-130; 4.187-190; 5.130-133; 6. 86-158.)

3-асосий савол бўйича:

Хоразмшоҳлар давлатининг инқироzi сабаблари. Мамлакатдаги ички зиддиятлар. Муҳаммад Хоразмшоҳнинг олиб борган сиёсати. Муҳаммад Хоразмшоҳ ва Чингизхон ўртасидаги элчилик мунособатлари(1.104-109; 2.225-231; 3.127-130; 4. 185-190; 6.159-190.)

Адабиётлар:

1. Сағдуллаев А. ва бошқалар. Ўзбекистон тарихи: давлат ва жамият тараққиёти. Тошкент.: Академия. 2000.271 б.

2. Каримов Ш., Шамсутдинов Р., Ватан тарихи Тошкент.:Ўқитувчи. 1997.527 б.
3. Ўзбекистон халқлари тарихи Тошкент.:Фан.1992.187 б.
4. Ўзбекистон тарихи (Олий ўқув юртларининг номутахассис талабалари учун дарслик) Тошкент. : ЎАЖБНТ маркази, 2003. 675б.
5. Ўзбекистон тарихи (Олий ўқув юртларининг номутахассис талабалари учун дарслик)Тошкент. : Иқтисод-молия, 2006, 520б.
6. Буниёдов З. Ануштагин Хоразмшоҳлар давлати. 1097-1231. Тошкент.: Ф.Ғулом адаб. ва сан. 1998.256 б.

7-семинар машғулоти: IX-XII асрларда Моворауннахр ва Хуросонда маданий ҳаёт.

Ажратилган соат – 4 соат

Кўриладиган саволлар режаси

1. Моддий ва маънавий маданиятнинг юксалишини таъминлаган шарт-шароитлар.
2. “Байт ул-ҳикма” ва “Донишмандлар уйи”. Илм-фаннинг равнақ топиши.
3. Тарих, адабиёт илмининг ривожланиши.
4. Тасаввуф таълимоти. Диний илмларнинг ривожланиши

Дарсинг мақсади:

IX-XII асрларда Мовароуннахрда моддий ва маънавий маданиятнинг равнақ топиш шарт-шароитлари,жаҳон фани ва цивилизациясига ҳисса қўшган улуғ алломаларимиз ҳақида маълумот бериш. Талабалар онгида ватанпарварлик, илмга рағбат ҳиссини уйғотиш, аждодлар билан фахрланиш, уларга муносиб авлод бўлишга чақиришдан иборат.

Семинар машғулотга тайёргарлик кўриш учун методик кўрсатмалар:

1-асосий савол бўйича:

IX-XII асрларда Мовароуннахрда ҳукм сурган тинчлик ва осойишталик, ўлкада моддий ва маънавий тараққиёт учун замин ҳозирлади. Сомонийлар, Ғазнавийлар, Салжукийлар, Хоразмшоҳлар сулолаларига мансуб маърифатпарвар ҳуқумдорлар илм-фан равнақига рағбат бердилар.(1.111-118; 2.231-256;3.99-112; 4.191-220; 5.134-144.)

2-асосий савол бўйича:

Мусо ал-Хоразмий, ал-Фарғоний, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино каби олимларнинг илмий кашфиётлари ва яратган асарлари. Уларнинг илм-фан тараққиётига қўшган ҳиссаси.(1.111-118; 2.231-256; 3.99-112; 4.194-203;5.136-139;)

3-асосий савол бўйича:

Тарихий илмларнинг, бадий адабиётнинг равнақ топиши, туркий адабиёт тараққиёти.Фирдавсий, Рудакий. Маҳмуд Қошғарий, Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Яссавий ижодий фаолияти.(1.111-118; 2.231-256; 3.99-112; 4.194-203;5.136-139;)

4-асосий савол бўйича:

IX-XII асрларда ислом дини ва сўфийлик таълимотининг ривожланиши.Имом Бухорий, Имом ат-Термизий, Аҳмад Яссавий, Нажмиддин Кубро ижоди ва фаолияти. .(1.111-118; 2.231-256; 3.99-112; 4.194-203;5.136-139;)

Адабиётлар:

1. Сағдуллаев А., Аминов Б., Мавлонов Ў., Норқулов Н. Ўзбекистон тарихи: давлат ва жамият тараққиёти Т.: Академия. 2000. 271б.
2. Каримов Ш., Шамсуддинов Р. Ватан тарихи Т. : Ўқитувчи. 1997. 527б.
3. Ўзбекистон халқлари тарихи Тошкент.:Фан.1992.187 б.
4. Ўзбекистон тарихи (Олий ўқув юртларининг номутахассис талабалари учун дарслик) Тошкент. : ЎАЖБНТ маркази, 2003. 675б.
5. Ўзбекистон тарихи (Олий ўқув юртларининг номутахассис талабалари учун дарслик)Тошкент. : Иқтисод-молия, 2006, 520б.
6. Ирисов А. Ҳаким ибн Сино Т.:Ўзбекистон. 1992.102б.
7. Комилов Н. Нажмиддин Кубро Т., 1995.
8. Шайх Нажмиддин Кубро (мақолалар) Т.: Ёзувчи.1995,79б.

8-семинар машғулоти: Ўрта Осиёнинг мўғуллар томонидан босиб олиниши.

Ажратилган соат – 2 соат

Кўриладиган саволлар режаси

1. Чингизхон ва Муҳаммад Хоразмшоҳ давлатининг элчилик мунособатлари
2. Мўғулларнинг Моворауннаҳрги истилочилик юришлари
3. Темур Малик ва Жалолиддин Мангуберди жасорати
4. Мўғуллар босқинининг оқибатлари.

Дарсинг мақсади:

XIII асрдаги Хоразмшоҳлар ва Мўғуллар давлати ўртасидаги сиёсий ва иқтисодий мунособатлар, Чингизхон бошчилигидаги мўғулларнинг Мовароуннаҳрга бостириб кириши, Темур Малик, Жалолиддин Мангуберди жасорати ҳақида тушунтириб бериш. Маҳмуд Таробий кўзғолонининг аҳамиятни билиш. Талабаларда Ватанга муҳаббат, юртга садоқат туйғусини тарбиялаш.

Семинар машғулотга тайёргарлик кўриш учун методик кўрсатмалар:

1-асосий савол бўйича:

XIII аср бошларида Хоразмшоҳлар давлатида ҳукм сурган сиёсий-ижтимоий инқироз шарқда кучайиб бораётган Муғуллар давлатини эътиборини тортди. Икки давлат ўртасидаги элчилик муносабатлари ва вазиятнинг кескинлашуви (1.119-122; 2.305-.340; 3.136-144; 4.221-230;5.146-149.)

2-асосий савол бўйича:

Муғуллар хужуми, мудофаа режаси, Хоразмшоҳнинг хатоси ва Ўтрор фожеаси. Самарқанд, Бухоро, Термиз шаҳарларининг босиб олиниши. Нажмиддин Кубро ватанпарвар сиймо. Урганчининг истило қилиниши (1.119-122; 2.305-.340; 3.136-144; 4.221-230;5.146-149.)

3-асосий савол бўйича:

Темур Малик жасорати. Жалолиддин Мангуберди –юрт химоячиси. Муғуллар зулми, мамлакатдаги сиёсий-иқтисодий аҳвол ва кўзғолоннинг сабаблари. Маҳмуд Таробий кўзғолонининг халқимиз озодлик курашлари тарихидаги аҳамияти. (1.119-122; 2.305-.340; 3.136-144; 4.221-230;5.146-149; 6.159-255.)

4-асосий савол бўйича:

Муғуллар истилосидан кейинги даврдаги сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий вазият. Моворауннаҳр Чигатой улуси таркибида. Мулкчилик шакллари ва солиқ турлари. Муғуллар босқинининг оқибатлари. (1.122-129; 2.340-.346; 3.144-152; 4.221-230;5.146-149.)

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон тарихи (Олий ўқув юртлирининг номутахассис талабалари учун дарслик) Тошкент. : ЎАЖБНТ маркази, 2003. 675б
2. Ўзбекистон тарихи (Олий ўқув юртлирининг номутахассис талабалари учун дарслик)Тошкент. : Иқтисод-молия, 2006, 520б.
3. Каримов Ш., Шамсуддинов Р. Ватан тарихи Т. : Ўқитувчи. л997. 527б.
4. Сағдуллаев А., Аминов Б., Мавлонов Ў., Норкулов Н. Ўзбекистон тарихи: давлат ва жамият тараққиёти Т.: Академия. 2000. 27лб.
5. Шаҳобиддин Муҳаммад ан-Насавий Султон Жалолиддин Мангуберди. Т.: Ўзбекистон. 2006. 383б.
6. Буниёдов З. Ануштагин Хоразмшоҳлар давлати. 1097-1231. Тошкент.: Ф.Ғулом адаб ва сан. 1998.256 б.

9-семинар машғулоти: Амир Темур ва темурийлар давлати.

Ажратилган соат – 2 соат

Кўриладиган саволлар режаси

1. XIV асрнинг ўрталарида Мовароуннаҳрдаги сиёсий аҳвол.Амир Темурнинг ҳокимиятга келиши.
2. Амир Темурнинг ҳарбий саркардалик салоҳияти.
3. Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни.
4. Темурийлар даврида Мовароуннаҳр ва Хуросонда сиёсий ҳаёт.

Дарснинг мақсади:

XIV асрнинг ўрталарида Мовароуннаҳрдаги сиёсий аҳвол. Амир Темурнинг ҳокимиятга келиши учун шарт-шароитлар.Амир Темурнинг марказлашган давлат тузиши ва унинг саркардалик салоҳияти ҳақида тушунтириш. Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрнини кўрсатиб бериш. Талабалар онгида Ватанга муҳаббат, юртга садоқат ҳиссини тарбиялаш.

Семинар машғулотга тайёргарлик кўриш учун методик кўрсатмалар:

1-асосий савол бўйича:

XIV асрнинг ўрталарида Чигатой улусининг инқироzi, Моворауннаҳрдаги сиёсий аҳвол.Амир Темурнинг ҳокимият тепасига келиши.Марказлашган давлат тузиш учун олиб борилган курашлар. (1.129-133; 2.354-.3368; 3.153-162; 4268-274;5.164-172.)

2-асосий савол бўйича:

Амир Темурнинг ҳарбий саркардалик салоҳияти. Амир Темурнинг уч йиллик, беш йиллик, етти йиллик урушлари. Амир Темур кўшинининг тузилиши.Темур тузуклари давлат бошқарувига оид асар. (1.129-133; 2.354-3.368; 3.153-162; 4268-274;5.164-172.)

3-асосий савол бўйича:

Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни. Амир Темурнинг ички сиёсати. Амир Темурнинг марказлашган давлат тузиши.Мамлакатда олиб борган бунёдкорлик ишлари. Амир Темурнинг солиқ сиёсати. Қишлоқ хўжалигининг ривожланиши. (1.129-133; 2.354-.3368; 3.153-162; 4268-274;5.164-172.)

4-асосий савол бўйича:

Темур вафотидан кейинги Моворауннаҳр ва Хуросонда сиёсий аҳвол. Шоҳрух ва Улуғбекнинг сиёсий фаолияти. Темурийлар даври бошқарув тизими. XV асрнинг иккинчи ярмида Моворауннаҳр ва Хуросонда сиёсий ҳаёт. Ҳусайн Бойқоронинг ҳукмронлик даври. (1.140-146; 2.411-444; 3.162-171; 4.268-274;5.164-172.)

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон тарихи (Олий ўқув юртларининг номутахассис талабалари учун дарслик) Тошкент. : ЎАЖБНТ маркази, 2003. 675б.

2. Ўзбекистон тарихи (Олий ўқув юртарининг номутахассис талабалари учун дарслик)Тошкент. : Иқтисод-молия, 2006, 520б.
3. Каримов Ш., Шамсуддинов Р. Ватан тарихи Т. : Ўқитувчи. 1997. 527б.
4. Сагдуллаев А., Аминов Б., Мавлонов Ў., Норкулов Н. Ўзбекистон тарихи: давлат ва жамият тараққиёти Т.: Академия. 2000. 27лб.
5. Аҳмедов Б. Тарихдан сабоқлар Т.:Ўқитувчи. 1994.
6. Аҳмедов Б. Амир Темурни ёд этиб. Т.1996.
7. Темур тузуклари. Т. :Ғ.Ғулом номли Адабиёт ва санъат наш. 1996.343б.
8. Бердимуродов А. Ғўри Амир мақбараси. Т. : А. Қодирий. 1996. 76 б.
9. Мўминов И. Амиро Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни. Тошкент.:1996.

10-семинар машғулоти: Амир Темур ва темурийлар даврида ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаёт.

Ажратилган соат – 2 соат

Кўриладиган саволлар режаси

1. Амир Темур даврида Мовароуннаҳрда ижтимоий-иқтисодий ҳаёт.
2. Амир Темурнинг бунёдкорлик ишлари
3. Темур ва темурийлар даврида ички ва ташқи савдонинг ривожланиши.
4. Темур ва темурийлар даврида маданий ҳаёт

Дарснинг мақсади:

Амир Темур даврида ижтимоий-иқтисодий ҳаёт, бунёдкорлик ишлари, қишлоқ хўжалиги ва савдо ишларининг ривожланиши. Амир Темур ва темурийлар даври маданияти ўзига хос уйғониш даври сифатида тарихимизда муҳим ўрин тутишини, мамлакатда илм-фан равнақи, моддий ва маънавий маданиятнинг равнақ топиши унинг аҳамиятини тушунтириб бериш. Талабалар онгида ватанпарварлик, инсонпарварлик ҳиссини тарбиялаш.

Семинар машғулотга тайёргарлик кўриш учун методик кўрсатмалар:

1-асосий савол бўйича:

Амир Темур даврида ижтимоий-иқтисодий ҳаёт. Мулкчилик шакллари ва солиқ сиёсати. Хунармандчиликнинг равнақ топиши.(1.135-140; 2.398-403; 3.158-162; 4.275-286; 5.164-184.)

2-асосий савол бўйича:

Амир Темур ва темурийлар қурдирган иншоотлар. Қурилиш ва меъморчилик анъаналари.Самарқанднинг пойтахт сифатидаги мавқенинг ўсиши.(1.135-140; 2.398-403; 3.158-162; 4.275-286; 5.164-184.)

3-асосий савол бўйича:

Амир Темур ва темурийлар даврида ички ва ташқи савдонинг ривожланиши. Буюк ипак йўлининг равнақ топиши. Шимолий тармоқнинг Ўрта Осиёга буриб юборилиши. Савдо расталари ва бозорларнинг равнақ топиши. (1.135-140; 2.398-403; 3.158-162; 4.275-286; 5.164-184.)

4-асосий савол бўйича:

Амир Темурнинг илм-фанга ҳомийлиги, Улуғбекнинг илмий мероси. Расадхона ва фалакшунос олимлар. Қозизода Румий, Али Қушчи, Жамшид Коший Алишер Навоий ўзбек адабиётининг асосчиси. Мумтоз адабиётнинг тамал тошини қўйган Лутфий, Ҳайдар Хоразмий, Дурбек, Гадоий, Атоий, Саккокий ижоди. “Ҳамса”, “Ҳазойинул -маоний“, “Муҳокаматул луғатайн”, “Мажолис ул-Нафоис“нинг адабий тараққиётдаги аҳамияти. Бу даврда хаттотликнинг санъат даражасига кўтарилиши. Султонали Машҳадий, Мир Али Табризий, Мирак Наққош ижоди. Камолиддин Беҳзод ижоди таъсвирий санъатда юксак чўққига эришганлиги. Мусиқа санъатининг юксак босқичга кўтарилиши (1.140-146; 2.444-509; 3.171-180; 4.289-298; 5.164-184.)

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон тарихи (Олий ўқув юртларининг номурахасис талабалари учун дарслик) Тошкент. : ЎАЖБНТ маркази, 2003. 675б.
2. Ўзбекистон тарихи (Олий ўқув юртларининг номурахасис талабалари учун дарслик) Тошкент. : Иқтисод-молия, 2006, 520б.
3. Каримов Ш., Шамсуддинов Р. Ватан тарихи Т. : Ўқитувчи. 1997. 527б.
4. Сагдуллаев А., Аминов Б., Мавлонов Ў., Норкулов Н. Ўзбекистон тарихи: давлат ва жамият тараққиёти Т.: Академия. 2000. 271б.
5. Аҳмедов Б. Тарихдан сабоқлар Т.: Ўқитувчи. 1994.
6. Аҳмедов Б. Амир Темурни ёд этиб. Т. 1996.
7. Темур тузуклари. Т. : Ғ. Ғулом номли Адабиёт ва санъат наш. 1996. 343б.
8. Бердимуродов А. Гўри Амир мақбараси. Т. : А. Қодирий. 1996. 76 б.
9. Мўминов И. Амиро Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни. Тошкент.: 1996.

Талабалар мустақил иш топшириқлари.

1. Мустақил ҳолда ўрганиладиган мавзулар:

1. Ислом динининг пайдо бўлиши ва унинг Ўрта Осиёга ёйилиши.
2. Ўрта Осиёнинг буюк муҳаддис алломалари
3. Сомонийлар, Ғазнавий, Қорахонийлар, Салжуқийлар, Хоразмшоҳлар
4. Темур ва Темурийлар даври

Мустақил иш топшириқлари:

1-топшириқ Ислон дини ва унинг Ўрта Осиёга ёйилиши билан боғлиқ маълумотларни тўплаш, таҳлил қилиш ва топшириқларни бажариш

- 1.1. Ислон ва унинг моҳияти мавзусида реферат тайёрлаш. (3.89-93; 5.134-143; 6.78-83)
- 1.2. Ислондаги мазҳаблар тарихидан тарихий маълумотнома тўплаш.
- 1.3. Араб халифалари шажарасини тузиш. Хадиси-шариф умуминсоний кадрят ҳақида тарихий эссе ёзиш.

2-топшириқ. Ўрта Осиёдаги буюк муҳаддис олимлар ва бугунги кунда уларга муносабат ҳақида маълумотларни тўплаш, топшириқларни бажариш

- 2.1. Ўзбекистондаги муқаддас қадамжолар рўйхатини тузиш.
- 2.2. “Имом Бухорий - буюк муҳаддис аллома” ҳақида маъруза тайёрлаш.
- 2.3. «Бурҳониддин Марғиноний ва Ўрта Осиё фикҳ мактаби» деган мавзуда ёзма иш ёзиш.
- 2.4. Мустақиллик йилларида муҳаддис алломалар юбилейларини ўтказилиши билан боғлиқ маълумотлар тўплаш ва таҳлил қилиш

3-топшириқ. Ўрта асрларда Мовароуннаҳр ҳудудидаги давлатлар ҳақида маълумотлар тўплаш ва топшириқларни бажариш

- 3.1. Сомонийлар давлат тузилишини чизиш.
- 3.2. Сомонийлар, Қорахонийлар, Салжуқийлар, Ғазнавийлар, Хоразмшоҳлар шажарасини тузиш.(3.89-98; 5.145-189; 6.96-115)
- 3.3. Интернетдаги маълумотларни таҳлил қилиш

4-топшириқ. Амир Темур ва Темурийлар даври тарихига оид янги авлод адабиётларини ўрганиш ва улар асосида топшириқларни бажариш

- 4.1. Улуғбек даврига оид олимлар ва уларнинг асарлари рўйхатини тузиш.
- 4.2. Темурий ҳукмдорлар рўйхатини тузиш. Темурийлар шажарасини тузиш
- 4.3. Темур давлатининг тузилиши чизмасини чизиш.
- 4.4. Интернет ёрдамида ҳорижда Темур ҳақида чоп этилган китобларнинг рўйхатини тузиш.
- 4.5. Темур ва темурийлар даври меъморий ёдгорликлари тарихини акс эттирувчи фотоальбом тайёрлаш.

ФАН ЮЗАСИДАН НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ:

1. Араб халифалигининг ташкил топиши ҳақида маълумот берингҳ
2. Арабларнинг Моворауннаҳрга дастлабки истилочилик юришлари ҳақида фикр юритингҳ.
3. Қутайбанинг Моворауннаҳрга истилочилик юришлари.

4. Гурак ва Диваштич исёни.
5. Абу Муслим кўзғолони.
6. Аббосийларнинг ҳокимиятга келиши ҳақида маълумот берингҳ
7. Муқанна кўзғолони ва унинг арабларга қарши курашда аҳамияти.
8. Араб халифалигида ижтимоий тузум.
9. Араблар ҳукмронлиги даврида солиқларх
10. Моворауннаҳрда Ислом динининг ёйилиши ҳақида маълумот берингҳ
11. Тоҳирийлар давлатининг ташкил топиши шарт-шароитлари.
12. Тоҳирийлар ҳукмронлиги даврида иқтисодий ҳаёт
13. Соффорийлар давлати ҳақида маълумот берингҳ
14. Сомонийлар давлатининг ташкил топиши.
15. Исмоил Сомоний ҳукмронлиги даврида Мовороуннаҳр
16. Исмоил Сомоний ўтказган ислохотлар.
17. Сомонийлар давлатида иқтисодий ҳаёт.
18. Сомонийлар давлатининг бошқарув тизими.
19. Сомонийлар даврида қишлоқ хўжалиги ва суғориш тизими.
20. Қорахонийлар давлатининг ташкил топиши.
21. Қорахонийларнинг Моворауннаҳрни истило қилиши.
22. Қорахонийлар давлатида ижтимоий-иқтисодий муносабатлар.
23. Салжуқийлар давлатининг ташкил топиши.
24. Хоразмшоҳлар давлатининг ташкил топиши.
25. Ғазнавийлар давлатининг ташкил топиши.
26. Хоразмшоҳлар давлатининг ижтимоий-иқтисодий сиёсати.
27. Хоразмшоҳларнинг давлат бошқаруви.
28. Хоразмда Маъмун академияси.
29. Байт ул-ҳикма ва унинг илм-фан тараққиётига таъсири.
30. Берунийнинг илмий мероси.
31. Ибн Сино ва унинг тиббиётга қўшган ҳиссаси.
32. Форобий ва унинг илмий мероси.
33. Ал Хоразмий ва унинг мероси.
34. Диний илмларнинг ривожланиши.
35. Тасаввуф ва унинг тараққиёти.
36. Буюк муҳаддис олимлар.
37. Туркий адабиётнинг раванқ топиши.
38. 9-22 асрларда меъморчилик ва санъат.
39. Чингизхон бошлиқ мўғул давлатининг ташкил топиши.
40. Чингизхоннинг Муҳаммад Хоразмшоҳ билан муносабатлари.
41. Мўғуллар босқини арафасида Хоразм давлатида ссий вазият.
42. Чингизхоннинг босқинчилик юришларининг бошланиши.
43. Ўтрор мудофаси.
44. Хўжанд мудофаси.

45. Урганч фожеаси.
46. Темур Малик жасорати.
47. Жалолиддин Мангуберди жасорати.
48. Моворауннахр Чигаатой улуси даврида.
49. Мўғуллар истилосидан кейин сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий вазият.
50. 13аср-14 асрнинг биринчи ярмида маданий ҳаёт.
51. Амир Темурнинг тарих саҳнасига чиқиши.
52. Чигаатой улусининг инқирози.
53. 14 асрнинг ўрталарида Мувороуннахрдаги сиёсий вазият.
54. Амир Темурнинг марказлашган давлатга асос солиши.
55. Амир Темурнинг Самарқанд тахти учун кураши.
56. Амир Темурнинг саркардалик салоҳияти.
57. Темур тузуклари.
58. Амир Темурнинг ҳарбий юришлари.
59. Амир Темур давлатида ички сиёсат.
60. Амир Темур салтанатининг парчаланиши.
61. Моворауннахрда Шоҳруҳ ва Улуғбек ҳукмронлиги.
62. Ҳусайн Бойқоро ҳукмронлиги.
63. Амир Темур даврида маданий ҳаёт.
64. Улуғбекнинг Самарқанд академияси.
65. Темурийлар давлатида ижтимоий-иқтисодий мунособатлар.
66. Алишер Навоийнинг адабий мероси.
67. Амир Темур ва темурийлар даврида меморчилик ва қурилиш.

ЎТИЛГАН МАВЗУЛАР БЎЙИЧА ЯКУНИЙ ХУЛОСАЛАР:

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг ҳаққоний тарихимизни ўрганиш учун кенг имкониятлар пайдо бўлди. Мавжуд имкониятлардан фойдаланган тадқиқотлар ва манбаларга асосланган ҳолда Ўзбекистон тарихининг жаҳон цивилизацияси тарихида, унинг ривожланишида тутган муносиб ўрнини ушбу мажмуада ёритиб берилди. Шунингдек, Ўзбекистон ҳудудларида минглаб йиллар давомида бўлиб ўтган тарихий-маданий жараёнлар таҳлил қилиниб, Ўзбекистон жаҳон цивилизацияси ўчоқларидан бири эканлиги асослаб берилди. Дунё маданияти ривожланишига улкан ҳисса қўшган ватандошларимиз фаолияти батафсил ёритилди.

ФАН БЎЙИЧА ЕЧИМИНИ КУТАЁТГАН

ИЛМИЙ МУАММОЛАР

- Тарихни миллий, умуминсоний, муқаддас ходиса ҳамда қадрият деб тушунмоқ;
- Тарихга ҳозирги замон цивилизацияси нуқтаи назари ва бағрикенглик асосида ёндашиш;
- Тарихий тараққиёт асосини эволюцион – тадрижий йўл ва ислоҳотчилик ташкил этади деб англамоқ;
- Тарих ва жамият тараққиётини марксча – ленинча сохта инқилобий таълимотга боғлаш, мутлоқ хато, ёввойлик, аксилинсоний ҳатта-ҳаракат бўлган деб тушунмоқ;
- Тарих, жамият ва табиат ҳамда инсоният (барча тарихий воқелик ва жараёнлар) диалектика (Гегел) ҳамда синергетика (Пригожин) қонуниятлари асосларида ривожланиши ҳақиқат эканлиги;
- Тарих миллий ва умуминсоний хотира, миллат ва халқларнинг жони, тани ҳамда ғоявий-мафкуравий муҳофаза қуроли эканлиги
- Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи муаммосини ўрганиш.
- Ўзбек давлатчилиги тарихини таҳлилий ўрганиш.

ИНФОРМАЦИОН ТАЪМИНОТ:

Асосий адабиётлар:

1. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. – Т.:Шарқ, 1998
2. Каримов И.А. Баркамол авлод Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори – Т.:Шарқ, 1997.
3. Ўзбекистон халқлари тарихи. 2 жилд. Т.:Фан, 1992. 248б.
4. Аҳмедов Б. Тарихдан сабоқлар – Т.:Ўқитувчи, 1996
5. Каримов Ш., Шамсутдинов Р. Ватан тарихи. – Т.:Ўқитувчи, 1997
6. Сағдуллаев А. ва бошқ. Ўзбекистон тарихи: давлат ва жамият тараққиёти.- Т.:Академия, 2000
7. Ўзбекистон тарихи –Тошкент.: Янги аср авлоди, 2003й.
8. Ўзбекистон тарихи-Тошкент.: Молия. 2006й.

Қўшимча адабиётлар:

1. Амир Темур жаҳон тарихида. – Т.:Шарқ, 1996
2. Аҳмедов Б.А. Ўзбек улуси.- Т.:Мерос, 1991
3. Аҳмедов Б.А. Ўзбекистон халқлари тарихи манбалари.- Т.,1991
4. Аҳмедов Б. Соҳибқирон Темур.- Т., 1996
5. Аҳмедов Б. Амир Темур дарслари – Т.:Шарқ, 2001
6. Али Яздий. Зафарнома.- Т.:Камалак, 1994
7. Буниётов З. Ануштагин Хоразмшоҳлар давлати.- Т.:Ф.Ғулом, 1998

8. Бухорий Ҳофиз Таниш. Абдуллонома.- л ва 2 жилдлар.- Т.:Шарқ, 1999, 2000
9. Буюк сиймолар, алломалар. 1- китоб – Т.:Мерос, 1995; 2 китоб – Т.:Мерос, 1996
10. Зоҳидов П. Темур даврининг меъморий қаҳқашони – Т., 1996
11. Ибн Арабшоҳ. Темур тарихи.- Т.:Меҳнат, 1992
12. Клавихо Р.Г. Дневник путешествия ко двору Тимура в Самарканд в 1403-1406 гг. – М., 1990
13. Муҳаммаджонов А. Темур ва темурийлар даври – Т.,1996
14. Мўминов И. Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли. – Т., 1968
15. Негматов Н.Н. Государство Саманидов – Душанбе,1977
16. Темур ва Улуғбек даври тарихи. – Т.:Қомуслар бош таҳририяти, 1996
17. Темур тузуклари.- Т.:Ғ.Ғулом, 1997
18. Файзиев Т. Темурийлар шажараси – Т., 1995
19. Хайруллаев М. Ўрта Осиёда илк Уйғониш даври маданияти –Т., 1994
20. Хоразм тарихи. 1- жилд.-Урганч,1997
21. Ўзбекистон давлатчилиги тарихи очерклари.- Т.:Шарқ,2001

Интернетдан маълумот олиш мумкин бўлган сайтлар:

www. istedod.uz

www. akademik.ru

www. islom.uz

www. ziyo.net

www. pedagog.uz

www. kutubxona.uz

<http://www.guldu.uz/> - Guliston Davlat Universiteti sayti

<http://www.gduportal.uz/> - Guliston Davlat Universiteti ichki axborot ta'lim portali

<http://www.edu.uz/>- Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi portali

<http://www.istedod.uz/> - O'zbekiston Respublikasi Prezidentining Iste'dod jamg'armasi

<http://www.ziyonet.uz/> - O'zbekiston axborot ta'lim tarmog'i

<http://www.uz/> - Milliy qidiruv tizimi

<http://www.uforum.uz/> - O'zbekiston forumchilari sayti

<http://guldu.zn.uz/>- Guliston Davlat Universiteti ziyonetdagi blogi

<http://www.ref.uz/> - Feferatlar kolleksiyasi

<http://www.dissertant.uz/> - Yosh olimlar portali

<http://www.goldenpages.uz/> - O'zbekistonning oltin sahifalari

<http://www.e-darslar.net/> – Elektron onlayn darslar manzili

<http://www.vlibrary.freenet.uz/> — Elektron darsliklar kutubxonasi

<http://www.multimedia.uz/> – Multimediya umumta'lim dasturlarini rivojlantirish markazi

<http://www.talim.uz/> – Masofaviy o'qitish ta'lim markazi

<http://www.ilm.uz/> – Masofaviy ta'lim va test o'tkazish tizimi

<http://www.DTM.uz/> – Test markazi sayti

<http://www.allbest.ru/> – Elektron kutubxonalar bibliotekasi

«ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ» ФАНИДАН

ГЛОССАРИЙ

Ажам – араблар ўзлари босиб олган худудлардаги бошқа халқларни, жумладан, Яқин, Ўрта Шарқ ҳамда Ўрта Осиё халқларини шундай атаганлар.

Амир ал-мўминин – мўминларнинг ҳукмдори. Илк ислом даврида халифаларнинг кенг қўлланилган унвони. Бу унвонни дастлаб халифа Умар олган. Кейинги барча халифалар ҳам шу унвон билан юритилган.

Анда (мўғул)-тутинган ака-ука дегани.

Барид (форс-тожик) – Салжуқийлар даврида почта хизматчиси, хабар етказувчи шундай аталган.

Барлос (турк-мўғул) – ўзбек халқи таркибига кирган йирик уруғлардан бири. Барлослар тоғли ва тоғ районларида яшаб, асосан чорвачилик билан шуғулланишган. Барлослар тарихда машхур уруғлардан бўлиб, соҳибқирон Амир Темур ҳам шу уруғга мансуб.

Биронғор (форс-тожик) – кўшиннинг ўнг қаноти, ўнг фаланг.

Босқоқ (мўғул-турк) – мўғул хоналри тарафидан босиб олинган мамлакатларга юборилган махсус мансабдор. Улар маҳаллий ҳокимлар фаолияти ва хатти-ҳаракатини кузатиб борганлар. Босқоқлар аҳоли ҳисобини олиш, ўлпон ва солиқ йиғиш билан ҳам шуғулланганлар. Улар ихтиёрига махсус ҳарбий қисм ва молия хизматчилари бириктирилган.

Болиғ(мўғул) – шаҳар маъносини билдиради.

Буғро – бичилмаган туя

Висоқ (араб) – Салжуқийлар даврида уй, қапа, чодир маъносини билдирган.

Дашти Қипчоқ – Сирдарёнинг қуйи оқими ҳамда Балхаш кўлидан Днепр дарёсининг қуйи оқими ҳамда Балхаш кўлидан Днепр дарёсининг қуйи оқимларигача бўлган худудларнинг 11-16 асрлардаги номи. Бу ерларда кўчманчи қипчоқ қабилалари яшагани учун у ерлар шундай деб аталган. Дашти Қипчоқ атамасини дастлаб Носир Хусрав (1003-1088) қўллаган.

Девон (форс-тожик) – ҳукумат идораси, суд маҳкамаси. Сомонийлар даврида ҳукумат икки қисмдан-даргоҳ, яъни амир саройи ва девондан яъни ҳукумат идорасидан иборат бўлган. Самонийлар давлатида ўнта девон бўлган.

Ём (Жом) – чопарлар, йўловчилар от алмаштирадиган жой, бекатнинг қадимги номи. Ёмда доимо отлар тайёр турган. Тахминан ҳар беш фарсахда ём қурилган.

Ёрлик – фармон, буйруқ. Ҳукмдор хонлар, амирлар, султонлар томонидан ишлаб чиқилган “муҳим воқеалар ҳақида ёзма буйруқ”.

Жабғу (ябғу) – Ғарбий турк хоқонлигида қабила, улус бошлиғига берилган унвон.

Жовонғор – ҳарбий атама бўлиб, кўшиннинг сўл қаноти демакдир.

Илми нужум – юлдузлар илми.

Иқто – Сомонийлар даврида ер парчаси, чек, уни ҳоким ўз тобеиятида бўлганларга вақтинча берилган.

Калантар – хунармандликнинг ҳар бир соҳасига оқсоқол каби белгиланган киши.

Кишоварз – 4-6 асрларда Ўрта Осиёда эркин деҳқон жамоалари кишоварзлар деб аталган.

Лашкар – черик, қўшин, армия.

Мовароуннаҳр – “дарё ортидаги ер” деган маънони билдиради. Араблар Амударёдан шимолга қараб чўзилган Ўрта Осиё ерларини Мовароуннаҳр деб аташган.

Манжаниқ – ўрта асрларда қўлланилган уруш қуроли, Қамал жангаларида ишлатилган. У тош, тош йўқ ждойларда эса ғўла отган.

Раият – Шарқ мамлакатларида дастлаб, барча фуқаро; кейинчалик солиқ тўловчи табақалар.

Саффор – мисгар, мис билан ишловчи.

Туман – Ўн минг деган маънони англатади. Ўн минг аҳолиси бўлган ёки ўн минг кишилиқ қўшин етказиб беришга қодир бўлган музофот, яъни округ.

Устурлоб – астрономлар ишлатган асбоблардан бирининг номи.

Чокар –ўрта асрларда Ўрта Осиёдаги қуроли хизматкорлар шундай аталган.

Этногенез – халқнинг шаклланиш жараёни.

Ясо (Ёсоқ) – Чингизхон замонида жорий этилган қонун-қоида. Фуқаролар ясога, яъни, қонун қоидаларга қандай амал қилаётганини назорат қилиб турувчи кичик мансабдор ясовул дейилган.

М У Н Д А Р И Ж А

| | |
|---|----|
| <i>Кириш</i> | 3 |
| <i>Фан бўйича рейтинг ишланмаси ва баҳолаш мезони</i> | 6 |
| <i>Фанни ўқитишнинг концептуал асослари</i> | 7 |
| <i>Лекциялар курси</i> | 8 |
| <i>1-мавзу: Араб халифалиги даврида Моворауннаҳр ва Хуросон</i> | 8 |
| <i>2-мавзу: Моворауннаҳр ва Хуросонда марказлашган давлатларнинг ташкил топиши</i> | 18 |
| <i>3-мавзу: Қорахонийлар , Салжуқийлар ва Хоразмишохлар давлати</i> | 23 |
| <i>4-мавзу: IX-XII асрларда Мовороуннаҳр ва Хуросондаги маданий ҳаёт. Уйғониш (Ренессанс) даври ривожланиши</i> | 34 |
| <i>5-мавзу: Марказий Осиёнинг мўғуллар томонидан босиб олинishi. Моворауннаҳр Чизатой улуси таркибида</i> | 46 |
| <i>6-мавзу: Амир Темур ва темурийлар давлати</i> | 53 |
| <i>7-мавзу: Амир Темур ва темурийлар даврида ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаёт</i> | 65 |
| <i>Семинар машғулоти</i> | 72 |
| <i>Талабалар мустақил иш топшириқлари</i> | 84 |
| <i>Фан юзасидан назорат саволлари</i> | 85 |
| <i>Ўтилган мавзулар бўйича якуний хулосалар</i> | 87 |
| <i>Фан бўйича ечимини кутаётган илмий муаммолар</i> | 88 |
| <i>Информацион таъминот</i> | 88 |
| <i>Глоссарий</i> | 90 |
| <i>Мундарижа</i> | 92 |

i